

Iqtisodiy rivojlanishga ko'maklashish markazi
Центр содействия экономическому развитию
CenterforEconomicDevelopment

Кичик ва оилавий бизнес: ташкил этиш ва ривожлантириш

Тадбиркорлар учун қўлланма

Муаллиф: Пугач И.Л.

Тошкент 2012

Мундарижа

Кириш

1-боб. Кичик бизнесни ташкил этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий масалалари.

1.1. Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш

1.1.1. Якка тартибдаги тадбиркор

1.1.2. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган оилавий тадбиркорлик

1.1.3. Хусусий корхона

1.1.4. Оилавий корхона

1.1.5. Маъсулияти чекланган жамият

3.2. Кичик бизнесни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

3.3. Банк ҳисобварағини очиш. Нақд пуллар ва пластик карточкалар билан ишлаш

2-боб. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими

2.1. Солиққа тортиш ва кичик бизнесга солиқ имтиёзлари

2.1.1. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби

2.1.2. Умумўрнатилган солиқларни тўлашда солиқ чегирмалари ва имтиёзлари

2.1.3. Ижтимоий жамғармаларга тўловлар

2.2. Ҳисоботларни тақдим этишнинг соддалаштирилган тартиби ва текширувларни чеклаш

2.3. Лицензиялаш, рухсат бериш тартиблари ва сертификатлаш

2.4. Кичик бизнес учун имтиёзли кредитлаш ва лизинг

2.5. Кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятларини рағбатлантириш

2.6. Тадбиркорлик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш.

3-боб. Мулкчилик ҳуқуқлари ва оилавий бизнес иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар

3.1. Оилавий бизнес ҳодиса сифатида. Унинг кучли ва заиф томонлари

3.2. Оила аъзолари – бизнес иштирокчиларининг бандлиги ва иш ҳақи

3.3. Оилавий бизнес қатнашчиларининг мулкий муносабатлари ва уларнинг келишувларини тартибга солиш

3.4. Оилавий бизнесдаги низоларни ҳал қилиш

Тавсия қилинган адабиётлар

КИРИШ

Кичик оилавий бизнес – тадбиркорлик фаолиятининг дунёда энг кенг тарқалган ва кўп асрлик анъаналарга таянувчи шаклидир. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда оилавий фирмалар жамият фаровонлиги ва ривожланишининг асосини ташкил қилади, ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг каттагина қисми уларнинг зиммасига тўғри келади. Шу билан бирга кичик оилавий бизнесни ривожлантириш мамлакат учун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва сиёсий жихатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Хаттоки энг кичик бўлсада, ўз бизнесига эга бўлган оилада интилгани мақсад, фарзандларини ўстиргани сабаб, мерос қилиб қолдиргани нарса мавжуд бўлади. Шундай қилиб мамлакатда аста-секинлик билан ўзи учун ишлай олувчи ва шу билан бир вақтда давлатга ҳам салмоқли даромад келтирувчи мулкдорларнинг ўрта синфи шаклланади. Ўрта синф – жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг асоси.

Ўзбекистон Республикаси “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунининг кучга киритилиши (қонун 2012 йилнинг 24 апрелидан бошлаб кучга кирди) мамлакатимизда кичик оилавий бизнесни ривожлантириш учун ҳуқуқий асосни яратди.

Мазкур қўлланма оилавий бизнесни бошлаш ёки ривожлантиришга қарор қилган, мустақил тарзда, қисқа муддатли курсларда, бизнес мактабларида, коллежларда ёки олий таълим муассасаларида кичик тадбиркорлик асосларини ўрганаётганлар учун мўлжалланган. Муаллифлар у Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик, жумладан кичик оилавий бизнесни ташкиллаштириш ва ҳуқуқий жихатдан тартибга солиш масалалари билан қизиқадиган барча учун фойдали бўлади, деб умид қиладилар.

Биринчи бобда энди иш бошлаётган бизнеснинг энг асосий муаммоларидан бири – дастлабки капитални олиш масаласани ҳал қилиш йўллари кўрсатилади. Энди иш бошлаётган тадбиркорлар учун тақдим этилаётган маблағлар ҳажми, қайтарувчанлик ва қайтариш муддатлари, кредит ресурслари учун тўлов сингари параметрлар бўйича молиялаштириш манбаларини тўғри баҳолаш ва танлаш муҳим ҳисобланади.

“Қўлланманинг” **биринчи боби** кичик бизнесни ташкил қилиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштиришнинг ҳуқуқий масалаларига бағишланган. У тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўрганишдан бошланади. Бу оилавий ишни ташкиллаштиришнинг қайси шакли маълум ҳолатлар учун энг яхши даражада мос келишини аниқлашга имкон беради.

Таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ҳар бир янги бизнес учун муҳим масала ҳисобланади. Уларда бизнес иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бизнесдан чиқиш ва янги иштирокчиларни қабул қилиш, фойдани тақсимлаш, фирманинг бошқарув органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиблари акс эттирилади. Шунинг учун бизнеснинг келажаги таъсис ҳужжатларини тайёрлаш сифатига боғлиқ бўлади. Кейинги бўлимда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби батафсил кўриб чиқилади. Рўйхатга олиш органи томонидан талаб қилинадиган ҳужжатлар ва рўйхатга олиш муддатлари, рад қилиш учун бўлиши мумкин бўлган сабаблар, рухсат бериш кўринишидаги ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ҳар бир бошловчи тадбиркор, оилавий бизнеснинг бўлажак раҳбарига аввалдан маълум бўлиши керак.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун миллий валютадаги банк ҳисобварағини очиш лозим, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда эса хорижий валютадаги ҳисобварақни (ёки ҳисобварақларни) очиш ҳам талаб қилинади. Банк ҳисобварақларини очиш, банк муассасалари ва уларнинг мижозларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида Бўлимда кўриб чиқилади. Бу ерда нақд пуллар (банкдан олиш ва инкассо қилиш) ҳамда иш ҳақи, корпоратив

ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг пластик карточкалари билан ишлашнинг асосий қоидалари берилади.

Китобнинг **иккинчи боби** кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва кўллаб-қувватлаш тизимини ўрганишга бағишланади. У умумўрнатилган солиқларни тўлашда ҳамда солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини кўллашда кичик бизнесга солиққа тортиш соҳасида тақдим этилган имтиёзларни кўриб чиқишдан бошланади. Кўпгина микрофирмалар ва кичик корхоналар солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини кўллайдилар. Ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби, кичик бизнес учун кўпроқ ёки озроқ даражада қулай бўлган фаолият соҳалари, ЯСТ бўйича имтиёзлар – бу “Кўлланмада” кичик бизнесни солиққа тортишни ўрганиш бошланадиган масалалардир.

Умумўрнатилган солиқлар шарҳида юридик шахсларнинг даромад солиғи ва кўшимча қиймат солиғини тўлаш билан боғлиқ бўлган айрим мураккаб саволлар кўриб чиқилади. Мулклардан тадбиркорлик фаолияти мақсадларида фойдаланилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахслар мулки учун солиқ тўлаш қоидалари кўрсатиб берилади.

Ижтимоий жамғармаларга тўловлар: ягона ижтимоий тўлов, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга махсус эътибор қаратилади. Бу ерда ўзлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг энг кам меъёрларини ўрнатиш билан боғлиқ бўлган чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш корхоналари томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади.

Бизнес учун жуда муҳим бўлган лицензиялаш, рухсат бериш жараёнларидан ўтиш (рўйхатга олишда эмас, балки фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан) ва сертификатлаш масалалари биргаликда кўриб чиқилади. Гарчи уларнинг сони мунтазам равишда қисқариб бораётган бўлсада, тадбиркорлик субъектлари ваколатли давлат органларидан махсус рухсат - лицензия ёки рухсатнома кўринишидаги бошқа ҳужжатларни олмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган фаолият турлари мавжуд. Ишда лицензияларни олиш тартиби, уни беришни рад қилишнинг мумкин бўлган сабаблари ва рад қилинган ҳолларда кўрилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар батафсил кўриб чиқилади.

Маҳсулотларнинг айрим турлари стандартлар, техник шартлар ва регламентлар каби меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган хавфсизлик талабларига мажбурий тартибда мос бўлишлари керак. Ушбу маҳсулот турлари мажбурий сертификатлаш – тасдиқловчи ҳужжат – мувофиқлик сертификати берилиши билан ўрнатилган тартибларга амал қилинишини текширишдан ўтиши керак. Мувофиқлик сертификатини олиш масалаларига ушбу ишда кўп жой ажратилган. Китобда кичик тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш турлари, шакллари ва манбалари батафсил кўриб чиқилган. Микрокредитлашнинг ўзига хос алоҳида хусусиялари кўрсатилган. Турли кредит линиялари бўйича – банкларнинг хусусий маблағлари, жумладан тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармалари, давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, халқаро молия ташкилотлари ҳисобига кредитли молиялаштиришнинг афзалликлари ва камчиликлари ўрганиб чиқилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан лизинг ва микролизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилди.

“Кўлланманинг” махсус бўлими кичик тадбиркорлик вакиллари учун экспорт-импорт операциялари соҳасидаги рағбатлантиришларни баён қилишга ажратилади. Бу ерда солиққа тортиш, валюта тушумини мажбурий сотиш, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар, жумладан бундан тўловдан озод қилиш, тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш кўриб чиқилади. Иккинчи бўлим хўжалик фаолияти қатнашчилари ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг баёни билан ниҳоясига етади. Хўжалик шартномаларини тузишнинг қонунчилик билан ўрнатилган тартибларини тушуниш, уларнинг матнига киритилиши шарт бўлган шартларни билиш энди иш бошлаётган тадбиркорларга бизнесдаги бутун ишларнинг қурилиши учун асос бўлган ҳамкорлар билан шартномавий муносабатларда ўзларини дадил ҳис қилишларига имкон беради.

Ушбу “қўлланманинг” **яқунловчи учинчи боби** оилавий бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ўзига хос ташкилий ва шахслараро муаммоларини ўрганишга бағишланади. Оилавий тадбиркорликнинг кучли ва заиф томонлари ўрганилади. Умумий оилавий ишнинг ўсиши ва ривожланишини таъминлашга интилишнинг, ўзининг ҳамда фарзандларининг фаровонлигини ошириш учун ишлаш истагининг қай тарзда оилавий бизнесни хаддан ташқари асосли қилиши ва шу билан унинг рақобатбардошлигини ошириши кўрсатиб берилди. Шу билан бир вақтда оилавий бизнесга ишга алоқадор бўлмаган муносабатлар ва уйдаги муаммолар ва жанжалларни олиб кириш ҳамда оилавий масалаларни бизнес манфаатларига зиён келтирган ҳолда ҳал қилиш ишга ҳам, қариндошчилик муносабатларига ҳам зарар келтириши мумкин.

Бизнесга жалб қилинган мулкка ва ундан олинадиган даромадга бўлган мулкчилик ҳуқуқлари бўйича қариндошлар ўртасидаги ноаниқликлар ва келишмовчиликларга йўл қўймаслик учун бизнес ичидаги, унинг мулкдорлари ўртасидаги меҳнат ва мулккий муносабатлар улар ўртасидаги келишувлар билан мустаҳкамлаб қўйилмоғи керак. Меҳнат муносабатлари бўйича келишувлар оила аъзоларини ёллаш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларнинг бошқа ходимлар билан муносабатлари, бизнесдаги роллари ва меҳнат мажбуриятларининг бажарилиши, ишдан бўшатиш масалаларини тартибга солишлари керак. Иштирокчилар таркибига қабул қилиш (бизнесга қўшилиш) масалалари, ўз улушини тасарруф қилиш имконияти (сотиш, гаровга қўйиш ва хок.), иштирокчиларнинг бизнесдан чиқиши оилавий бизнеснинг эгалари ўртасидаги мулккий муносабатлар тўғрисидаги келишувлар билан тартибга солиниши керак. Бобнинг каттагина қисми ушбу келишувларнинг мазмуни қандай бўлиши кераклигига бағишланган. Оиланинг тарқалиши – никоҳнинг бекор қилинишининг оилавий бизнесга таъсири масалалари ҳамда ажралишнинг оилавий фирмага бузгунчи таъсирини олдини олиш механизмларига алоҳида эътибор қаратилган.

“Қўлланма” кичик оилавий бизнесдаги низоларнинг сабаблари ва уларни ҳал қилиш имкониятларини ўрганиш билан тугалланади. Кўпинча оилавий бизнесда қариндошлар ва ишчилар ўртасидаги шахсий муносабатлардан келиб чиқадиган ихтилофлар, профессионал келишмовчиликлар ўзаро чатишиб кетади. Иш билан алоқадор ва оилавий муносабатларга зарар етказмаслик учун бизнес иштирокчилари иш ва қолган ҳаётни ажратиш ҳамда балки бунинг учун оиланинг барча аъзолари томонидан ҳурмат қилинадиган шахсларни ҳакам сифатида жалб қилган ҳолда ўз бизнеси ичидаги келишмовчиликларни ҳал қилишнинг самарали механизмларини яратишга ўрганишлари керак.

Асосийси ихтилофларни бизнес учун ҳалокат ва қондошлик муносабатларини узиш учун сабаб сифатида қарамасликдир. Ихтилофларни ҳал қилиш ва зиддиятларни бизнесни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига ва ностандарт ечимлар манбаига айлантириш лозим.

1-боб. Оилавий корхонани ташкил қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий масалалари

Ушбу бобда хусусий ишни очишнинг ҳуқуқий жиҳатлари кўриб чиқилади. “Нолдан бошлаб” очиладиган бизнес – бу кўп ҳолларда кичик бизнес бўлади. Шунинг учун *кичик тадбиркорлик субъектларининг* нима эканлигини аниқлаб олиш ўринлидир. Кичик тадбиркорлик субъектлари бўлиб яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар ҳисобланадилар, уларни кичик тадбиркорлик субъектларига киритиш учун мезон бўлиб уларда банд бўлган ходимларнинг сони ҳисобланади. Қонунчилик томонидан улар фаолият юритадиган тармоқларга боғлиқ равишда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун уларда банд бўлган ходимлар сонига чегаравий меъёрлар ўрнатилган.¹

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ходимлар сонини ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қоида қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

- микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежларининг, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 20 фоиз ошадиган бўлса. Ходимлар сонининг оширилишига таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб кўпи билан уч йил ўтган бўлса, йўл қўйилади;
- кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиз ошадиган бўлса.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони аниқланишда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар (шўъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

1.1. Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган бўлиш лозим².

Бу амалдаги қонунчилик бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш таъқиқланмаган исталган шахс яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши ёки яқка ўзи ёки бошқа шахслар билан биргаликда юридик шахс – тижоратчи ташкилотни таъсис қилиши ва уни тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтказиши мумкинлигини билдиради. Қуйида юридик шахсни ташкил қилган ва ташкил қилган ҳолдаги тадбиркорлик фаолиятининг

¹ ЎзР “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонунининг 5-моддаси ЎРҚ 328-сон.

² ЎзР “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси.

Ўзбекистонда кенг тарқалган шакллари, жумладан оилавий бизнесни юритиш учун махсус кўзда тутилган шакллари кўриб чиқилади.

1.1.1. Индивидуальный предприниматель

Якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) ўз ишини мустақил тарзда, ходимларни ишга ёлламаган ҳолда мулкчилик ҳуқуқи ёки бошқа қонуний асосда ўзига тегишли бўлган мулклар асосида юритади. Қонундаги ходимларни ишга ёллашни таъқиқлаш тўғрисидаги талаб хунармандчилик фаолиятини амалга оширувчи ЯТТ учун истисно қилинади. Улар кўпи билан беш нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ҳуқуқ ва мажбуриятларни олади ҳамда амалга оширади. Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимлар тузаётганида, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳаракат қилаётганлигини кўрсатиши керак. Бундай эслатманинг мавжуд эмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари бўйича зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Қонунчилик билан якка тартибдаги тадбиркор тасдиқланган рўйхатга кўра аниқланган фаолият турлари доирасидагина фаолиятни амалга ошириши мумкинлиги белгилаб қўйилган³. Қарорда жисоний шахснинг тасдиқланган Рўйхатга киритилмаган фаолият турларини амалга ошира олмаслиги қатъий тарзда айтиб ўтилади.

Якка тартибдаги тадбиркорга ходимларни ёллашга руҳсат бермаган ҳолда қонун жисмоний шахсларга юридик шахс ташкил этмасдан биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишларига имкон беради.⁴

ЯТТ мақоми юқори мулкый жавобгарлик билан ажралиб туради. У ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ундириш қаратилиши мумкин бўлган ўзига қарашли барча мулклар ва никоҳ шартномаси тузилмаган ҳолларда турмуш қурган вақтдан бери биргаликда ишлаб топган мулкларнинг ярми билан ўз зиммасига олади. Бунда кўчмас мулк, автомобил, заргарлик буюмлари ва бошқа оилавий мулкларнинг кимга – хотин ёки эр номига расмийлаштирилганлиги аҳамиятга эга эмас, ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу мулкларнинг ярми оила бошлиқларидан бирига тегишли бўлади ва мулкларнинг ушбу қисми кредиторлар томонидан даъво объекти бўлиши мумкин.

1.1.2. Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик

Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги” Низомга асосан амалга оширилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик шаклидаги биргаликдаги фаолият қуйидаги оила аъзолари томонидан амалга оширилиши мумкин: эр, хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ва 15 ёшгача бўлган болалар, жумладан ўғил қилиб олинган ва қиз қилиб олинган болалар. Оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан доимий ходимлар ёллашга йўл қўйилмайди. Истисно ҳолларда оилавий тадбиркорликни амалга оширишда вақтинча бир марталик ишларни амалга ошириш учун оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқароларнинг жалб этилишига йўл қўйилади. Бу ҳолда улар билан ишларни бажариш вақти учун фуқаро-ҳуқуқий шартнома тузилади. Оилавий тадбиркорликни амалга ошириш жараёнида оила аъзолари ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатлари, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадни тақсимлаш масалалари улар томонидан мустақил равишда тартибга солиб борилади.

³ ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 январдаги 6-сонли Қарорига 1-илова (ўзгартиришлар билан)

⁴ ЎзР “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси.

Қонунчиликда 18 ёшга тўлмаган шахслар учун оилавий бизнесда ишлаш бўйича чекланиш ўрнатилган. Оилавий тадбиркорликда қатнашаётган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун бир ҳафтада 36 соатлик, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса - бир ҳафтада 24 соатлик иш вақтидан ошмаслиги лозим.

Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликнинг қатнашчилари ижтимоий суғурта қилиниш ва иш даврларини меҳнат стажига ҳисоблаш ҳуқуқларга эга. Ушбу ҳуқуқ амалга оширилиши учун улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаши мажбур. Субъекты семейного предпринимательства без образования юридического лица также обязаны уплачивать другие налоги и обязательные платежи, установленные для индивидуальных предпринимателей в соответствии с законодательством.

Хусусий ишни ташкиллаштиришнинг бошқа кенг фойдаланиладиган усуллари тижоратчи ташкилот - юридик шахсни ташкил қилишни назарда тутди. Тижоратчи ташкилотнинг энг содда ва энг кенг тарқалган тури бўлиб хусусий корхона ҳисобланади.

1.1.3. Хусусий корхона

Хусусий корхона – бу кўп жиҳатдан якка тартибдаги тадбиркорликнинг ижобий хусусиятларини сақлаб қолган ва унинг чекланишларидан озод бўлган ташкилий-ҳуқуқий шаклдир. Ўзбекистонда хусусий корхоналарни яратиш, фаолиятини олиб бориш, қайта ташкиллаштириш ва тугатиш Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни (558-П-сон 2003 йил 11 декабр) билан тартибга солинади.

Мулқдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Хусусий корхона ягона жисмоний шахс томонидан тузилган бўлишига қарамай алоҳида мол-мулкка эга бўлади. Бу эса яратилганидан кейин ўз таъсисчиларидан (таъсисчисидан) мустақил тарзда фаолият олиб бориши мумкин бўлган юридик шахснинг асосий хусусиятидир. Хусусий корхона юридик шахс бўлгани ҳолда меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича ходимларни ёллаш ҳуқуқига эга. Бу якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс ташкил қилмасдан оилавий тадбиркорлик субъекти эга бўлмаган имкониятдир.

Хусусий корхона ўз ходимларига қонун ҳужжатларида белгиланган норма ва қоидаларга мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитларини ва ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаши шарт. Меҳнат шартномаси (контракти) бўйича хусусий корхонада ишловчи шахслар меҳнатига тўланадиган ҳақ томонларнинг келишуви бўйича, бироқ Ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича қонунчиликда ўрнатилган ҳажмдан (тариф коэффициенти – 2,476) кам бўлмаган миқдорда ўрнатила. Бу хусусий корхонадаги иш ҳақи ҳажми бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарда бўлгани каби ЭКИХХ*2,476⁵ дан кам бўлиши мумкин эмаслигини билдиради.

Хусусий корхона мулқдор томонидан тузилади, мулқдор унга тегишли мол-мулк беради. Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулқдорнинг ўзи белгилайди. Қонунда хусусий корхонанинг устав фондининг энг кам ҳажми учун ҳеч қандай талаблар мавжуд эмас, унинг ҳажми исталганча бўлиши мумкин. Мулқдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди. Устав капиталини шакллантиришга бўлган бундай ёндашувда ўз мажбуриятлари бўйича хусусий корхона жавобгарлигини таъминловчи

⁵ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 155-моддаси.

механизм талаб қилинади. Бунинг учун корхона мулклари етарли бўлмаган ҳолларда корхона эгасининг хусусий корхона мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мулк билан субсидияли жавобгарлиги кўзда тутилган.

Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантириляётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Хусусий корхонани бошқаришнинг ўзига хос хусусияти қонунчиликда белгиланган уни якка бошқариш ҳисобланади. Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар (директор) сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради. Бироқ у ўз ваколатларини бирор кимга бериш, ўзи эса ишлардан четланиши ва мулкдор сифатида даромад олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Европа мамлакатларида қўлланиладигани каби хусусий корхоналар учун бошқарувчини ёллашга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида йўл қўйилмайди. Хусусий корхона мулкдори-раҳбари ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади. Бунда у муваққат раҳбарнинг хусусий корхона мол-мулкни тасарруф этишга оид ҳуқуқини чеклаб қўйиши мумкин. Мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш бундай бажарилмасликнинг сабабига кўра фуқаролик қонун ҳужжатларига ва хусусий корхонанинг уставига мувофиқ амалга оширилади. Хусусий корхонанинг фойдаси унинг мулкдорига тўлиқ тегишли. Хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Хусусий корхона – бу мулкдорга бизнесдан осонгина чиқиш имкониятини берувчи ташкилий-ҳуқуқий шаклдир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган корхонани сотиши, совға қилиши ёки бошқа усул орқали уни бошқаларга тасарруф этиши мумкин.

1.1.4. Оилавий корхона

Хусусий корхона алоҳида шахсга тадбиркорлик фаолияти учун якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан кўпроқ имкониятлар тақдим этгани каби оилавий корхона – оилавий бизнес учун юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик субъекти мақомига нисбатан янада кенгроқ бўлган махсус ташкилий шакл. Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизда ташкил этилади. Оилавий корхона фаолиятни фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин ва давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади⁶.

Оилавий корхона кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. Мос ҳолда унга нисбатан қонунчиликда кичик бизнес субъектлари учун кўзда тутилган имтиёзлар ва преференциялар ҳам, чекланишлар ҳам қўлланилади. Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкин. Бироқ, оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ 327-сонли “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни.

эмас.⁷ Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

Оилавий корхонани таъсис этиш юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик субъектига нисбатан бизнесга жалб қилинган оила аъзолари доирасини анчагина кенгайтиришга имкон беради. Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

Оилавий корхонанинг устав фонди пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, шу жумладан, пул билан баҳоланадиган мулкый ҳуқуқлар ёки ўзга шахсга ўтказиладиган бошқа ҳуқуқлар ҳисобидан шакллантирилади. Ягона уй (квартира) оилавий корхонанинг устав фондига киритилиши мумкин эмас. Оилавий корхона иштирокчилари оилавий корхонанинг устав фондига корхона таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда ўзлари киритадиган мол-мулкни мустақил равишда белгилайди. Оилавий бизнеснинг оила аъзоларининг умумий мулклари ёки уларнинг ҳар бирларининг мулклари асосида яратилишини ҳисобга олган ҳолда оилавий корхонанинг устав фондига бериш объекти сифатида айнан бериладиган мулкый ҳуқуқларга алоҳида эътибор бериш лозим. Ягона уй ёки квартира корхонанинг устав фондига берилиши мумкин эмас, ундан ёки унинг бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи эса берилиши мумкин. Шахсий автомобилидан тайёр маҳсулотларни мижозларга етказиб беришда фойдаланиш ва оилавий бизнес иштирокчиси сифатида фойданинг бир қисмига даъво қилиш учун автомобил эгаси уни оилавий корхона номига қайта расмийлаштириши шарт эмас, таъсис шартномасида буни акс эттирган ҳолда ушбу автомобилни корхонада фойдаланиш учун бериши мумкин. Ушбу фойдаланиш ҳуқуқи автомобил эгасининг устав фондига қўшган ҳиссаси бўлади. “мулкый ҳуқуқлар ёки бошқа тасарруф этиладиган ҳуқуқлар” ҳуқуқий формуласининг маъноси мана шундан иборат. Амалда фойдаланиш ҳуқуқи бошқа мулкчилик ҳуқуқларидан алоҳидалигини ҳамма кўради. Кўчмас мулклар, автомобилларни ижарага бериш, жихозлар лизинги мана шунга асосланган. Бироқ гап корхона устав фондига улушларни киритиш тўғрисида борганда мулкый улушлар тўғрисида гапиришни афзал кўрадилар.

Шу билан бирга уй хўжалиги асосида ташкил қилинган кўпчилик оилавий корхоналарнинг устав фонди оилавий мулклардан фойдаланиш ҳуқуқларидан ташкил топишини тушуниш қонуншуносга оилавий корхона устав фонди ҳажмига жуда паст даражадаги талабларни қўйишга имкон беради. Оилавий корхонанинг устав фонди корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этиладиган санадаги қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Устав фонди энг кам ҳажмининг бундай паст чегараси оилавий корхоналарни ташкил қилишни осонлаштиради, бироқ бу уларнинг ҳамкорлари ва кредиторлар учун анчагина жиддий таваккалчилик омили бўлиши мумкин. Кўпчиликнинг мажбуриятларининг бажарилиши ЭКИХХ нинг 10 баробари баҳосидаги мулк (кўпинча эса мулк билан ҳам эмас, балки “мулкый ҳуқуқлар”) билан таъминланган фирма билан ишлашга рози бўлиши қийин. Кафолат механизм сифатида “Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги” Қонунда оилавий корхона иштирокчиларининг корхона мол-мулки етарли бўлмаганда оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан субсидиар жавобгарлиги кўзда тутилган.

Ушбу меъёрни ҳисобга олган ҳолда Қонунда оилавий корхонада иштирок этишга чекланиш ўрнатилган - бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас. Оилавий корхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи

⁷ ЎЗР 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ 328-сонли “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонунининг 5-моддаси.

бўлиши мумкин, унга оилавий корхонанинг барча иштирокчилари бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беради. Мулкдорларнинг ишончли шахси сифатида оила бошлиғи ўз функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми бўйича оилавий корхона директори вазифасини бажаради. Оилавий корхона бошлиғи оилавий корхонани шахсан бошқариши ва унинг кундалик фаолиятини ташкил этиши шарт. Бу жиҳатдан унинг ҳолати хусусий корхона мулкдори ва раҳбари ҳолатига ўхшашдир. Қонунчиликка мувофиқ оилавий корхоналарни ҳам, хусусий корхоналарни ҳам меҳнат шартномаси бўйича ёланган менежер бошқара олмайди, балки фақат мулкдоргина (мулкдорлардан биригина) бошқариши мумкин. Оилавий корхона бошлиғи учун қўйилган яна бир чекланиш бу оилавий корхонанинг мол-мулки билан боғлиқ йирик битимлар тузишда иштирокчиларнинг розилигини олиши шартлиги. Бошқа барча масалаларда оилавий корхона бошлиғининг ҳаракат эркинликлари ва жавобгарликлари бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарнинг ижроя раҳбарлариникига мос келади.

Оилавий корхона даромадларини тақсимлаш тартиби унинг иштирокчилари томонидан белгиланади ва таъсис шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади. Айрим оилавий корхоналар учун даромадларни иштирокчилар ўртасида устав фондига қўшилган улушга мутаносиб тарзда тақсимлаш тўғри келмаслиги мумкин, чунки эндигина балоғат ёшига етган ёш оилалар устав фондига қўшиш учун мулкларга эга бўлмасликлари, бироқ корхона фаолиятига меҳнат ва ақлий жиҳатдан катта ҳисса қўшишлари мумкин. Оилавий корхона иштирокчилари ушбу ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олувчи даромадларни тақсимлаш механизмини ишлаб чиқишлари мумкин.

Оилавий корхона бир қатор махсус имтиёзларга эгадирлар ва шу билан тадбиркорликнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллари билан фарқ қиладилар. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси “Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги” Қонунининг 16-моддасига мувофиқ оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик биналари ва бошқа иморатлар оилавий корхона фаолияти амалга ошириладиган жойдир. Иқтисодий жиҳатдан фаол бўлмаган аҳолини бизнесга жалб қилиш мақсадида оилавий корхона бир қатор ҳолларда уй хўжалиги доирасида ташкил қилиниши мумкинлиги назарда тутилаётганлиги учун уй хўжалиги аъзолар яшайдиган турар жой оилавий корхона ўз фаолиятини амалга оширадиган жой бўлиши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди, бундан фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланишга қонунчилик билан қатъий чекловлар ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларга жойлаштирилишига рухсат берилган фаолият турлари рўйхати тасдиқланган⁸. Кўп квартирали уйларда бошқа фаолият турларини амалга оширилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, оилавий корхона томонидан саноат тусидаги фаолиятни кўп квартирали уйнинг турар жойларида амалга оширишга йўл қўйилмайди. Корхона санитария, экологик ва қонунчиликда ўрнатилган бошқа меъёрлар ва қоидаларга амал қилган ҳолда фаолият олиб бориши шарт. Оилавий корхона фаолиятида заҳарли, радиоактив моддалар ва материаллардан, юқори босимли асбоб-ускуналардан ҳамда инсон ва атроф-муҳит учун катта хавф туғдирадиган бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оилавий корхона фойдаланиши мумкин бўлмаган моддалар, материаллар ва асбоб-ускуналарнинг рўйхати

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 22-сонли Қарори билан тасдиқланган “Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом”га илова.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган.

Оилавий корхона учун имтиёзлардан яна бири шундан иборатки, у ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жойининг ўзида сотиш ҳуқуқига эга. Алоҳида стационар савдо нуқтасини очиш, қандайдир рухсатномалар олиш ва солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибларини ўзгартириш шарт эмас. Агар оилавий корхона нон ёпса, уларни ўша ерда, нон ёпиладиган жойининг олдида сотиш мумкин. Бироқ бунда чакана савдонинг ўрнатилган қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш шарт⁹.

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга оширилаётган жойгача етказилишини ҳамда уланишини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида таъминлайди.

Оилавий корхонани солиққа тортишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги” Қонунининг 26-моддасига мувофиқ у ягона солиқ тўловини тўловчидир, яъни бошқа кичик корхона субъектларидан фарқ қилиб умумўрнатилган солиқлар ва солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибларидан бирини танлай олмайди. Бу оилавий корхона шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларига чеклов ўрнатади. Оилавий корхона акциз солиғи тўланадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмалар кавлаб олишни, шунингдек юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ёки ягона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолиятни амалга ошириши мумкин эмас¹⁰. Сўнги қоида транспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш (пуллик тўхташ жойи) хизматларини кўрсатувчи ёки болалар ўйин автоматлари хизматларини таклиф этувчи фирма оилавий корхона кўринишидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўла олмаслигини билдиради. Агар оиланинг асосий фаолият соҳаси қишлоқ хўжалиги бўлса, бизнес оилавий корхона сифатида эмас, балки фермер ёки дехқон хўжалиги (юридик шахс ташкил этиб ёки ташкил этмасдан) сифатида расмийлаштирилиши мумкин.

Оилавий корхонани солиққа тортишнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Бу оилавий корхона иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойда дивидендлар ва фоизлар сифатида қаралмайди ёки даромаднинг ушбу турига солиқ солинмайди.

Оилавий корхонадаги меҳнат муносабатларининг ўзига хос хусусияти бўлиб уларнинг икки ёқламалилиги ҳисобланади. Бир томондан оилавий корхонанинг шахсий меҳнатлари билан унинг фаолиятида иштирок этишлари шарт бўлган иштирокчилари (мулкдорлари) мавжуд. Бошқа томондан – оилавий корхона ёлланма ишчиларни жалб қилиш ҳуқуқига эга. Оилавий корхона иштирокчилари томонидан шахсий меҳнатни амалга ошириш шартлари улар ўртасидаги келишув бўйича белгиланса, оилавий корхона (иш берувчи) ва ёлланма ишчилар ўрталаридаги меҳнат муносабатлари эса меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномалари (контрактлари) билан тартибга солинади.

Бироқ меҳнат қонунчилигининг асосий қоидалари оилавий корхона эгаларига нисбатан ҳам, унинг ёлланма ишчиларига нисбатан ҳам қўлланилади. Оилавий корхона иштирокчилари ва

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 327-сонли “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси.

ёлланма ишчилари меҳнатига тўлов ҳажми томонларнинг келишувлари бўйича белгиланади, бироқ у меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Ягона тариф сеткаси биринчи разряди учун қонунчиликда ўрнатилган ҳажмдан кам бўлмаслиги керак. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам ҳажмига кўшимча тўловлар, устама ҳақлар, рағбатлантирувчи тўловлар, оддий иш вақтидан четлашилган ҳолларда орттирилган тўловлар киритилмайди.

Иштирокчилар ва ёлланма ишчиларнинг оилавий корхонадаги ишлаган вақтлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадалларнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва қонунчилик тартибида юритилувчи меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар асосида иш стажига киритилади.

1.1.5. Масъулияти чекланган жамият

Тадбиркорлик фаолиятининг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шакли амалда тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистонда энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамият шаклида (бундан буён – МЧЖ) нафақат кичик тадбиркорлик субъектлари, балки ўрта ва йирик ҳажмлардаги бизнес-тузилмалар ҳам рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ёки кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси белгилаб берадики, “Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган хиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар”. Масъулиятнинг чекланганлигининг мана шу тамойили тадбиркорлар орасида ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг кенг тарқалганлиги учун асосий сабаби бўлиб хизмат қилади. Жамият ҳам ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, бироқ ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

МЧЖ таъсисчиси сифатида битта шахс (жисмоний ёки юридик) ҳам, икки ва ундан кўпроқ бўлган жисмоний ва ёки юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Қонун жамият иштирокчилари сонининг юқори чегарасини белгилайди, уларнинг сони эллиқдан ортиқ бўлиши мумкин эмас¹¹. Агар жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрдан ошиб кетса, жамият бир йил ичида очиқ акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак. Агар кўрсатилган муддат давомида жамият қайта тузилмаса ва жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрга қадар камаймаса, у юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг талабига биноан суд тартибида тугатилиши керак.

Масъулияти чекланган жамият устав фондининг энг кам миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги лозим¹². Бу нафақат акциядорлик жамиятидан, балки хўжалик ширкатларига қараганда ҳам кичикроқдир, бу МЧЖни бизнесни, жумладан оилавий бизнесни ташкиллаштиришнинг анчагина қулай шаклига айлантиради. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз хиссасини тўлиқ киритиши керак.

Қонун МЧЖ устав фондидаги улушларнинг чекланган ликвидлигини ўрнатади. Жамият иштирокчиси қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг уставида кўзда тутилган тартибда жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бундай

¹¹ ЎзР “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 7-моддаси 6-қисми.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529-сонли қарори.

битимни тузиш учун, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг ёки жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди. МЧЖ дан чиқиш ва улушнинг жорий баҳосини МЧЖ иштирокчиларига қайтариш ҳуқуқи қонунчилик билан кафолатланган. Бошқа иштирокчилардан ҳеч ким сотиб олмаса, улушларни учинчи шахсларга сотиш эса таъқиқланган бўлса ёки бундай розиликни олиш жамиятнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинадиган ҳолларда сотувчи ўз улушини учинчи шахсларга сотиш учун бошқа иштирокчиларнинг розилигини олмаган бўлса, жамият иштирокчи улушини сотиб олишга мажбур.

Фойдани МЧЖ иштирокчилар ўртасида тақсимлаш тамойили “Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддаси билан ўрнатилган. Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади. Қонунда фойдани тақсимлашнинг бошқа ҳеч қандай усули кўзда тутилмайди, бироқ фойдани умуман тақсимламаслик имконияти ҳам кўзда тутилади. Фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади, бизнесга банкротлик билан таҳдид солувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолатлар мавжуд бўлганда фойдани иштирокчилар ўртасида тақсимлашга йўл қўйилмайди.

МЧЖ иштирокчилари ўзларининг жамият ишларини бошқариш ҳуқуқларини жамиятни бошқаришнинг олий органи бўлган иштирокчиларнинг умумий йиғилишида қатнашиш орқали амалга оширадilar. Жамиятнинг уставида жамиятнинг қузатув кенгашини тузиш назарда тутилиши мумкин. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директори) томонидан ёки жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи (дирекция, бошқарув) томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига ва, агар тузилиши жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлса, жамиятнинг қузатув кенгашига ҳисобдордир.

Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг устав фондидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади. Жамиятни таъсис этиш пайтида жамиятнинг уставига биноан ёки жамиятнинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан жамият иштирокчилари овозларининг сонини аниқлашнинг бошқача тартиби белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши асосан оддийгина кўпчилик овозлар бўйича қарорлар қабул қилади. Бироқ умумий йиғилиш қарори жамиятнинг барча иштирокчилари овоз берган ҳолларда қабул қилиниши керак бўлган масалалар мавжуд. Бундай масалаларга қуйидагилар киради:

- Жамиятнинг устави билан жамият иштирокчиси улушининг энг юқори миқдори, шунингдек жамият иштирокчилари улушларининг нисбатини ўзгартириш имконияти чеклаб қўйилиши;
- Жамиятнинг иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш;
- Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият иштирокчисининг қўшимча ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (жамият иштирокчиларининг аризалари) ва (ёки), агар бу жамиятнинг таъсис ҳужжатларида тақиқланган бўлмаса, учинчи шахснинг (учинчи шахсларнинг) уни (уларни) жамиятга қабул қилиш ва ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (аризалари) асосида жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) қўпайтириш;
- Улушни (улушнинг бир қисмини) жамият иштирокчилари улушларининг миқдорларига номутаносиб равишда сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқини амалга ошириш тартибини;

- Улушни жамият иштирокчиларининг улушлари миқдорлари ўзгарадиган тарзда жамият иштирокчиларига сотиш, улушни учинчи шахсларга сотиш, шунингдек улушни сотиш билан боғлиқ ўзгартишларни жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш;
- мол-мулкига ундирув қаратилган жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати кредиторларга жамиятнинг қолган иштирокчилари томонидан уларнинг жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тўланиши;
- жамиятнинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан жамият иштирокчилари овозларининг сонини аниқлашнинг бошқача тартибини белгилаш;
- бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Ушбу масалалар бўйича қарорлар жамият умумий йиғилишида кўпчилик овозга эга бўлган иштирокчиларнинг унда қарорлар қабул қилиш устидан назоратини йўқотиш имконияти, кам овозга эга бўлган иштирокчиларнинг ҳуқуқларининг мумкин бўлган чекланиши ёки бошқа юридик шахсларни ташкил этишдаги каби жамият активларини жамиятнинг айрим иштирокчилари ва кредиторларидан яшириш мақсадида чиқариб олиш имконияти билан боғлиқ бўлади. Бундай имкониятни амалга оширилишига йўл қўймаслик учун қонун томонидан ушбу масалалар бўйича қарорларни МЧЖ иштирокчилари йиғилишида бир овоздан қабул қилиш ўрнатилган.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директор) жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг уставида белгиланган муддатга сайланади. Ушбу китобда тақдим этилган бизнеснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларида фарқ қилиб МЧЖнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи раҳбари унинг иштирокчилари бўлмаганлар орасидан ҳам сайланиши мумкин. Унинг жамият иштирокчилар орасидан сайланганлиги ёки йўқлигидан қатъий назар жамият ва унинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс ўртасида меҳнат шартномаси тузилади.

Кичик, жумладан оилавий бизнес таъсис қилиниши мумкин бўлган ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг кучли ва кучсиз томонлари мавжуд. Ушбу шаклларнинг асосий белгилари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. Тадбиркорлик субъектлари ташкилий-ҳуқуқий шакллари хусусиятлари.

Бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари	Мулкдорлар жавобгарликларининг чегараси	Ходимларни ёллаш имконияти	Бошқарувчиси (директорни) ёллаш имконияти	Солиққа тортиш режими	Фаолият турлари га бўлган чекланишлар	Устав фондининг энг кам ҳажмига бўлган талаблар	Иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби
<i>Юридик шахс ташкил этмасдан</i>							
Якка тартибдаги тадбиркор	Барча тегишли бўлган мулклар билан	йўқ	йўқ	Белгиланган солиқ ва СК 373-моддаси бўйича солиқлар	Фақат рухсат берилганлар	–	–
Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик субъектлари	Барча тегишли бўлган мулклар билан	йўқ	йўқ	Белгиланган солиқ ва СК 373-моддаси бўйича солиқлар	Фақат рухсат берилганлар	–	Эр-хотиннинг умумий розилиги асосида
<i>Юридик шахс ташкил этиб</i>							

Бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари	Мулкдорлар жавобгарликларининг чегараси	Ходимларни ёллаш имконияти	Бошқарувчини (директорни) ёллаш имконияти	Солиққа тортиш режими	Фаолият турлари га бўлган чекланишлар	Устав фондининг энг кам ҳажмига бўлган талаблар	Иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби
Хусусий корхона	Корхонанинг барча мулклари билан ва мулкдорнинг ўзига тегишли барча мулклари билан субсидиар жавобгарлиги	ха	йўқ	Солиққа тортиш режимини танлаш ҳуқуқига эга*	Мавжуд эмас	Қонунчиликда таъқиқланмаган исталганча	Мулкдор ва раҳбарнинг биргаликдаги қарори
Масъулияти чекланган жамият	Улушлар миқдори доирасида	ха	йўқ	Солиққа тортиш режимини танлаш ҳуқуқига эга*	40	Қонунчиликда таъқиқланмаган исталганча	Устав фондидаги улушлар ҳажмига мутаносиб тарзда**
Оилавий корхона	Корхонанинг барча мулклари билан ва мулкдорнинг ўзига тегишли барча мулклари билан субсидиар жавобгарлиги	Кичик корхоналар учун белгиланган нормалар бўйича ишчиларнинг сони	йўқ	ЯСТ	10	“Оилавий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасидаги чекловлар	Ҳажмига мутаносиб тарзда**

* ЯСТ тўловчи чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари.

** Иштирокчиларнинг бир овоздан қабул қилинадиган қарори талаб қилинадиган бир қатор масалалар қонунчиликда белгилаб қўйилган

Тадбиркорлик фаолияти турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бу ва қонунчиликда белгилаб берилган бошқа ўзига хос хусусиятларини билиш энди иш бошлаётган тадбиркорга қўйилган мақсадлар, у ёки бу бошқарув моделига мойиллик, давлат томонидан тақдим этилган имтиёزلардан фойдаланишга интилиш ҳамда меҳнат ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларга боғлиқ равишда улар орасидан маълум фаолият соҳаси учун энг мосини танлаб олишга имкон беради.

1.2. Фирманинг таъсис ҳужжатларини тайёрлаш.

Тадбиркорлик субъекти – юридик шахс томонидан рўйхатга олиш органига тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари қуйидагилардир:

- хусусий корхона учун - устав,
- масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар учун — таъсис шартномаси ва устав, агар жамият бир шахс томонидан таъсис қилинса – фақат устав,
- тўлиқ ва коммандит ширкатлар ҳамда оилавий корхоналар учун — фақат таъсис шартномаси.

Таъсис ҳужжатларида аввал бошиданок қандай масалаларни фақат бизнес мулкдорлари, қандай масалаларни – корхонанинг ижрочи раҳбари (директори) мулкдорлар билан

келишилган ҳолда, қандай масалаларни эса бизнес эгаларининг рухсати ёки розилигини олмасдан туриб директорнинг ўзи мустақил ҳал қила олиши ёзиб қўйилиши керак.

Таъсис шартномаси биргаликдаги бизнесни бир нечта иштирокчилар бошлаган ҳолларда тузилади. Таъсис шартномасида янги тадбиркорлик субъектига асос солаётган шахслар ўз зиммаларига уни ташкил қилиш бўйича мажбуриятларни оладилар ва ушбу мақсадда эришиш учун ҳаракатлар тартибини белгилайдилар.

Таъсис шартномасида куйидаги маълумотлар акс эттирилган бўлиши керак:

- таъсис қилинаётган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (оилавий корхона, хўжалик ширкати ёки масъулияти чекланган жамият);
- жамият муассисларининг (иштирокчиларининг) таркиби;
- ташкил этиладиган юридик шахснинг фирма номи ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондининг миқдори ва унинг ташкил этилишининг тартиби;
- жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати тўғрисидаги маълумотлар;
- иштирокчилар томонидан жамият устав фондига ҳиссаларни қўшиш тартиби, миқдори, усуллари ва муддатлари;
- устав фондини ошириш ёки камайтириш тартиби;
- фойдани тақсимлаш ва зарарларни қоплаб бериш тартиби;
- юридик шахснинг мулкдорлари таркибига янги иштирокчиларни қўшиш ва иштирокчисининг юридик шахсдан чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар
- юридик шахсни қайта ташкиллаштириш ва тугатиш тартиби;
- таъсис қилинаётган бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва муассисларнинг эҳтиёжларига боғлиқ равишда қонунчиликка зид бўлмаган бошқа маълумотлар.

Масалан, бизнеснинг қонунчилик ҳужжатларида корхонанинг устави кўзда тутилмаган ташкилий-ҳуқуқий шаклларида (хўжалик ширкати, оилавий корхона) таъсис шартномасида корхонани бошқарув органлари, улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Масалан, оилавий корхона шаклидаги бизнесни ташкил қилишда ЎЗР “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ таъсис шартномасига оилавий корхонанинг бошлиғи, оилавий корхона мулклари билан йирик битимларнинг ҳажми, унинг иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, яъни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги бизнесни ташкил қилишда одатда корхона уставида бўладиган маълумотлар киритилади.

Ташкил қилинаётган корхонанинг устав фондига мулк улушлар мулкларни фирма мулкчилигига бериш йўли билан эмас, ушбу муддат тугаши мулк унинг эгасига қайтариладиган маълум муддатга вақтинчалик фойдаланишга бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бу бир қийматли тарзда таъсис шартномасида қайд этилган бўлиши керак. Бу устав фондига улуш сифатида буюмлар (жумладан, пуллар) эмас, балки мулк хуқуқлар ёки пул баҳосига эга бўлган бошқа фирма ихтиёрига бериладиган хуқуқлар бериладиган барча ҳолатлар учун таалуклидир. Масалан, бино ёки автомобил кўпинча унинг муассислари томонидан оилавий фирмага маълум муддатга фойдаланишга берилади.

Яна устав фондига муаллифлик ҳуқуқи, технологиялар (масалан, паловнинг ўзига хос рецепти ёки сумка дизайни каби), логотиплар каби номоддий активларни киритиш имониятини ҳам ҳисобга олиш керак, яъни бизнесни ташкиллаштиришнинг умумий улушли мулкчиликка асосланган барча шакллари учун устав фондидаги пулсиз улушларнинг пулдаги баҳолари муассислар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг муассислар (иштирокчилар) томонидан

бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади. Қонунчилик томонидан таъсисчилар улушларини мустақил баҳолашни ўтказишни талаб қилмайди, бироқ айрим вақтларда келажакдаги келишмовчиликларни олдини олиш учун шундай баҳолашни ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир иштирокчининг юридик шахс иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилинишига таъсири ва уларнинг ҳар бирининг тақсимланаётган фойдадаги улуши одатда уларнинг корхона устав фондидаги улушларига боғлиқ бўлади.

Иш тартиби ва фирма бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни белгилаб берувчи таъсис ҳужжати бўлиб унинг устави ҳисобланади. Қонунчилик хусусий корхона уставига энг содда талабларни қўяди. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ унинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- корхонанинг фирма номи;
- унинг жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- асосий фаолият турларининг рўйхати;
 - мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;
- устав фондининг миқдори;

Хусусий корхонанинг устави қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин

Масъулияти чекланган жамият бошқарув тузилмаси бўйича тадбиркорликнинг мураккаброқ субъекти бўлганлиги ва бир неча шахслар томонидан таъсис қилиниши мумкинлиги учун МЧЖ устави мазмунига бўлган талаблар кўпроқдир. Унинг уставида Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи;
- жамият фаолиятининг предмети;
- жамиятнинг почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият органларининг таркиби ва ваколатлари тўғрисидаги, шу жумладан жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирувчи масалалар тўғрисидаги, жамият органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан қарорлар бир овоздан ёки квалификациян кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондининг миқдори тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиш тартиби ва унинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондидаги улушнинг (улуш бир қисмининг) бошқа шахсга ўтиши тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг ҳужжатларини сақлаш тартиби ҳамда жамият томонидан жамият иштирокчиларига ва бошқа шахсларга ахборот тақдим этиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги маълумотлар;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар.

Ҳозирги вақтда юридик шахслар учун уставда ёки таъсис шартномасида фаолиятнинг барча турларини кўрсатиш шарт эмас. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг муассислари таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг фақат асосий турларини санаб ўтишга ҳақли. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектлари таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган фаолият тури билан ҳам шуғулланиши мумкин.

1.3. Кичик бизнесни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш туман ва шаҳар ҳокимиятларидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш Инспекциялари томонидан амалга оширилади, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Давлат рўйхатидан ўтказиш “бир ойна” тамойили асосида амалга оширилади ва одатда хабардор қилиш тартибида бўлади, тадбиркорлик субъектига нисбатан ер участкаларини ажратиш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисидаги қарор талаб қилинадиган ҳамда у лицензияланадиган фаолият тури билан шуғулланмоқчи бўлган ёки рухсат берувчи ҳужжатлар талаб қиладиган ишларни (масалан, қурилиш) бажармоқчи бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйилади. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказишда ушбу давлат органларига ташриф буюриши керак. Солиқ тўловчи идентификацион рақами (СТИР), давлат рўйхатига олиш учун зарур бўладиган статистик кодларни олиш ва фирма номини захирашни бевосита туман (шаҳар) ҳокимиятидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш Инспекциясида амалга ошириш мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш муассисларнинг ихтиёрига кўра муассисларнинг ўзлари томонидан ҳамда шартнома асосида - Савдо-саноат палатаси ёхуд бошқа консалтинг фирмалари, бошқа шахслар томонидан амалга оширилади. 2011 йилнинг 1 июнидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин¹³.

Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун Инспекцияларда энг кам иш ҳақи миқдорида давлат божи тўланади.

Ер участкасини ажратиш, муҳандислик коммуникацияларига (газ таъминоти, электр таъминоти, сув таъминоти, канализация, иссиқтик таъминоти, телефон алоқаси) улаш учун техник шартларни олиш, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш тадбиркорлик субъекти ёки унинг муассасасининг аризасига кўра Инспекция томонидан таъминланади. Ариза берувчи Инспекцияга тадбиркорлик субъектини, айти пайтда рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтказиш учун ва тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирамасдан давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилиши мумкин.

Инспекция томонидан рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар берилганлиги учун ваколатли органлар хизматларига ҳақ тўлаш фақат Инспекция орқали амалга оширилади.

Хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказишда (рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирамасдан) ариза-хабар берилгандан бошлаб гувоҳнома бериш билан тадбиркорлик

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529-сонли қарорининг 2-банди.

субъектини давлат рўйхатига олингунича ўтган муддат икки иш кундан ортиқ бўлмаслиги керак¹⁴.

Тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишнинг ариза берилган санадан бошлаб рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилгунгача умумий муддати техник шартларни ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш билан боғлиқ ишларнинг мураккаблиги ва сермехнатлиги даражасига қараб 7 иш кунидан бир ойгача доирада белгиланади¹⁵.

Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш учун жисмоний шахс томонидан ўз яшаш жойидаги Инспекцияга келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

- 3x4 см ўлчамдаги иккита фотосурат;
- давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;
- икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари (якка тартибдаги тадбиркор хоҳишига кўра);
- паспорт нусхаси.

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга (ариза берувчи шахс томонидан шахсан ёки почта орқали) қуйидагилар тақдим этилади:

- ўрнатилган шаклдаги ариза (хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказишда ариза-хабарнома);
- давлат тилидаги таъсис ҳужжатлари икки нусхада ;
- давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно);
- икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари.

Агар тадбиркорлик субъектига давлат рўйхатидан ўтказишдан ташқари ваколатли органлари ва фойдаланиш ташкилотларида (масалан, муҳандислик коммуникацияларига улаш учун) рухсат берувчи ҳужжатларни расмий ҳам талаб қилинса, у буни аризада кўрсатади.

Каждое юридическое лицо обязано иметь фирменное наименование. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529-сон қарорига мувофиқ 2011 йилнинг 1 июнидан хўжалик юритувчи субъектнинг фирмали номланишини захира қилиб қўйиш муассислар ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон буюртмасига кўра интернет тармоғи орқали амалга оширилади. Электрон ариза Инспекция ходими томонидан ариза берувчининг оғзаки мурожаати асосида ёки ариза берувчининг ўзи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг сайтида расмийлаштирилади. Фирма номини захиралаш учун аризаларни қабул қилиш статистика органлари томонидан аризаларни 4 иш соати ичида кўриб чиқиш билан сутка давомида таъминланади.

Муҳр ва штамп эскизлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ бўлса, Инспекция ходими рўйхатдан ўтказувчи органнинг мухрини муҳр ва штамп эскизига босиш йўли билан тасдиқлайди ҳамда муҳрлар ва штампларни рўйхатга олиш китобига шу

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори.

¹⁵ Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарорига илова.

тўғрисидаги тегишли ёзувни қайд этади. Мухр ва штамп эскизлари қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса, тадбиркорлик субъекти билан келишган ҳолда эскизнинг барча тақдим қилинган нусхаларига керакли тузатишлар киритиши ва кейинчалик тасдиқланиши мумкин.

“Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомда тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказишни рад қилиш учун сабабларнинг батафсил рўйхати назарда тутилган. Уларга қуйидагилар киради:

- тегишли бўлмаган рўйхатдан ўтказувчи органига мурожаат қилинганлиги. Вилоят юстиция бошқармаси барча муассислари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган фирмани рўйхатдан ўтказмайдилар. Чунки бу – туман (шаҳар) ҳокимиятидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш Инспекциясининг мажбурияти;
- давлат рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги.

Юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар ҳам асос бўлади:

- таъсис ҳужжатлари ва муҳр ҳамда штамп эскизларида кўрсатилган фирма номининг фирма номининг захирага олиниши тасдиғида кўрсатилган фирма номига мос келмаслиги;
- таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланган фаолият турлари кўрсатилганлиги.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан давлат рўйхатидан ўтказишда устав фондининг миқдорига талаблар қўйилган тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларга нисбатан, юқорида келтирилган асосларга қўшимча равишда, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав фонди миқдорининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тегишли тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган миқдорга тўғри келмаслиги, уларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга асос бўлади. Масалан, оилавий корхона учун энг кам иш ҳақининг ўн баробари ҳажмидаги устав фондининг энг кам қиймати ўрнатилган, демак муассислар ўз корхоналарининг устав фонди ҳажми сифатида ушбу минимал қийматдан анчагина кам бўлган 100 минг сўмни кўрсатган бўлсалар, Инспекция бундай корхонани рўйхатдан ўтказишни рад қилиш ҳуқуқига эга.

Юқорида кўрсатилмаган асослар бўйича давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди. Агар рўйхатдан ўтказувчи орган давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга асос топса, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарор ҳужжатлар тақдим қилинган пайтдан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан 3 иш соати ичида қабул қилинади ва ариза берувчига тақдим этилади. Агар ариза берувчи рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун мурожаат қилган бўлса, рад қилиш тўғрисидаги асосланган қарор унга тегишли рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш билан рўйхатдан ўтказиш учун кўзда тутилган муддатларда етказилиши керак.

Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органнинг қароридан, унинг мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) норози бўлган ёки рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилган тақдирда, ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд томонидан рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори тан олинган ҳамда унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ноқонуний деб топилган ҳолларда улар ариза берувчи етказилган зарарни қоплаб беришлари ва рўйхатдан ўтказишни рад қилиш ёки тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш муддатларининг бузилиши билан етказилган маънавий зарар учун товон тўлашлари керак.

Агар давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш учун асослар бўлмаса, рўйхатдан ўтказиш жараёнлари ниҳоясига етгач Инспекция қуйидагиларни беради:

- тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларга - юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани, “рўйхатдан ўтказилган” белгиси қўйилган таъсис ҳужжатларини ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамп эскизини беради;
- якка тартибдаги тадбиркорларга - якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳномани, шунингдек (агар улар якка тартибдаги тадбиркор томонидан тақдим этилган бўлса) рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамп эскизини беради;
- юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик субъектларига - якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида ўрнатилган шаклдаги гувоҳномани, унда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши ҳамда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи оила аъзолари кўрсатилади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун мурожаат қилинганда – Инспекция бошлиғи томонидан имзоланган рухсат берувчи ҳужжатларнинг расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, унга тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

Тадбиркорлик субъектига барча зарур ҳужжатлар бир вақтда берилади.

Барча турдаги тадбиркорлик субъектлари – якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар тегишли давлат реестрларига киритилади.

Агар якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик субъекти маълум муддатга ўз фаолиятини тўхтатса, фаолият тўхтатилгунча у томонидан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани топшириш билан бир вақтда фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисидаги ариза берилади.

Тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги тегишли гувоҳномани олгандан ва банк ҳисоб рақами очгандан кейин амалга ошириши мумкин.

1.3. Банк ҳисобварағини очиш.

Нақд пул маблағлари ва пластик карталар билан ишлаш.

Хўжалик юритувчи субъект у банк ўртасида тузиладиган шартнома асосида банкда банк ҳисобварағини очади. Банк ҳисобварағи шартномасида банк мижознинг ҳисобварағига келиб тушаётган маблағларни ҳисобвараққа кирим қилиш ва уни киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдаги маблағларни тасарруф этиш борасидаги топшириқларини ижро этиш шартлари, бу борадаги мижоз ҳамда банк ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, банк хизматлари учун тўланиши лозим бўлган комиссиялар ҳамда бошқа шартлар белгилаб олинади. Банкларга мижоз маблағларини унинг ҳисобварағида ҳисобга олганлик (кредит обороти) учун воситачилик ҳақлари олиш ва бундай мукофотни тўлаш тўғрисидаги шартни банк ҳисобварағи шартномасига киритиш таъқиқланади¹⁶.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

¹⁶ “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида Йўриқнома” (ЎЗР АВ томонидан 2009 йил 27 апрелида 1948-сон билан рўйхатга олинган) (ўзгартиришлар билан) 7-банди.

- а) белгиланган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;
- б) тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни хориждан олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан - яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан берилган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- в) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- г) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча. Микрофирмалар учун ҳисобчи (бухгалтер)нинг имзоси намунаси талаб этилмайди. Муҳрга эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар фақат шахсий имзолари намуналари бўлган карточкани тақдим этадилар;
- д) тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар томонидан таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхалари;
- е) мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат). Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкда жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини очиш учун белгиланган шаклдаги ариза тақдим қилинади.

Агар асосий ҳисобварақ бошқа банкда очилган бўлса, иккиламчи депозит ҳисобварақни очиш учун куйидагилар тақдим этилади:

ж) Асосий ҳисобварақ реквизитлари (ҳисобварақ рақами ва банк МФО рақами) кўрсатилган ҳолда мижоз хати.

Ўзбекистон Республикаси резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари (филиаллари) ҳисобварақлари очиш учун ваколатхона ва филиаллар томонидан банкка таъсис ҳужжатларининг нусхалари топширилмайди, бироқ юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда куйидагилар тақдим қилинади:

и) юридик шахснинг илтимосномаси (илтимосномада юридик шахснинг “Солиқ тўловчининг идентификация рақами” ва “Хос рақами” кўрсатилган бўлиши шарт);

к) ваколатхона ёки филиалга берилган ваколатларни белгиловчи ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Ҳисобварақлар очиш учун ҳужжатлар мижознинг имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчасида кўрсатилган ёки мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахслар томонидан шахсан тақдим қилинади. Мижозлар ҳисобварақ очиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар бўладилар. Банкам запрещается требовать другие дополнительные документы, кроме указанных выше, за исключением случаев, предусмотренных законодательством. Банклар томонидан юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан бошқа қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мижозлар томонидан ҳисобварақлар очиш учун банкка топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг, банклар икки иш куни мобайнида, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, уларга ҳисобварақлар очишлари шарт.

Тадбиркорлик субъектларига банкларда ҳисобварақлар очиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари, қишлоқ жойларда эса энг кам ойлик иш ҳақининг 0,1 баробари миқдорида ҳақ олинади. Кичик бизнес субъектларидан ҳақ олинмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобварақлар очилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай, ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида маълумот электрон равишда шакллантирилиб, Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига узатилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (счёт, который часто называют расчетным) унинг *асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи* (бундан кейинги ўринларда асосий ҳисобварақ деб юритилади) ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағини очгандан кейин миллий ва чет эл валютасида очадиган барча талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари унинг иккиламчи ҳисобварақлари ҳисобланади. Юридик шахслар ўз асосий ҳисобварағини очгандан кейин улар ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган ҳолда бошқа банкларда миллий ва чет эл валютасидаги иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгадирлар. Асосий ҳисобварақ очилган банкда қўшимча равишда иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи очилишига йўл қўйилмайди, қонунчилик ҳужжатлари асосида очиладиган иккиламчи депозит ҳисобварақлар бундан мустасно.

Банкда мижознинг бир нечта ҳисобварақларига хизмат кўрсатиладиган бўлса, ундан имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар қўшимча равишда талаб қилиниши мумкин, чунки ўша варақчаларда ҳисобварақларнинг рақамлари кўрсатилади.

Чет эл валютасидаги ҳисобварақни очишда тадбиркорлик субъектлари банкка миллий валютадаги ҳисобварақни очишдаги каби ҳужжатларни тақдим этадилар. Мижозларга битта банкда маълум бир чет эл валютасида фақат битта талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ очилишига руҳсат этилади. Бу тадбиркорлик субъекти битта банкда АҚШ доллари, Евро ва бошқа чет эл валютасидаги битта ҳисобвараққа эга бўлиши мумкинлиги, бироқ доллар ёки бошқа чет эл валютасидаги икки ёки ундан ортиқ ҳисобварақларга эга бўлиши мумкин эмаслигини билдиради.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш юридик шахснинг асосий ҳисобварағидан амалга оширилади. Нақд пул бериш ҳисобварағдаги маблағларнинг қолдиғи доирасида хўжалик юритувчи субъектларга - белгиланган шаклдаги тўлдирилган пул чеклари бўйича, жисмоний шахсларга эса чиқим касса ордерлари бўйича берилади.

Пул чеки ёки тўлдирилган чиқим касса ордери банк бухгалтериясининг ходимига тақдим этилади, у эса мижозга кассага тақдим этиши учун пул чекининг назорат маркасини, жисмоний шахслар бўлган мижозларга эса чиқим ордерининг йиртма талонини беради.

Банкнинг чиқим кассасида нақд пулларни олишда мижоз бухгалтерия ходими томонидан берилган ҳужжат ҳамда паспортини тақдим этиши керак.

Нақд пулларни беришда кассир мижоздан қанча суммадаги пул маблағларини олишини кераклигини аниқлаштириши, беришга тайёрланган суммани чиқим кассаси ҳужжатида кўрсатилган сумма билан солиштириши ва мижоз ҳозирлигида нақд пулларни қайтадан санаб чиқиши керак. Бунда кассир банкнотлар тўлиқ боғламлари солинган қадокни ёки банкноталар тўлиқ боғламлари бўлган полиэтилен пакетларни очмайди. У фақат боғламлар ва қадоклар сонини санаб чиқади ва мижозга уларнинг номиналини намойиш қилади. Банкнотлар фақат тўлиқ бўлмаган боғлардагина бирма-бир санаб чиқилади.

Кўпинча банклар мижозларга майда қийматлардаги банкнотларни (масалан, 100 ёки 200 сўмли) берадилар, бироқ уларни бошқа қийматлардаги банкнотларга алмаштириб беришни талаб қилиш фойдасиздир. Йўриқнома кассирларга буни қилишни тўғридан-тўғри таъқиқлайди¹⁷.

¹⁷ Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/2-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир Йўриқнома” 102-банд (янги таҳрирдаги) (ЎЗР АВ 2008 йил 27 июнда 1831-сон билан рўйхатга олинган).

Кассирдан нақд пулларни қабул қилиб олгач, мижоз кассадан узоқлашмасдан туриб касса чиқим ҳужжатида кўрсатилган суммани ҳақиқатда олинган сумма билан солиштириши, боғламлар ва қадоқларнинг бутунлигини текшириши, тўлиқ бўлмаган боғламларни ёки алоҳида банкнотларни қайтадан санаб олиши шарт.

Мижоз қабул қилиб олган барча пулларни махсус ажратилган хонада бирма-бир қайта санаб олиш ҳуқуқига эга. Бундай санаш кассир ёки банкнинг назоратчи ходими иштирокида амалга оширилади. Пул боғламлари ва қадоқларидан ортиқча ёки камомад чиққан ҳолда икки нусхада ўрнатилган шаклдаги далолатнома тузилади. Ушбу далолатноманинг бир нусхаси кассанинг кундалик ҳужжатларида қолади, иккинчи нусхаси банк бухгалтериясига берилади. Мижоздаги ортиқча берилган нақд пуллар қайтариб олинади, етишмаётгани – қоплаб берилади. Агар боғламларда муомалага яроқсиз (эскирган, сериялари ва рақамлари йиртилган ва хок.) ёки шубҳали (қалбаки) банкнотлар топилса, банк муассасаси уларни алмаштириб беришга мажбур.

Мижоз ҳеч қандай камчиликлар топмаган ёки кассадан узоқлашмасдан туриб ёки махсус хонада банк ходими иштирокида пулларни қайта санаб олишни рад қилган ҳолларда унинг пулларнинг камлиги ёки орасида муомалага яроқсиз банкнотларнинг борлиги тўғрисидаги кейинги даъволари қабул қилинмайди. Бу тўғрисидаги эълон банк бўлинмаларидаги чиқим кассалари олдидаги кўзга кўринарли жойларга осиб қўйилади ва дўконлардаги “сотиб олинган товарлар алмаштириб берилмайди ва қайтариб олинмайди” каби эълонлардан фарқ қилган ҳолда банк муассасасидаги эълон қонунчиликка тўлиқ мувофиқдир.

Банк ходимларининг нақд пулларни беришдаги ҳаракатларига ўз эътирозлари ёки норозилигини мижоз банк раҳбари номига ёзилган аризасида баён қилиши мумкин, у мижознинг муружаатига жавоб беришга мажбур.

Хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулларни нафақат банкдан олиш, балки банкка топширишга ҳам тўғри келади. Хаттоки доимий нақд пулли тушумларга эга бўлмаган корхоналарда ҳам ходимлар томонидан иш ҳақлари, пенсиялар, нафақалар ёки бошқа тўловлар ўз вақтида олинмай қолган ҳолларда нақд пул маблағлари ҳамда алоҳида ҳолларда корхонага зарар келтирган ходим томонидан келтирилган зарарни қоплаш учун тўлаган пул маблағлари кассада қолиши мумкин. Агар корхона кассасида мавжуд бўлган пул маблағлари касса учун ўрнатилган лимитдан, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарорига мувофиқ унда қолиши мумкин бўлган энг кўп суммадан ортиқ бўлган ҳолларда ортиқча нақд пул маблағлари хизмат кўрсатувчи банк муассасасига топширилиши ва махсус (депозит) ҳисобварақда ҳисобга олинishi керак. Ушбу депозит ҳисобварақларда маблағлар талаб қилиб олинмагунича сақланади. Маблағлар банк муассасасига корхонанинг пул амалиётлари учун масъул бўлган ходими томонидан етказилади. Корхонанинг асосий ҳисобварағи очилган банкдан бошқа банкда вақтинчалик талаб қилиб олинмаган маблағларни сақлаш учун депозит ҳисобварағи очиш таъқиқланади.

Ўз фаолиятларини чакана савдо, умумий овқатланиш, бевосита аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳаларида амалга оширувчи ва ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни нақд пуллик ҳисобкитоблар асосида сотиш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари кундалик тушумларни топширилган суммани асосий депозит ҳисобвараққа ўтказган ҳолда банкка топширишлари шарт.

Кичик бизнес субъектлари банкларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топширишлари мумкин. Нақд пул маблағларини ҳисобварақда ҳисобга олиш учун корхона вакили ўрнатилган шаклдаги нақд пул маблағларини киритиш тўғрисидаги аризани тўлдириши керак. Бошқа бир марталик нақд пул маблағларини киритишлар банк томонидан мижоз тўлдирган кассас кирим ордери бўйича қабул қилинади ва мижозга нақд пулларни қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи квитанция берилади.

Кассага пулларни топширишдан аввал мижоз банк муассасаси бухгалтерия ходимига тўлдирилган тўлов ҳужжатларини тақдим этиши керак, у уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади ва кирим кассасига беради.

Кирим кассаси кассири кирим ҳужжатларини олганидан сўнг уларда бухгалтерия ходими ва мижознинг имзолари борлигини ва ушбу имзоларнинг кассирда сақланаётган намуналарига мос келишини ҳамда ҳужжатлардаги рақам ва сўз билан ёзилган суммаларнинг мос келишини текширади. Агар ҳаммаси тўғри тўлдирилган бўлса, кассир нақд пулларни қабул қилади, уларни мижоз иштирокида қайтадан санаб олади, кейин эса амалда топширилган сумма нақд пулларни қўйиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган суммага келган ҳолларда мижозга квитанцияни беради. Бунда квитанция ўрнига кассир мижозга ўз имзоси ва кирим кассаси муҳри билан тасдиқланган кирим касса ордерининг нусхасини бериши ҳам мумкин.

Агар нақд пулларини қўйиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган сумма кассир томонидан қайта санаш натижасига кўра ҳақиқатда топширилаётган суммадан кўп бўлса, у мижозга янги кирим ҳужжатини тўлдиришни ва банк бухгалтериясига тақдим этишни таклиф қилади. Бухгалтерияда ҳужжатлар расмийлаштирилгандан кейин мижоз банк муассасаси томонидан ҳисобвараққа ҳақиқатда киритилган суммани қабул қилинганлигини тасдиқловчи квитанцияни олади.

Корхонанинг кундалик нақд пуллик тушумлари энг кам иш ҳақининг 20 баробари ҳажмидан ортиқ бўлган ҳолларда фирма раҳбари хизмат кўрсатувчи банк инкассация хизмати билан шартнома тузиши шарт.

Банк инкассация хизмати хўжалик фаолияти иштирокчиларидан нақд пул тушумларини ҳар бири ўз рақамига эга бўлган инкассация халталарида қабул қилади. Корхонанинг масъул ходими инкассатор келгунича нақд пуллар солинган халтани тайёрлаб қўйиши керак. Халтадаги нақд пуллар банкнотлар қийматлари бўйича тартибланган ва дасталанган, халта эса ўрнатилган тартибда пломбаланган бўлиши керак.

Агар тўлдирилган ҳужжатларда ҳеч қандай хатоликлар ва нақд пуллар солинган тайёрланган халтанинг ташқи кўринишида ҳеч қандай камчиликлар топилмаса, инкассатор 006-сонли шаклнинг (квитанциянинг) учинчи нусхасини имзолайди, унга қабул қилиш санаси, қабул қилинган халта рақамини қўяди, маршрут муҳрини босади ва хўжалик юритувчи субъектнинг масъул ходимига бўш халтани беради.

Агар халта шикастланган, нотўғри пломба қўйилган ёки илова ҳужжатлари нотўғри тўлдирилган бўлса, пул тушумларини қабул қилиш тўхтатилади. Хатоликлар ва ноаниқликлар фақат бу инкассаторлар бригадасининг маршрут бўйича ҳаракати графигини бузмайдиган ҳоллардагина қабул қилувчи инкассатор иштирокида тузатилиши мумкин. Бошқа ҳолларда хўжалик юритувчи субъектдан нақд тушум солинган халтани қабул қилиш инкассаторнинг кейинги ташрифи вақтида амалга оширилади, бу тўғрисида ташриф варағига тегишли қайд қўйилади.

Инкассаторга кунлик нақд тушумларни топшириш рад қилинган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг масъул ходими ташриф варағида рад қилиш сабабларини кўрсатади ва бу ёзувни ўз имзоси билан тасдиқлайди. Нақд тушумларни топширишни рад қилган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотлар кейинги иш кунидан кечиктирмасдан кассация бўлими раҳбари томонидан банк раҳбариятига етказилади. Нақд пул тушумларини банкка ўз вақтида топширмаслик давлат солиқ органлари томонидан корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текширувини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халтани очиш ва банк кассасида нақд пулларни қайта санаш вақтида халтага ҳақиқатда солинган пуллар илова ҳужжатларида кўрсатилган суммадан ортиқча ёки камлиги аниқланса ҳамда халтанинг ўзи ва ундаги пломба бузилмаган бўлса, кассир далолатнома тузади, у кассир ва назоратчи томонидан имзоланади. Мижоз томонидан топширилган банкнотлар ва тангалар орасида муомалага яроқсиз ёки қалбакилари аниқланган ҳолларда ҳам далолатнома тузилади. Пул ва чекларнинг камомад суммаси 1000 сўмдан юқори бўлса, назоратчи - касса мудирини,

мижозни ва банк раҳбарини хабардор қилади. Кассир томонидан тузилган далолатнома банк бухгалтериясига берилади ва барча ҳолатлар аниқлаштирилгунича ва топширилган нақд пулларга ҳужжатлар қайтадан расмийлаштирилмагунича маблағларни мижоз ҳисобварағида ҳисобга олмаслик учун асос бўлиб ҳисобланади.

Банк ходимлари томонидан банк муассасасига хўжалик юритувчи субъектдан келиб тушган нақд пул солинган ҳалтада пломба бутунлигининг бузилганлиги ёки ҳалтанинг ўзининг шикастланганлиги аниқланган ҳолларда улар ушбу ҳалтани қабул қилиб олган инкассатор иштирокида очишлари ва унинг ичига солинган нақд пулларни қайта санашлари керак. “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома”нинг 131-бандига мувофиқ банк муассасаси раҳбари буни зарур деб топган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектнинг вакили нуқсонли ҳалта ларни очиш ва ундаги пулларни қайта санашда иштирок этиши мумкин. Нуқсонли инкассо ҳалта қабул қилинган барча ҳолларда ундаги пул ва қимматликларни қайта санаш натижалари тўғрисида 3 нусхада ҳалтанинг нақд пул тушумини хўжалик юритувчи субъектда юклашдан бошлаб банкка тушгунича бўлган йўли ва шу давр мобайнида нуқсонли ҳалта билан ишлаган барча шахслар кўрсатилган далолатнома тузилади. Далолатномага пул ва қимматликларни қайта санашда қатнашган барча шахслар имзо қўяди. Далолатноманинг учинчи нусхаси - қимматликларни инкассаторларга топширган хўжалик юритувчи субъектга топширилади. Ҳалтада катта миқдорда камомад ёки қалбаки пуллар аниқланган тақдирда, далолатноманинг тўртинчи нусхаси тузилади ва у ҳалтада қимматликлар камомади ёки қалбаки пуллар тўғрисидаги ашъёвий далиллар билан бирга (ҳалта (қоп), пломба, ўрам ва бошқалар) шахар (туман) Ички Ишлар бўлимига тақдим этилади.

Айрим тадбиркорлик субъектлари нақд пулларни топширишни хоҳламасдан банк ходимларига бир вақтнинг ўзида банкка пулларни топшириш ҳужжатларини (нақд пулларни қўйиш учун ариза) ва ўша куннинг ўзи ёки кейинги кун санаси қўйиладиган нақд пулларни олиш тўғрисидаги ҳужжатларни (пул чеки) расмийлаштиришни таклиф этишлари мумкин. Юқорида кўрсатилган йўриқноманинг 107-банди банк муассасаларига мижоз томонидан нақд пулларни киритмасдан туриб нақд пул маблағларини қабул қилиш-бериш бўйича амалиётларни ўтказишни таъқиқлайди, бу нақд пул тушумлари “қоғозлар бўйича” топшириладиган, амалда эса тадбиркорлик субъектларида қоладиган амалиётларни мумкин қилмай қўяди.

Ҳозирги вақтда иш ҳақлари ва меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа тўловларни тўлашда нақд пулларга муқобил сифатида кўпинча банк пластик карталарини тақдим этадилар. Корхона қай тарзда иш ҳақи лойиҳасининг иштирокчисига айланиши мумкинлиги тўғрисида қуйидаги схема тасаввур ҳосил қилади.

1-схема. Иш ҳақи лойиҳасини ташкиллаштириш тартиби.



Агар корхона банкда асосий ҳисобвараққа эга бўлса, у ҳолда банк билан пул маблағларини пластик карточкалар бўйича ҳисобварақларга ўтказиш тўғрисидаги шартномани тузишнинг ўзи етарли. Агар корхонанинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк пластик карточкалар чиқармаса, корхона бошқа банк билан шартнома тузиши мумкин, бироқ бунинг учун у танланган банкда ўз ходимларига иш ҳақларини тўлаш учун пул маблағлари ўтказиладиган иккиламчи талаб қилиб олингунча сақланувчи депозит ҳисобварақни очиши керак. Ходимларнинг жорий ҳисобварақларини очиш учун корхона банкка ўрнатилган шаклдаги ходимлар рўйхатини ва улар паспортларининг нусхаларини тақдим этади.

Шартнома имзолангандан кейин банк керакли ҳисобварақларни очади, пластик карточкаларни шахсийлаштиради ва уларни корхонага тақдим этади. Шартномада ўрнатилган муддатларда корхона тўлов топшириғи билан ходимлар бўйича тўлов суммаларини ўтказади. Банк маблағларни олгандан кейин бир иш кун ичида уларни корхона томонидан тақдим этилган рўйхат (ведомост) бўйича ходимларнинг ҳисобварақларига ўтказади. Иш ҳақларини ўтказиш банк томонидан тўлов асосида амалга оширилади. Тўлов пластик карточкаларга хизмат кўрсатганлик учун ўрнатилган тарфиларга мувофиқ миллий валютада олинади.

Юридик шахслар карта ҳисобварақларини очишлари ва юридик шахс билан эмитент-банк ўртасида тузилган шартнома асосида фойдаланиш учун корпоратив банк картасини олишлари мумкин. Корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолларда маблағларни тасарруф қилишни хўжалик юрители субъект томонидан ваколат берилган жисмоний шахс амалга оширади. Ушбу мансабдор шахс билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши шарт.

Карта ҳисобварағини тўлдириш карта ҳисобварағини очган юридик шахснинг тўлов топшириғи асосида унинг асосий ҳисобварағидан амалга оширилади.

Корпоратив карта эгаси – хўжалик юритувчи субъектнинг ваколатли ходими ундан савдо ва хизматлар соҳаси корхоналарида билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун фойдаланиши мумкин. Бироқ юридик шахс номидан фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йилнинг 5 февралда 54-сон билан (ўзгартиришлар билан) тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”да кўзда тутилган товарлар ва хизматларгина сотиб олиниши мумкин. Корпоратив банк картаси фақат нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган ва ундан иш ҳақларини ва ижтимоий кўринишдаги бошқа тўловларни тўлаш учун ҳамда нақд пул маблағларини тўлаш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Якка тартибдаги тадбиркор пластик карталаридан фойдаланиш тартиби асосан корпоратив карталардан фойдаланиш қоидаларига мос келади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2008 йилнинг 4 сентябрида 1850-сон билан рўйхатга олинган) “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 6-бандига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фақат унинг бевосита ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган қуйидаги харажатлари учун тўловлар амалга оширилиши мумкин:

а) хом ашё ва материаллар (шу жумладан, қурилиш материаллари), ярим фабрикатлар, фурнитура, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

б) коммунал тўловлар (иситиш, иссиқ сув, ичимлик суви, оқова, электр энергияси, газ ва чиқинди учун тўловлар);

в) ижара тўловлари;

г) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;

д) чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига нақд пулга сотиш мақсадида харид қилинган товарлар учун;

е) жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлаш учун

Корпоратив карталар билан бўлгани сингари якка тартибдаги тадбиркор пластик карталаридан нақд пулларни беришга ҳам йўл қўйилмайди. Бироқ у аҳолига хизмат кўрсатувчи чакана савдо ва хизмат корхоналарида ўзига зарур бўлган товарлар ва хизматларни харид қилиши мумкин.

Банк пластик карталари нақд пулларга қараганда ишончлироқдир, бироқ шунга қарамасдан улар турли нохушликлардан суғурталанмагандирлар. Карта эгаси уни йўқотиб ёки ишдан чиқариб қўйишлари мумкин. Бу ҳолда карта эгасининг ўзи ёки банк мижози дарҳол банкка ёзма ариза билан мурожаат қилиши керак. Йўқотиб қўйилган ҳолларда банк ушбу пластик карточкани “стоп-листга” киритган ҳолда у бўйича амалиётлар ўтказишни вақтинчалик тўхтатади, шундан кейин ушбу пластик карточкадан фойдаланишга уринилган вақтда у автоматик равишда тўсиб қўйилади. Карточка “стоп-листга” киритилгандан кейин уни қайтадан чиқарилгунча (қайта тиклангунча) бўлган муддатда карта ҳисобварағидаги маблағлардан ҳеч ким фойдалана олмайди. Пластик карточка банк томонидан тўсиб қўйилгандан кейин уни “қайта чиқариш” жараёнидан ўтишга зарур бўлади. Агар карта йўқотилган ёки ишдан чиқарилган бўлса, янги карта чиқариш учун 20 Евро (МБ курси бўйича сўмларда) ва пластик карточкани йўқотганлик ёки ишдан чиқарганлик учун 5 Евро эквивалентида жарима тўлашга тўғри келади. Бу тарифлар барча тижорат банклари учун ягона тарифлар сифатида тасдиқланган.

Бошқа муаммо – карта пин-коди нафақат унинг қонуний эгаси, балки бошқа шахсларга ҳам маълум бўлган ҳоллардаги махфийликнинг бузилиши. Сир тутилиши керак бўлган маълумотларнинг сақланиши учун жавобгарлик мижознинг зиммасидадир. Якка тартибдаги тадбиркор пластик карточкасини унинг эгаси бошқа шахсларга бериши мумкин эмас, корпоратив карта эса ташкилот раҳбарияти томонидан карта ҳисобварағидаги маблағларни тасарруф қилиш ваколати берилмаган шахсларга берилиши мумкин эмас.

Корхона ўз ходимлари учун иш ҳақларини ўтказадиган пластик карталарнинг пин-кодлари кўпинча битта рақамдан иборат бўлади ёки унга оддийгина қилиб “1” коди берилади. Бундай картадан у қўлига тушадиган исталган шахс осонгина фойдаланиши мумкин. Банк пластик картасининг пин-коди карта ҳисобварағини унда жойлашган пул маблағларидан бунга ҳуқуқлари бўлмаган шахслар томонидан фойдаланилишидан ҳимоя қилишдан иборат ўз функциясини бажариши керак, шунинг учун у жудда содда бўлмаслиги керак.

2-боб. Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш тизими

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларига солиққа тортиш ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаларида кенг имтиёзлар ва преференциялар берилмоқда, имтиёзли кредитлаш ривожланиб бормоқда, соддалаштирилган ҳисобдорлик тизими амал қилиб турибди. Кичик тадбиркорлик субъектлари учун ривожланиш шароитлари ва ишчи муҳитини белгилаб берувчи тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизими: давлат назорати, лицензиялаш, сертификатлаш шакллантилди. Бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш – ҳар бир янги иш бошлаётган тадбиркор ҳисобга олиши ва тўғри фойдаланиши шарт бўлган муҳим омил.

2.1. Солиқ солиш ва кичик бизнесга солиқлар бўйича имтиёзлар

Солиқ кодексининг 351-моддасига мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан Солиқ кодексининг 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилганлар мустасно, ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари солиқ солиш тартибини танлай олмайдилар ва уларда банд бўлганларнинг сонидан қатъий назар ягона солиқ тўловини тўловчилари ҳисобландилар.

2.1.1. Кичик тадбиркорлик субъектларига солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби

Солиқ кодексининг 370-моддасига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўловчилардир, фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно.

Қатъий белгиланган солиқ ставкалари календар йилининг бошида амалда бўлган энг кам иш ҳақиға қаррали бўлган ҳажмларда ўрнатилади. Улар фаолият турларига боғлиқ равишда белгиланади ва якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритадиган аҳоли шахобчалари тури бўйича фарқ қилади: Тошкентда улар энг юқори, Нукус ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда – пастроқ ва бошқа аҳоли пунктларида – энг паст. Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ тўловчи томонидан календар ойида ишланган кунлар сонидан қатъий назар ўрнатирилган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади.

Солиқ кодексининг 373-моддасига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидагиларни тўлайдилар:

- 1) божхона тўловлари;
- 2) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар – фойдали қазилмаларни казиб олиш бўйича фаолиятни амалга оширганда;
- 3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ - сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;
- 4) акциз солиғи - акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда;
- 5) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- б) давлат божи;
- 7) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Агар якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ солинадиган мол-мулкка ва (ёки) ер участкасига эга бўлсалар, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва (ёки) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

Газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун озиқ-оват ва ноозиқ-овқат товарларининг чакана савдоси учун ўрнатирилган ставкаларга нисбатан камайтирилган қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўрнатирилган ва деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг чакана савдоси учун ўрнатирилган қатъий белгиланган солиқ ставкаларига мос келади. Бозорларда ўз томорқаларида етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, жумладан деҳқончилик маҳсулотлари, яъни чорвачилик, асаларичилик ва ўсимшунослик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотувчи якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқларни тўлашдан озод қилинадилар, декоратив боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари бундан мустасно.

Аҳолиға маиший хизматлар ва юкларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари исталган гуруҳға кирувчи товарларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчилар учун ўрнатирилган қатъий белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан пастроқдир.

Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорлар учун чакана савдо ва хизматлар

кўрсатиш билан шуғулланувчиларга нисбатан анчагина пастроқ қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўрнатилган¹⁸.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият олиб бориладиган ҳолларда биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишни амалга оширувчи ишончли шахс ушбу маҳсулотни сотишдан олинган тушумдан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ўрнатилган ставкалар бўйича ягона солиқ тўлови ҳамда биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот акциз солинадиган маҳсулот бўлган ҳолларда акциз солиғини тўлайди.

Биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилмайдиган, балки биргаликдаги фаолият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган ҳолларда ҳам ЯСТ тўланади. Бунда ЯСТ суммаси биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Ягона солиқ тўлови ЎзР СК 23-моддаси билан ўрнатилган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг барчасининг ўрнига тўланади, СК 349-моддасида кўрсатилганлар, яъни қуйидагилар бундан мустасно:

- юридик шахс томонидан дивидендлар ва фоизлар тўлашда тўлов манбасидан олинадиган фойда солиғи;
- Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшимча қиймат солиғи;
- божхона тўловлари;
- ягона ижтимоий тўлов;
- давлат божлари;
- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;
- автотранспорт воситаларини харид қилганлик ва (ёки) вақтинчалик фойдаланиш учун олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига бадал.

Акциз солинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ЯСТ тўламайдилар. Улар умумбелгиланган солиқларни тўлашлари керак, махсус печлардан фойдаланган ҳолда қувватларни кам истеъмол қилувчи замонавий технологиялар асосида пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи ва ўз ишлаб чиқариши учун хом-ашёни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўлови тўлаш муддатини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил муддатга кечиктириш ҳуқуқига эга, кечиктирилган суммалар имтиёзли давр тугаганидан сўнг ўн икки ой ичида тенг улушлар билан тўланади. Ушбу қоида чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва лотореяларни ташкиллаштириш бўйича юридик шахслар фаолиятларига нисбатан қўлланилмайди.

Агар ягона солиқ тўловини тўловчилар қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширсалар, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашлари мумкин. Юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш учун ҳисобот даври бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлаганига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этади. Бу ҳуқуқ микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойдали бўлиши мумкин, чунки бу уларга солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибидан воз кечмасликка ва шу билан бир вақтда етказиб берувчилар ҳам, харидорлар ҳам умумўрнатилган солиқларни тўлайдиган ҳолларда вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишларига имкон беради. ЯСТ

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887 сонли қарорига 11-илова.

тўловчиси ҚҚС тўламайдиган ҳолларда у етказиб берувчи томонидан товар нархига тўланган солиқ суммасини ўз маҳсулотнинг таннархига киритиши шарт. Натижада унинг нархи харидор учун баландроқ бўлади. Бундан ташқари ўз ишлаб чиқаришида ҚҚС тўламайдиган кичик бизнес субъекти маҳсулотидан (ишидан, хизматидан) фойдаланувчи харидорнинг ўзи бюджетга ишлаб чиқариш учун компонентларни ҚҚС тўловчисидан сотиб оладиган ҳоларга нисбатан кўпроқ суммадаги солиқни ўтказиши керак. Шунинг учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини танлаган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ҚҚС ни тўлаш ёки тўламаслик масаласини ҳал қилиш ҚҚС тўламовчи мақомининг маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ушбу солиқни тўловчиларга сотишга қанчалик даражада тўскинлик қилишига боғлиқ бўлади. Қўшимча қиймат солиғини тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши керак бўлган ҚҚС суммасига, бироқ ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камаяди.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар - юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади, умумбелгиланган солиқлар тўланадиган фаолият турларида фойдаланилаётган ер участкалари бундан мустасно.

Хўжалик юритувчи субъектининг ялпи тушуми бу ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базадир. Солиқ солиш базасини аниқлаш учун ялпи тушумдан ЎЗР СК 356-моддасига мувофиқ қуйидагилар айириб ташланади:

- 1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;
- 2) тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;
- 3) дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқиб кетганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солиқ солинади;
- 4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инobatга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;
- 5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;
- 6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар;
- 7) тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган даромадлар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун юқори кўрсатилган чегирмалардан ташқари солиқ солиш базаси яна қуйидагиларга йўналтириладиган маблағлар суммасига камаяди:

- янги технологик асбоб-ускуналар олишга, бироқ солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуна фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб беш йил ичида амалга оширилади. Янги технологик жиҳоз у сотиб олинган (импорт қилинган) вақтдан бошлаб уч йил ичида сотилган ёки бепулга бериб юборилган ҳолларда юридик шахслар фойдасига солинадиган солиқ тўлови бўйича мажбуриятларни бутун имтиёзни қўллаш даври учун

қайта тиклаш билан кўрсатилган имтиёзларнинг амал қилиши бекор қилинади. Ушбу имтиёзлар ишлаб чиқариш корхоналари учун қўлланилади.

- сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга.
- ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ бўйича имтиёзлар ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯСТ кўпинча умумбелгиланган солиқларни тўловчи тадбиркорлик субъектлари учун ўрнатилган юридик шахс фойдасига солинадиган солиқ бўйича имтиёзларга мос келади. Ушбу имтиёзлар китобнинг юридик шахслар фойдасига солинадиган солиққа бағишланган бўлимида кўриб чиқилади. Ушбу бўлимда фақат қатъий белгиланган солиқ ва ЯСТ га тегишли бўлган имтиёзлар ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарорига мувофиқ 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (саргарошлар, тикувчилар, пойафзал маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга озод этилади (яъни 2015 йилнинг II чорагигача). Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган кирхоналар хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар эса тегишли равишда ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилади.

Ягона солиқ тўлови тўловчилари учун ЯСИ ўрнатилган ставкалар бўйича, бироқ улар томонидан эгаллаб турилган майдондан келиб чиққан ҳолда ҳисобланувчи ер солиғи суммасининг уч барбаридан кам бўлмаган энг кам ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда тўланади. Чакана савдо корхоналари қонунчиликка мувофиқ ягона солиқ тўловини, бироқ шунга ўхшаш фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар.

Агар аввалги йил якунлари бўйича уларнинг асосий (профил) фаолият тури сифатида савдо фаолияти бўлган бўлса ҳамда улар чакана савдо корхоналари сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлсалар, юридик шахслар чакана савдо соҳасида фаолият олиб боровчи ҳисобланадилар.

Кичик бизнес субъектлари шуғулланган ҳолда ўз даромадларининг каттагина қисмини фойда солиғи ёки ЯСТ кўринишида тўлашга тайёр бўлишлари керак бўлган фаолият турлари мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

- гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб қилиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкиллаштириш;
- воситачилик, жумладан: тайёрлов фаолияти, брокерлик хизматлари (қимматли қоғозлар бозоридаги брокерлик фаолиятига савдо бозорларидаги брокерлик фаолиятига қараганда пастроқ ставкадаги солиқ солинади), комиссия шартномаси, топшириқнома ва бошқа шунга ўхшаш шартномалар бўйича воситачилик хизматларини кўрсатиш;

- озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини сотиш учун стационар савдо нуқталарини ижарага бериш (агар уларни ижарага беришдан олинмаган даромадлар корхона даромадининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил қилса);
- ломбардлик хизматлари;
- умумий овқатланиш.

Шу билан бир вақтда айрим фаолият турлари бўйича имтиёзли ЯСТ ставкалари ўрнатилган. Асосий фаолият тури бўйича гўшт ва суг маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун 2014 йилнинг 1 январигача бўшайдиган пул маблағларини ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга, жумладан янги лабораториялар яратиш ва мавжудларини жиҳорзлаш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда хом-ашё базасини ривожлантиришга йўлантириш билан амалдаги ЯСТ ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги пасайтирилган ягона солиқ тўлови ставкаси ўрнатилган¹⁹.

Чакана савдо корхоналари кўпчилик тармоқлар корхоналари учун ўрнатилган ставкаларга нисбатан анчагина пастроқ ставкалар бўйича ЯСТ тўлайдилар. Бу айниқса аҳолиси 100 мингдан камроқ бўлган ва чекка ҳамда тоғли туманлардаги аҳоли шаҳобчаларида фаолият олиб боровчи савдо нуқталарига тегишлидир. Улгуржи ва чакана аптека ташкилотлари учун ягона солиқ тўловининг анчагина пастроқ ставкалари ўрнатилган. Улар ҳам чакана савдо корхоналари учун ЯСТ ставкалари сингари аптека муассасаси фаолият олиб борадиган аҳоли шаҳобчасининг ўлчамлари ва жойлашган ўрнига боғлиқ равишда фарқ қилади.

Амалдаги ягона солиқ тўлови ставкасига нисбатан 1 фоизга камайтирилган ягона солиқ тўлови ставкаси қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун амал қилади:

- саноат соҳасида ишловчи;
- компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва қўллаш товарлар (ишлар, хизматлар) сотуви умумий ҳажмининг 80 фоизидан кам бўлмаган қисмини ташкил қилувчи;
- оммавий ахборот воситалари тахририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари.

Умумий овқатланиш, чакана савдо корхоналари, жумладан чакана дорихона ташкилотлари (улгуржи савдо ташкилотлари ва улгуржи дорихона муассасаларидан ташқари) пластик карточкалардан фойдаланиб тўланган товарлар (кўрсатилган хизматлар) сотуви ҳажми бўйича ягона солиқ тўлови ставкаси ўрнатилган ставкага нисбатан 10 фоизга пасайтирилади.

2014 йилнинг 1 январигача уй шароитларида бадий хунармандчиликлари ва амалий-безак санъати буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод қилинадилар. Шу муддатга оилавий корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган бадий хунармандчиликлари ва амалий-безак санъати буюмларини сотишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинадилар²⁰. Бундай буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 мартдаги “Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3588-сонли Фармони билан тасдиқланган.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли қарори.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 сентябрдаги ПФ-4469 “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 2010 йил 30 мартдаги ПФ-4210-сон фармонида кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги фармони.

2.1.2. Умумбелгиланган солиқларни тўлашдаги солиқ чегирмалари ва имтиёзлари

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи. Кичик тадбиркорлик субъекти – юридик шахс умумбелгиланган солиқларни тўлашни танлаган ёки кичик корхоналар учун ўрнатилган ўртача йиллик ходимлар сонидан ортиб кетган ҳолларда унинг даромадларига юридик шахс фойда солиғи солинади. Солиқ солинадиган база жами даромад билан чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, имтиёзлар ҳамда солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши суммалари инобатга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади.

Жами даромад бу товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадлар ва бошқа даромадлардир.

СК 129-моддасининг 3-қисмида солиқ тўловчининг даромадлари сифатида қаралмайдиган тушимлар белгилаб берилadi. Булар қуйидагича олинган маблағлардир:

- юридик шахс томонидан таъсисчилардан ёки юридик шахс иштирокчиси сифатида ундan чиқиши ёки унинг тугатилиши муносабати билан улушнинг (улушнинг бир қисмининг) кайтарилиши кўринишида,
- қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда бепул,
- аванс ва гаров, суғурта товони ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг қисми.

Воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно) ҳам юридик шахслардан олинadиган фойда сифатида қаралмайди, яъни реализацияга олинган маҳсулот воситачининг фойдаси деб ҳисобланмайди.

Бошқа даромадларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 132-моддасида белгиланган товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган даромадлар киради. Бундай даромадларга мисоллар бўлиб асосий воситалар ёки бошқа мол-мулкларни ижарага беришдан олинadиган даромадлар, (корхонада фаолият олиб борувчи ошхона каби) хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадларидан олинган дивидендлар ва фоизлар ҳамда даромадларнинг бошқа айрим турлари ҳисобланади.

Солиқ солинувчи фойдани аниқлашда солиқ тўловчининг харажатлари жами даромадлардан чегириб ташланади, СК га мувофиқ чегириб ташланиши мумкин бўлмаган харажатлар бундан мустасно. Солиқ тўловчи харажатларига асосли ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар, СК да кўзда тутилган ҳолларда эса қонунчиликка ва (ёки) корхона ҳисоб сиёсатига мувофиқ равишда расмийлаштирилган зарарлар ҳам киради.

Чегириб ташланадиган харажатлар қуйидагилардир:

- 1) Солиқ кодексининг 142-моддасига мувофиқ моддий харажатлар;
- 2) Солиқ кодексининг 143-моддасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- 3) Солиқ кодексининг 144-моддасига мувофиқ амортизация харажатлари;
- 4) Солиқ кодексининг 145-моддасига мувофиқ бошқа харажатлар;
- 5) Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот давридаги харажатлар.

СК 142-146-моддаларида санаб ўтилган барча харажатлар юридик шахслар фойдасидан олинadиган солиқ бўйича солиқ олиш базасини аниқлашда чегириб ташланадиган харажатлар ҳисобланмайди. Бироқ СК 147-моддасида солиқ солинадиган фойдани аниқлашда

чегирилмайдиган харажатлар тўғридан-тўғри белгилаб берилган. Бу харажатларни бир нечта гуруҳларга бирлаштириш мумкин: йўқотишлар ва зарарлар, ўрнатилган меъёрлардан ортиқ бўлган харажатлар, жумладан соғлиқни сақлаш, ходимларнинг ўқиши ва пенсия таъминоти бўйича харажатлар, юридик шахсларнинг ходимларнинг моддий нафи кўринишидаги даромадлари бўлган харажатлари (масалан, СК 177-моддасига мувофиқ корхона томонидан ходимларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш, ходимларнинг йўл харажатларини тўлаш), корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар (бошқарув органлари харажатлари, ҳудудларни ободонлаштириш, ҳомийлик бадаллари ва ўрнатилган меъёрлардан ортиқча ўтказмалар ва бошқ).

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзлар ЎЗР СК 158-моддасида ўрнатилган. Ушбу моддага мувофиқ юридик шахсларнинг қуйидаги фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:

- протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси;
- тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси;
- тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни реализация қилишдан ёки тугатишдан олинган фойдаси.

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси 3 фоизидан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси бир фоиз камайтириладиган ҳисоб-китоб асосида камайтирилади.

Солиқ кодексининг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойда қуйидаги суммага камайтирилади:

1) экология, соғломлаштириш ва ҳайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, ҳомийлик ва ҳайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача тарбия таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

3) ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар қилинган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бугун давр учун бекор қилинади. Ушбу имтиёз

товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади;

4) ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги 1050-сонли “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг 2-иловага кўра товарлар гуруҳлари бўйича ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, ушбу товарларнинг ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушлари камида 60 фоизни ташкил қилувчи корхоналар 2014 йилнинг 1 январигача юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлашдан, солиқ тўлашнинг соддалаштирилган тартибидан фойдаланилганда эса – ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинадилар.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури бўйича лойиҳаларни амалга оширувчи корхоналар ушбу лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси²¹ томонидан тасдиқланадиган рўйхатда бўлар экан, лойиҳани амалга ошириш муддати давомида маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан олинadиган даромадлар олинadиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинадилар. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўлловчи тадбиркорлик субъектлари ўша шартлар асосида ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинадилар. Корхоналар маҳаллийлаштириш дастурида икки хил йўл билан иштирок этишлари мумкин. Биринчидан, ўзининг импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт Вазирлиги ҳузурида фаолият олиб борувчи саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини амалга оширилишини таъминлаш бўйича идоралараро Махсус комиссиясига таклиф қилган ҳолда. Бу ҳолда корхона лойиҳа ташаббускори бўлади. Иккинчидан, бошқа ташаббускорлар – вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар томонидан таклиф қилинган лойиҳалардан бирининг ижрочиси бўлиш. Маҳаллийлаштириш дастурида ижрочи сифатида иштирок этиш учун дастлабки қадам – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа Дирекцияси сайтига (<http://www.cooper.uz>) ташриф буюриш ва унда чоп қилинадиган Ўзбекистон Республикасида ўзлаштирилиши тавсия қилинадиган импорт қилинувчи товарлар Рўйхати билан танишиш. Агар корхона ушбу маҳсулотларнинг бир ёки бир нечта турларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қувватлар ва технологияга эга бўлса, у Дирекцияга ўз таклифини киритиши ёки Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа тадбирларида иштирок этиш учун аризани тўлдириши мумкин. Агар лойиҳа ташаббускори корхона томонидан таклиф қилинаётган маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ўзлаштириш шартларини маъқул деб топса, у ҳолда у иштирокчиларга бериладиган имтиёзлар билан маҳаллийлаштириш дастурига киритилади.

Вазирликлар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари тармоқ ва минтақавий саноат ярмаркаларида ўзлаштирилиши тавсия қилинадиган янги маҳсулот турлари тақдимотини ўтказишни ва маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича ҳамкорлик шартларини шартномавий расмийлаштиришни таъминлайдилар. Агар улар ўз олдиларига маҳаллийлаштириш Дастурида иштирок этишни мақсад қилиб қўйган бўлсалар, кичик бизнес корхоналари учун бундай тадбирларда иштирок этиш фойдалидир.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги 154-сонли “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги 1754-сонли “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарорига кўра солиқ солишнинг соддалаштирилган шаклини қўлловчи алоҳида хизмат турларини кўрсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар 2017 йилнинг 1 январигача ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинадилар.

Ушбу солиқ имтиёзлари қўлланиладиган хизматлар рўйхати 3-жадвалда келтирилган.

2-жадвал. 2017 йилнинг 1 январигача юридик шахслар фойдасидан олинadиган солиқ ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар қўлланиладиган хизматлар рўйхати.

1. Молиявий хизматлар, банк хизматлари

- а) Лизинг бўйича хизматлар
- б) Сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг хизматлари
- в) Аудиторлик хизматлари
- г) Бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматлар
- д) Микрокредитлаш бўйича хизматлар
- е) Солиқлар бўйича маслаҳат бериш ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар

2. Маиший хизматлар

- а) Оёқ кийимлари ва тери маҳсулотларини таъмирлаш соҳасидаги хизматлар
- б) Соат таъмирлаш бўйича хизматлар
- в) Маиший электрон ва электр жиҳозларини (телевизорлар, аудиовидеоаппаратура, компьютерлар, принтерлар, музлаткичлар, кондиционерлар ва бошқ.) таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар

3. Бошқа хизматлар

- а) Ветеринария хизматлари
- б) Таълим соҳасидаги хизматлар, жумладан компьютерда ишлашни ўрганиш
- в) Санаторийлар, болалар спорт муассасалари ва секциялари хизматлари
- г) Болалар, ногиронлар, ёши кекса фуқароларни парваришлаш бўйича ижтимоий хизматлар
- д) Риэлтерлик хизматлари
- е) ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари, электрон таълим хизматлари

Изоҳ: фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлаш бўйича имтиёзлар 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб имтиёзлар кўзда тутилган хизматларни кўрсатишдан олинadиган уларнинг тушуми умумий тушум ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил қилиши шarti билан микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг барча даромадларига қўлланилади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли Қарорига 5-илова.

Хизматлар соҳаси корхоналари учун пластик карточкалардан фойдаланиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича юридик шахслар фойдасига солинадиган солиқ ва ЯИТ ни тўлашда ўрнатилган ставкадан 10 фоизга камайтирилган ставка амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабридаги 1672-сонли “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб беш йил муддатга юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан озод қилинадилар.

Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС). Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхоналар қўшимча қиймат солиғини (ҚҚС) тўловчилари ҳисобланадилар. Ушбу солиқ бўйича солиқ солиш объекти бўлиб товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ёки солиқ солинувчи импорт ҳисобланади, солиқ солиш базаси эса унга қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида аниқланади. Солиқ солиш базасини аниқлаш тартиби СК 204-моддасида ўрнатилган .

СК 208-моддасида ҚҚС ни тўлашдан озод қилинадиган товарларни (ишлар, хизматлар) сотиш бўйича оборотлар белгилаб берилди. Тижорат ташкилотларида қуйидагиларни сотиш бўйича оборотлар ҚҚС ни тўлашдан озод қилинади:

- 1) мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;
- 2) беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;
- 3) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар;
- 4) тиббий (ветеринария) хизматлари (косметология хизматлари бундан мустасно), дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар;
- 5) санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари;
- 6) босма маҳсулотлар, шунингдек босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш (жумладан, етказиб бериш бўйича хизматлар) билан боғлиқ таҳририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари)
- 7) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар);
- 8) уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар;
- 9) давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;
- 10) ўзи етиштирган кишлоқ хўжалиги маҳсулотли;
- 11) устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали сифатида бериладиган асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари.

Солиқ кодексининг 211-моддасига мувофиқ қуйидаги товарларни импорт қилиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

- 1) жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб киришнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тасдиқланган нормалари доирасида олиб кирилаётган товарлар;
- 2) дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиладиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган хом ашё.²² Мазкур имтиёз олиб кирилаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқладиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқарилаётган тайёр дори воситаларига татбиқ этилмайди.
- 3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқладиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса. Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин

²² Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 6 майдаги “Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар Рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йилнинг 8 майида 1952-сон билан рўйхатга олинган].

берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади;

4) қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч.

Қуйидагиларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади:

- чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек бу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан улар билан бирга яшаётган оила аъзоларининг, шахсий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга);
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик сервис хизмати томонидан кейинчалик чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга реализация қилиш учун олинаётган товарларга (ишларга, хизматларга). Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ноль даражали ставка қўлланилиши татбиқ этиладиган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл дипломатик ваколатхоналарининг ва дипломатик ваколатхоналарига тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади; божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, “божхона ҳудудида қайта ишлаш” божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса; чет элларнинг юкларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташиш (транзит ташишлар) бўйича хизматлар кўрсатувчи транспорт корхоналарининг оборотлари.

Солиқ тўловчи кўп ҳолларда унинг обороти бўйича ҳисобланган ҚҚС нинг бутун суммасини бюджетга тўламайди, чунки у ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ва (ёки) ўзи томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича бутун ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Қўшимча қиймат солиғининг моҳияти ҳам мана шундан иборат: солиқ тўловчи бюджетга фақат товарнинг (ишнинг ёки хизматнинг) уни қайта ишлаш билан қўшилган қиймати учунгина солиқ тўлайди. Солиқ тўловчи томонидан етказиб берувчидан ҳақиқатда олинган товар (иш ёки хизмат) бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олиниши учун СК 218-моддасига мувофиқ қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлса;

1¹) товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадида фойдаланилса;

2) олинган товарларга (ишларга, хизматларга) етказиб берувчи томонидан ёзилган ҳисобварақ-фактура ёки тақдим этиладиган қўшилган қиймат солиғи алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса;

3) товарлар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланган бўлса. Агар импорт қилинган товарлар бўйича солиқни бюджетга тўлашдан озод этиш тарзида бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шарти билан имтиёз берилган бўлса ҳам қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинади;

4) Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тақдим этилган ишлар, хизматлар, агар уларнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса ва СКга мувофиқ уларга қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланган бўлса;

5) ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспортида чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма мавжуд бўлса.

СК 218-моддаси айрим муҳим ҳолатларда ҚҚС ни ҳисобга олиш қоидаларини белгилаб беради. Мол-мулк устав фондига (устав капиталига) қўйилма сифатида олинганда олувчи етказиб берувчи томонидан тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини 218-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартларга риоя қилган ҳолда ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар ва уларнинг бутловчиларини импорт қилишда олиб кириладиган қисмларга ҳисобланган ҚҚС суммаси (олиб кириладиган технологик жиҳоз қийматида ҳисобга олинмайдиган), солиқ солинадиган оборот учун фойдаланиладиган компонентлар, жумладан ноль даражали ставка бўйича оборот тайёр маҳсулот бўйича бюджетга тўланиши керак бўлган ҚҚС ни ҳисоблашда ҳисобга қабул қилинади.

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни экспортга реализация қилиш обороти мақсадида фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи товарлар экспортдан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади. Товар воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали экспортга реализация қилинган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг суммаси улушида ҳисобга олинади.

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ва (ёки) қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий тўлашга ўтилган тақдирда, юридик шахс бундай турдаги тўловларга ўтилган пайтдан эътиборан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қолдиқлари бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, олинган товарлардан (ишлардан, хизматлардан) экспортга ишлаб чиқариш ва сотиш мақсадида фойдаланаётган ҳоллар бундан мустасно. Шундай тартиб имтиёзлар бекор қилинганда, қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича мажбурият юзага келган солиқ тўловчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотлар, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотлар мавжуд бўлганда, солиқ солинадиган оборотга, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотга, шунингдек юридик шахснинг ўз эҳтиёжлари учун (ҳаражатлар сифатида қараладиган) оборотга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади.

ҚҚС ҳисобга олинмаслиги керак бўлган ҳолатлар СК 219-моддасида белгилаб берилган. Бундай ҳолатларга қуйидаги оборотлар киради:

- 1) олинаётган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича;
- 2) қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар томонидан, шунингдек қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарувчи юридик шахслар томонидан фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;
- 3) текинга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича, бундан олувчи томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича Солиқ кодексининг 218-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисобга олиниши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи тўланган ҳоллар мустасно;
- 4) Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган ҳаражатларни амалга ошириш мақсадида олинган мол-мулк бўйича. Масалан, корхона ходимлари тушлик танаффуси вақтида стол теннисни ўйнашлари учун теннис столи сотиб олган бўлса, хаттоки стол нархида ҚҚС ажратилган ва бу ҳисоб-фактурада кўрсатилган бўлса ҳам ушбу ҚҚС суммаси корхонада ҳисобга олинмаслиги керак, чунки СК 147-моддасининг 16-бандига мувофиқ бундай ҳаражатлар юридик шахслар фойдасидан олинмайдиган солиқ бўйича солиқ солиш базасини аниқлашда чегирилмайдиган ҳаражатларга киради.

Ҳисобга олинмайдиган солиқ суммаси ҳисобот даврида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ошиб кетган тақдирда бюджет билан ўзаро муносабатлар СК 227-моддасида белгилаб берилган.

Кўшилган қиймат солиғининг ортиқча тўланган суммаси солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўловчига қайтарилади.

Ҳисобга олинмаган қўшилган қиймат солиғи суммасининг навбатдаги ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ортган суммаси қўшилган қиймат солиғи бўйича навбатдаги тўловлар ҳисобига ўтказилади. Ҳисобга олинмаган қўшилган қиймат солиғи суммасининг солиқ даври якунларига кўра ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқчаллиги сақланиб қолган тақдирда, ушбу ортиқча сумма кейинги солиқ даврига ўтказилади ва қўшилган қиймат солиғи бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади ёхуд солиқ тўловчига қайтарилади.

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммаси давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг солиқни қайтариб бериш тўғрисидаги ёзма аризасини олган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади.

Кўшилган қиймат солиғини қайтариш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси қопланади;
- солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича мавжуд қарзи қопланади;
- солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ. Умумбелгиланган солиқларни тўловчи ва сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмолни амалга оширувчи юридик шахслар, тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар ҳисобланадилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ солинадиган база бу сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланадиган фойдаланилган сувнинг ҳажмидир.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сув истеъмолчининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у тадбиркорлик субъекти ҳисобга олинган жой билан мос келмаслиги мумкин бўлган сувдан фойдаланиш (сув истеъмоли) жойи бўйича тўланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

- сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;
- бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари;
- ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар - тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий равишда тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда СК 261-моддасига кўра бир қанча имтиёзлар берилади. Жумладан, солиқ солинадиган база қуйидаги ҳажмларга камайтирилади:

- 1) соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;
- 2) дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;
- 3) кишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар мол-мулкга солинадиган солиқни тўловчилардир. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар мол-мулкга солинадиган солиқни тўловчилар бўлмайди.

Қуйидаги мол-мулк солиқ солиш объектидир:

- 1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;
- 2) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига муайян қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради;
- 3) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар. Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж қилиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация қилинаётган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қўйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар киради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш қўраётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

- асосий воситалар бўйича - асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.
- норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича - тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган жиҳоз учун мол-мулк солиғи иккилантирилган ставка бўйича тўланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинмайдиган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкларига солинадиган солиқ бўйича бир қанча имтиёзлар берилади, улардан айримларини кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўллаш мумкин.

Жумладан, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидаги қийматга камайтирилади:

- лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга лизингга олинган мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига
- тузилган шартномаларга мувофиқ юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишлар бажариш учун касаначиларга бепул фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарнинг (фойдаланиш даврига);
- ишлаб чиқаришга янги жорий этилган янги технологик жиҳозларнинг, беш йиллик муддатга. Янги технологик жиҳозлар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши мол-мулк солиғини тўлаш мажбуриятлари имтиёз қўлланиладиган бутун давр учун тикланган ҳолда, бекор қилинади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

- янги ташкил этилган корхоналар - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизда ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди;
- Маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари қисми бўйича маҳаллийлаштириш Дастури доирасидаги лойиҳаларни амалга ошираётган корхоналари. Ушбу имтиёзларнинг берилиши туфайли бўшатиладиган маблағларнинг янги ишлаб чиқаришларни яратиш ҳамда фаолият юритаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, таъмирлаш, модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, сифатни назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашёлар ва материалларни харид қилиш, корхонанинг маҳаллийлаштириш Дастурига жалб қилинган муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтириладиганлиги аниқланди;
- ихтиёрий тугатиладиган тадбиркорлик субъектларини - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январидagi ПҚ-1050-сонли “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар – 2014 йилнинг 1 январигача;
- Ўз маҳсулотлари ҳажмининг камида 80 фоизини эркин конвертацияланувчи валютага сотувчи тўқимачилик саноати корхоналари – 2016 йилнинг 1 январигача. Ушбу имтиёздан нафақат тармоқнинг йирик корхоналари, балки улар ташқи бозорда ўз улушларига эга бўлган ҳолларда кичик корхоналари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Кўпгина яқка тартибдаги тадбиркорлар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи оилалар ушбу фаолиятни амалга оширишда жисмоний шахсларнинг мол-мулкларидан олинладиган солиқ тўловчилари бўлган ҳолда ўзларига тегишли бўлган кўчмас мулклардан фойдаланадилар. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкларидан олинладиган солиқ бўйича солиқ солиш объекти бўлиб турар жойлар, квартиралар, дача участкалари, гаражлар ва фуқароларнинг хусусий мулки бўлган бошқа қурилмалар, бинолар, иншоотлар ҳисобланади,

солиқ солиш базаси эса кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишни амалга оширувчи орган томонидан ҳисобланадиган солиқ солиш объектнинг инвентарлаш қиймати каби аниқланади.

ЎзР СК 275-моддасида солиқ бўйича имтиёзларнинг жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган. ЎзР СК 276-моддасига кўра солиқ солиш объектлари жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилган ёхуд улар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган тақдирда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

ЎзР СК 276-моддасида жисмоний шахслар учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг бир қанча муҳим ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилган. Бир нечта мулкдорнинг умумий улушли мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мулкдорларнинг ҳар бири томонидан уларнинг ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мулкига солинадиган солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнаинг бошланишига қадар, янги мулкдор томонидан эса унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ улар барпо этилган йилдан кейинги йил бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ меросхўрларда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган, бузиб ташланган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тўхтатилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик, бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади.

Ер солиғи ва ижара ҳақи. Ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Юридик ва жисмоний шахслар мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдилар. Ер участкасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғига нисбатан ҳам жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғидаги каби тартиб амал қилади. Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслардан юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади ҳамда уларга Солиқ кодексда назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи. Юридик шахслар — тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва умумбелгиланган солиқларни тўловчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилардир. Бу солиқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, юридик шахслардан олинган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база ҳисобланади. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ойлик жорий тўловлар тўламайдилар, балки солиқни давлат солиқ органига кейинги чорак учун ушбу солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш билан бир вақтда ҳар чоракда тўлайдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1672 сонли қарорига мувофиқ 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан беш йил муддатга озод этилади.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи маҳаллий солиқлардир. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 октябрдаги 281-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ушбу солиқлар бўйича имтиёзлар беришга ҳақлидир. Имтиёзлар кўрсатилган солиқларни тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиш кўринишида берилади.

Солиқлар бўйича имтиёзларни бериш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари асосида амалга оширилади. Шундай қарорларнинг лойиҳалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан мажбурий тартибда қилишилиши лозим.

Солиқ имтиёзларини бериш ташаббускорлари сифатида уларни бериш мезонларига мос келувчи корхоналарининг ўзлари бўлишлари мумкин. “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 10 бандига мувофиқ солиқ тўловчиларнинг мурожаатлари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг таклифлари қарорлар лойиҳасини тайёрлаш учун асос ҳисобланади. Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорлари лойиҳалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан тайёрланади. Шунинг учун имтиёз бериш ташаббускорлари депутатлар томонидан тегишли таклифларни ишлаб чиқиш учун ушбу органлар ёки ўзлари давлат рўйхатидан ўтган жой бўйича халқ депутатлари ҳудудий Кенгашига мурожаат қилишлари керак.

Имтиёзлар фақат бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари бўлмаган солиқ тўловчиларгагина қўлланилиши мумкин. Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар берилган объектлар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган ер участкалари майдони доирасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари солиқ тўловчилар – юридик шахсларнинг маълум тоифаларига битта солиқ бўйича ҳам, бир вақтнинг ўзиде бир нечта солиқ бўйича ҳам 12

ойгача бўлган муддатга имтиёзлар беришлари мумкин. Тегишли ҳудудий молия органларининг, давлат солиқ хизмати органларининг, иқтисодиёт ва адлия органларининг ҳулосасига кўра солиқлар бўйича имтиёзларнинг амал қилиши 12 ойгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин. Кейинчалик ушбу тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ бўйича имтиёз камида беш йил ўтгандан кейин берилиши мумкин.

Солиқлар бўйича имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг турларини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларга йўналтирилади. Солиқлар бўйича имтиёзлар берилиши натижасида бўшайдиган маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда, ушбу маблағлар тўлиқ ҳажмда, белгиланган тартибда пеня ҳисоблаган ҳолда тегишли маҳаллий бюджетга ундирилади.

Аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари 2018 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар тўлашдан, бўшайдиган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан озод этилган²³.

Умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика йўл жамғармаларига мажбурий ўтказмалардан озод қилинадилар, акциз солиғи солинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ олинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

2.1.3. Ижтимоий жамғармаларга тўловлар

Юридик шахслар – иш берувчилар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектлари *ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларининг* тўловчилари ҳисобланадилар. Иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир. Солиқ кодексининг 308-моддасига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

- меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун Солиқ кодекси 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортикча олинган суммалар;
- ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар;
- қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

а) давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари;

в) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари.

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли Фармони.

ЯИТ суммаси корхона томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишида тўланадиган сумма ва жорий йил учун ҳар йили ўрнатиладиган ЯИТ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилади.

ЯИТ тўловчилари унинг суммасини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида кўзда тутилган тартибда, бироқ қонунчиликда ҳар бир ходим учун ойига ўрнатилган ягона ижтимоий тўловнинг энг кам ҳажми – энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар. Бироқ ЯИТ нинг энг кам миқдори корхонада ишловчи ходимлар сонидан келиб чиққан ҳолда эмас, балки улар томонидан ишланган кунлар асосида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

бу ерда: $MP_{\text{яит}}$ — ЯИТнинг бир ой учун энг кам миқдори; K — бир ойда барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари (бир кунда ишлаган соатларидан қатъи назар) сони, бироқ корхонада ўрнатилган иш кунлари сонидан ортмаган ҳолда. Ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларига, шунингдек йиллик меҳнат таътиллари ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътилларга тўғри келадиган кунлар ҳам тааллуқлидир; n - корхонада белгиланган бир ойдаги иш кунлари сони; N — бир ходим учун бир ойда ЯИТ нормативи (бир минимал иш ҳақи).

ЯИТнинг энг кам миқдори ҳар ой ҳисоблаб чиқарилади. ЯИТ бўйича ҳисоб-китоблар ҳар чоракда тақдим қилинганлиги туфайли ЯИТнинг ҳисобот чораги учун энг кам миқдорини ҳисоблашда чорак уч ойининг ҳар биридаги ЯИТнинг энг кам миқдорлари қўшиб чиқилади.

Агар меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишида тўланган даромадлардан ва ўрнатилган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган ЯИТ суммаси ЯИТнинг энг кам миқдоридан кам бўлса, у ҳолда тўлов ЯИТнинг энг кам миқдорининг корхона томонидан ҳисобланган суммадан ортикча суммасигача қўшимча ҳисобланади. Тўловчи томонидан ҳисобланган ҳақиқий ЯИТ суммаси энг кам миқдорга тенг ёки ундан ортик бўлса, ЯИТ ҳақиқатда ҳисобланган сумма ҳажмида тўланиши керак²⁴.

Чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотлари учун ЯИТ, бюджетдан ташқари Пенсия фонди ва жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқларни ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўрнатилган энг кам меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш ва тўлаш тартиби амал қилади.

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари “Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом” га мувофиқ белгиланади (2010 йил 28 декабрда 2173-сон билан рўйхатга олинган).

Агар ходимлар сонининг энг кам меъёри ва (меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасининг ўртача разряди билан белгиланадиган) бажариладиган ишларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг энг кам меъёри ҳисобот чорагида чакана савдо, умумий овқатланиш ёки қурилиш ташкилотларининг ҳақиқий меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ортик бўлса, ушбу ортикчалик ягона ижтимоий тўловлар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ва жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқни тўлиқ ҳисоблаш учун базани ташкил қилади.

Ташкилотда ходимлар сонининг энг кам меъёрида кўзда тутилганидан камроқ сондаги ходимлар ишлайдиган, бироқ ташкилотнинг ҳақиқий меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси энг км меъёрда белгиланган унинг ҳажмидан кўп бўлган ҳолларда солиқлар ва мажбурий тўловлар суммаларини қўшимча ҳисоблаш амалга оширилмайди.

²⁴ “Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом” [ЎЗР АВ 13.04.2010 й. 2095-сон билан рўйхатга олинган].

Касаначиларга товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга буюртмалар берадиган корхоналар учун 2014 йилнинг 1 январигача меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ЯИТ тўлашдан меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга тўланадиган маблағлар ҳажмида озод қилиш кўринишидаги имтиёз амал қилади.

Иш берувчилар – меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича жисмоний шахсларни ишга ёлловчи барча ташкилотлар ва шахслар ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини ушбу “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталашлари шарт. Суғурталашни иш берувчи ўзи давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб ўн беш кунлик муддатдан кечиктирмаган ҳолда амалга ошириши шарт.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ЯИТ тўламайдилар, бироқ улар календар кунида ишлаган кунлари сонидан қатъий назар ойдаги қонунчилик билан ўрнатилган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган тартибда мажбурий суғурта бадалларини тўлайдилар.

22. Ҳисоботларни тақдим этишнинг соддалаштирилган тартиби ва текширувларни чеклаш

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририда ҳисоботларни тақдим этиш бўйича инстанциялар батафсил тарзда белгилаб берилган. Кичик тадбиркорлик субъектлари учун – бу давлат статистика ва солиқ органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса – фақат солиқ органлари. Кичик бизнес субъектлари *солиқ ҳисоботларини* ҳар чоракда тақдим этадилар. *Статистик ҳисоботларини* микрофирмалардан ташқари бошқа кичик тадбиркорлик субъектлари ҳар чоракда тақдим этадилар, микрофирмалар эса тегишли шаклни йилда бир марта тўлдирадилар. *Молиявий ҳисоботлар* ҳам барча кичик бизнес субъектлари томонидан йилда бир марта тақдим этилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари икки шаклдан ташкил топади: бухгалтерия баланси (1-шакл) ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл). Солиқ ҳисоботлари шакларининг турлари ва миқдори танланган солиқ тўлаш тартибига боғлиқ бўлади: умумўрнатилган солиқлар (бу ҳолда тақдим этиладиган ҳисоботлар ва ҳисоб-китоблар сони кўпроқ бўлади) ёки солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби. Барча солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳар чоракда қонунчиликда ўрнатилган муддатларда тақдим этилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар ЎзР СК 58-моддасига мувофиқ тарзда солиқ ҳисоботларини тақдим этадилар, улар учун асосий бўлиб белгиланган солиқ бўйича ҳамда бошқа солиқлар ва СК 373-моддасига мувофиқ мажбуриятлар сақланадиган мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳисобланади. Кичик бизнес учун статистик ҳисоботларнинг битта шакли ўрнатилган: 1-КВ shakli. Шаклнинг ўзини ҳамда уни тўлдириш бўйича тушунтиришларни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайтидан олиш мумкин. Электрон рақамли имзога эга бўлган корхоналар уни электрон шаклда тўлдиришлари мумкин.

Ҳисобдорлик – бу ҳўжалик субъектлари устидан давлат назорати шаклларида бири холос. Бундай назоратнинг янада фаолроқ шакли бўлиб тадбиркорлик субъектларини текшириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахс бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини *режали текшириш*, шу жумладан, молия-ҳўжалик фаолиятини текширишлар учун қуйидагилар асос бўлади:

- назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;
- назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарилган, текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун кўзғатилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади. Бунда текширувга хўжалик юритувчи субъектнинг фақат кўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширувни тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаганида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади. *Молия-хўжалик фаолиятини текшириш* (тафтиш қилиш) деганда солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш деб тушунилади. Давлат солиқ органлари томонидан ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини қисқа муддатли текшируви амалга оширилиши мумкин. *Қисқа муддатли текширув* — солиқ тўловчи молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган унинг алоҳида амалиётларининг қонучиликка мувофиқлигини текшириш. Масалан, чакана савдо қоидалари ёки нақд пул тушумларини инкассо қилиш қоидаларига амал қилинишини текшириш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш қуйидагиларга бўлинади:

- режали;
- режадан ташқари;
- муқобил текшириш;
- назорат тартибида текшириш;
- назорат қилувчи органлар томонидан назорат функцияларини бажаришда назорат қилувчи органлар фаолиятларини мувофиқлаштириш бўйича Кенгашнинг ҳудудий комиссиялари билан қўшимча келишувсиз амалга оширилувчи текширувлар.

Режали текшириш бу Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаси асосида амалга оширилаётган текширишдир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини текширишлар бундан мустасно. Хусусий корхоналар фаолиятини режали текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар бундан мустасно.

Кичик тадбиркорлик субъектлари хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-

хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади. Янги ташкил этилган юридик шахслар - кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди. Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолияти, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектларининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди.

Шунингдек 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади²⁵.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Қонунда ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу муддатларни узайтиришга рухсат берилмайди. Текширишни ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга тилхат олинган ҳолда топширилган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга топширилган кун текширишни ўтказиш тугаган кун ҳисобланади. Назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шарт²⁶. Бундан ташқари режали текширувлар режаси-графиклари матбуотда чоп қилинади.

Бироқ тадбиркорлик субъектлари режали текширувлардан ташқари назорат қилувчи органлар қонунчиликда ўрнатилган асослар бўйича ва тартибда бошқа текширувларни ҳам амалга оширишлари мумкинлигига тайёр бўлмоқлари лозим.

Режадан ташқари текширишни амалга ошириш учун Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияси маҳсус қарорни қабул қилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- текширувларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиққанда;
- назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда (корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар қонун бузилишлари тўғрисидаги аниқ далили ва ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар билан биргаликда қўшимча маълумотлар бўлиши мумкин);
- фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296 сонли “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

²⁶ “Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида Низом” 8-банди (янги таҳрирда, ЎЗР АВ 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган)

- санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини *муқобил* текширишлар жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ёки унинг худудий комиссияси қарорига биноан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишлар хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан туриб, фақатгина талаб қилиб олинган ҳужжатларни ўрганиш йўли билан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишларга уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари юзасидангина йўл қўйилади, улардан муқобил текшириш предметиға тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳужжатларини ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 14-1-моддасига мувофиқ тақиқланади.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятини *назорат тартибида текшириш* аввалги текширув давомида назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари томонидан қоидабузарликлар аниқланган ва аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар берилган ҳолларда ўтказилади. Бундай текшириш аниқланган қоидабузарликларни бартараф этилишини назорат қилиш мақсадида ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектлари томонидан ҳар-хил соҳаларда белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этишларини назорат қилиш бўйича ваколатли давлат органлар хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текширишларни амалга оширади. Бундай текширишлар тегишли назорат қилувчи (ёнғинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тарикасида, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан тасдиқланган режалар асосида бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Қонунда текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлари учун ҳуқуқ ва кафолатлар кўзда тутилган. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг (“текширувчиларнинг”) хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишиға текширишларни ўтказишға руҳсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳнома, шахсий гувоҳнома ва текширишға асос кўрсатилган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади. Бундан ташқари қонунчилик ҳужжатларида уни ўтказиш учун асосларға эға бўлмаган шахсларни текширувни ўтказишға йўл қўймаслик ҳамда текширувчиларнинг ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича текширувчиларнинг талабларини бажармаслик ва текширув мавзусига тегишли бўлмаган ҳужжатлар билан таништирмаслик тўғрисида бевосита ёзиб қўйилган²⁷.

Барча тадбиркорлик субъектларида “Текширувларни қайд қилиш дафтари” юритилиши керак, унга текширувчилар ўтказилган текширувлар тўғрисида қайдлар қилишлари шарт.

Текширув натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилади, текширувни яқунлаш куни текширилаётган хўжалик субъекти унинг битта нусхасини олиш ҳуқуқига эға.

Агар тадбиркорлик субъекти Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг аъзоси бўлса, текширувни ўтказишда унинг вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Қонун ҳужжатларда текширувчилар хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий фаолиятиға аралашмасликлари бўйича кафолатлар белгиланади. Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўришлари мумкин.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 16-модда.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашиб ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас. Бу исталган сабаблар билан ҳам бинони “ёпиш”, “муҳрлаш” ёки корхона фаолиятини “тўхтатиб қўйиш” мумкин эмаслигини билдиради. Текширувчиларда аниқланган қонунбузарликларни бундай чора-тадбирларсиз бартараф қилиш мумкин эмаслиги тўғрисида далиллар бўлиши керак.

Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиққанлик ва (ёки) текширишлар ўтказганлик, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб турганлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилиб олганлик учун ёки қонунчиликда кўзда тутилмаган бошқа ҳолатлар учун мансабдор шахсларга маъмурий ва жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 241²-моддасига мувофиқ ушбу ҳаракатларни содир этганлик учун давлат органларининг мансабдор шахсларига энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солинади.

Агар шундай ҳаракатлар такроран содир этилса, ушбу ҳаракатлар энди ЎЗР ЖК 206-моддаси меъёрлари остида тушади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашиб энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима солиш, уч йилгача маълум ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиниш билан жазоланади. а) Йирик зарар келтириш; б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; в) шахслар гуруҳи томонидан аввалдан тил бириктириб содир этилган шундай ҳаракатлар энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки маълум ҳуқуқлардан маҳрум қилган ҳолда уч йилгача озодликдан қилиш билан жазоланади.

Бироқ текширувчилар ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилган ва улардаги барча ҳужжатлар қонунга мувофиқ тарзда расмийлаштирилган ҳолларда текширувни ўтказилишига қаршилик кўрсатишга уриниб бефойда. Хусусан, кўп қўлланиладиган “ҳеч нарсага имзо чекмаслик” тактикаси ҳеч қандай натижа бермайди. Текширилаётган корхона ёки тадбиркор томонидан текширувни тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатни рад қилиниши текширув ўтказишни бекор қилиш учун асос бўла олмайди. Тадбиркорлик субъекти томонидан ушбу ҳужжатларни олиш рад қилинган ҳолларда текширувчи ўзи ва текширилаётган тадбиркорлик субъекти томонидан имзоланадиган далолатнома тузади. Ушбу далолатномани имзолаш ҳам рад қилинган ҳолларда унга тегишли қайдлар қилинади ва текширишни ўтказиш бошланади.

Текширувчи томонидан текшириш натижалари бўйича тайёрланадиган ҳужжат учун ҳам шу қоидалар ўринли. Текширилувчи томонидан текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) олиш рад қилинган ҳолларда назорат органининг мансабдор шахси бу тўғрисида далолатномага (маълумотномага) тегишли қайдлар қилади ва шу вақтдан бошлаб текшириш яқунланган ҳисобланади. Бу ҳолда далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхаси почта орқали буюртмали хат билан тадбиркорлик субъектига юборилади. Яна шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, текширилаётган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор вакилининг текшириш натижалари бўйича далолатномадаги (маълумотномадаги) имзоси унинг ушбу натижаларга розилигини билдирмайди, балки фақат ушбу ҳужжатни олганлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Текширилувчининг текширувчи мансабдор шахслар ишига тўсқинчилик қилиши ҳам аҳволни яхшиламайди. Солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда солиқ тўловчи томонидан текширувни ўтказишга тўсқинчилик қилиниши ёки ҳудудлар, бинолар, жумладан солиқ тўловчи томонидан даромад олиш ёки солиққа тортиш объектини сақлаш учун фойдаланиладиган жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ органлари мансабдор шахсларини киришини рад қилиниши содир бўлган ҳолларда давлат солиқ органи солиқ

тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича амалиётларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича амалиётларни тўхтатиб туриш қуйидаги ҳолларда судга мурожаат қилмасдан давлат солиқ органларининг қарорлари асосида амалга оширилиши мумкин. Приостановление операций по банковским счетам налогоплательщика может осуществляться:

- уни тақдим этиш учун ўрнатилган муддат ниҳоясига етгандан кейинги эллик кун ичида солиқ тўловчи – юридик шахс томонидан солиқ ва (ёки) молиявий ҳисоботни тақдим этмаслик;
- солиқ тўловчи – юридик шахснинг кўрсатилган манзилда мавжуд эмаслиги.

Шунинг учун текширувчилар ишига халақит бериш ёки фиржа жойлашган манзилни ўзгартирган ҳолда улардан яширинишга уриниш – текширувлардан қочиш ёки назорат органларининг ҳаракатларидан ҳимояланиш воситаси бўла олмайди. Бизнесни текширувчи мансабдор шахсларнинг талаблари, қарорлари ва ҳаракатлари ноқонуний сифатида баҳоланса, корхона ёки тадбиркор улар устидан бевосита судга ҳам, бўйсунуш тартибда юқориқ турадиган орган ёки мансабдор шахсга ҳам шикоят қилиши мумкин. Давлат солиқ хизматининг юқори органига шикоятлар берилган ҳолларда шикоят қилинаётган қарор ёки ҳаракатлар, жумладан тўлиқ ҳисобланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўхтатиб турилади. Бошқа ҳолларда шикоятлар бериш текширувчилар ҳаракатларини тўхтата олмаслиги ҳам мумкин. Уларнинг қарорлари фақатгина шикоятларни кўриб чиқиш натижалари бўйича бекор қилиниши мумкин. Шикоятни кўриб чиқиш муддати у бериладиган органга боғлиқ равишда ўн кундан бир ойгачани ташкил этади.

Назорат қилувчи органлар якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини Кенгаш, унинг вилоят ва туман комиссиялари рухсатлари асосида текширадилар, назорат қилувчи органлар назорат қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича институтлари билан келишиш талаб этилмайдиган назорат вазифаларини бажариши ҳолатлари бундан мустасно.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан тасдиқланган “Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида Низом” (ЎзР Адлия вазирлигида 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан рўйхатга олинган) билан тартибга солинади.

Назорат қилувчи органлар якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятида қуйидагиларни текширишга ҳақлидир:

- а) солиқ ва ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши;
- б) савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши, шу жумладан назорат-касса машинаси, ҳисоб терминаллари қўлланилиши, сотилаётган мажбурий сертификатланадиган товарларга мувофиқлик сертификатлари, ўлчов асбобларида белгиланган тамғалари мавжудлиги;
- в) пул маблағлари ҳисобини юритиш ва муомалалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши;
- г) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши;
- д) санитария назорати, ветеринария назорати, ёнғин хавфсизлиги чоралари, энергетика ҳамда экология назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши.

Якка тартибдаги тадбиркор лицензияланадиган фаолият тури билан шуғуланган ҳолларда текширув предмети сифатида лицензия талаблари ва шартларига амал қилиниши ҳам бўлиши мумкин.

Мос ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишни фақат ваколатлари доирасига ушбу масалалар қирадиган давлат органлари амалга оширишлари мумкин.

Бошқа ҳеч қандай текширувчилар якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқларига эга эмаслар.

Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари ҳудудида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорларни текширишлар қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Бу давлат солиқ органларининг мансабдор шахсларидан бошқа ҳеч кимнинг бозордаги ёки савдо мажмуасидаги савдо нуқтасини ижарага олувчи якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшира олмаслигини билдиради. Агар санитария ёки ёнғин назорати органларида даъволар мавжуд бўлса, улар тегишли фармойишларни дўкон ижарачисига эмас, балки бозор (савдо мажмуаси) маъмуриятига беришлари керак. Маъмурият эса вужудга келган масалаларни ижарачи билан ҳал қилиши керак.

Ўтказилган текшириш натижаларига рози бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар низоли масалаларга аниқлик киритиш учун назорат қилувчи органларнинг юқори бўлинмаларига ёзма мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Якка тартибдаги тадбиркорлар уларда ўтказилаётган режадан ташқари текшириш ҳақидаги ва улар фаолиятини текширишни амалга оширишга рухсат олган назорат органларининг номи тўғрисидаги ахборотни Кенгаш (вилоят ёки туман комиссияси) ишчи органидан бепул олишга ҳақлидир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятларини текшириш муддатлари бир кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Якка тартибдаги тадбиркорнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бу қоидадан истисно қилиниши мумкин, бироқ бу ҳолда ҳам текширишни ўтказиш муддати беш иш кунидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини назорат қилиш қисқа муддатли режадан ташқари, муқобил текширувлар ёки назорат тартибдаги текширувлар кўринишида амалга оширилиши мумкин. Ушбу текширувларни ўтказиш учун асослар ва уларни ўтказиш тартиби юридик шахслар учун мавжуд бўлган асослар ва тартибдан фарқ қилмайди.

Бир қатор ҳолларда тадбиркорлик субъектлари бўлган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан ҳам назорат органлари ўтказилган текширувлар тўғрисида кейинчалик хабардор қилиш билан назорат органлари фаолиятларини мувофиқлаштириш бўйича тузилмалар билан келишмаган ҳолда ўз фаолиятларини амалга оширишлари мумкин. Назорат органлари шундай тартибда текширув ўтказиш ҳуқуқига эга бўладиган ҳолатлар қонунчилик билан ўрнатилган. Бунда текширилаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва кафолатлари ўз кучини сақлаб қолади.

Назорат органлари ва улар томонидан текширувлар ўтказиш учун асосларни билиш кичик оилавий бизнеснинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларини анчагина тартибли қилади. Фирма раҳбарияти давлат назорат органлари билан муносабатларни қуриш учун асос бўлишини кўзда туган тамойиллар тизимини ишлаб чиқиши мумкин. Бу бизнеснинг барқарорлик даражасини оширади ва унинг ривожланишига кўмаклашади.

2.3. Лицензиялаш, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва сертификациялаш.

Айрим турдаги фаолиятларни тадбиркорлик субъектлари фақат махсус рухсатномани (лицензияни) олгандагина амалга оширишлари мумкин. Лицензия юридик ёки жисмоний шахсга лицензияловчи орган томонидан лицензия талаблари ва шартларига мажбурий ҳолда риюя қилинганда берилади.

Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сонли қарори билан тасдиқланган. Бу рўйхат тўлиқ бўлиб, бошқа барча фаолият турлари лицензияланмайди. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси лицензия бериш ҳуқуқига эга бўлган давлат

хокимияти органларини белгилайди. Уларнинг рўйхати ва ҳар бир орган томонидан лицензияланадиган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сонли “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори 1-илоvasида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ лицензия ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури учун алоҳида берилади. Лицензия даъвогарининг аризасига мувофиқ лицензия лицензияланаётган фаолият турининг бир қисмига (қисмларига) берилиши мумкин.

Амалга оширилиши учун лицензия олинган фаолият тури фақат лицензияни олган юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади. Ушбу тақиқни қорхонани сотишда ҳам инобатга олиш лозим.

Қорхонани сотишда сотувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиши учун берилган махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қорхонани сотиб олувчига берилмайди. Шартнома бўйича топшириладиган қорхона таркибига махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлмагани туфайли сотиб олувчи бажара олмайдиган мажбуриятларни киритиш сотувчини учинчи шахслар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди. Бундай мажбуриятларни бажармаганлик учун сотувчи ва сотиб олувчи кредиторлар олдида солидар жавобгар бўладилар. (ЎЗР ФКнинг 489-моддаси). Қорхонани сотиб олувчиси унда лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш имконига эга бўлиши учун лицензияловчи органга тегишли аризани топширган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириши лозим.

Лицензия олиш учун лицензия даъвогари тегишли лицензияловчи органга қуйидагиларни тақдим этади:

- лицензия бериш тўғрисидаги ариза - унда: юридик шахс учун - юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисобварағи рақами; жисмоний шахс учун - фамилияси, исми ва отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари; юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаган фаолиятнинг лицензияланаётган тури (унинг бир қисми) шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилади;
- лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқиши учун лицензия даъвогари йиғим тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- фаолиятнинг айрим турига лицензия олиш учун қўйиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган тегишли айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомлари билан белгиланадиган талаблар ва шартларни лицензия даъвогари бажариши мумкинлигини тасдиқловчи ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа ҳужжатлар.

Шунинг учун, агарда қорхонанинг эгалари лицензияланадиган фаолият турини танласалар, у ҳолда лицензиялаш тартиби, лицензия талаблар ва шартлар тўғрисида тўлиқ ахборот олиш учун бундай фаолият турини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни ёки унинг вазифасини бажарувчи норматив ҳужжатни диққат билан ўрганиб чиқишлари лозим.

Ҳар бир турдаги фаолият бўйича лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқиш учун йиғимнинг энг юқори миқдори ЭКИХнинг 2,5 баробаридан ошмайди (туристик фаолият),

бошқа фаолият турлари учун йиғим миқдори пастроқдир – ЭКИХнинг 0,5 дан 2 баробаригача²⁸.

Лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати ариза барча зарур ҳужжатлари билан бирга лицензия даъвогаридан олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмаслиги лозим. Ушбу муддат тугагандан кейин лицензияловчи орган лицензияни бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши лозим. Лицензияловчи орган аризага қабул қилинган қарор ҳақида бундай қарор қабул қилингандан кейин уч кун ичида хабар бериши лозим.

Лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарнома аризага ёзма шаклда банк ҳисобварағи реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Лицензияни бериш аризага томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан, ва у томонидан лицензия келишув имзолангандан кейин амалга оширилади. Давлат божи миқдори фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомларда белгиланади.

Агарда лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб лицензият уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган, ёхуд лицензия келишувни имзомаган тақдирда, лицензияловчи орган кўрсатилган лицензияни бекор қилишга ҳақлидир.

Лицензияловчи орган лицензия беришни рад қилиши мумкин. “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига биноан рад қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- лицензия даъвогарининг ҳужжатларни лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;
- лицензия даъвогари тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;
- лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек танлов (тендер) шартларига номувофиқлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган ваз билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда, рад этишнинг сабаблари ва лицензия даъвогари кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, ҳужжатларни кўриб чиқиш учун тақрор тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

Лицензия даъвогари лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, лицензия даъвогарининг аризасини барча зарур ҳужжатлар билан бирга олган кундан эътиборан ўн кундан ошмаган муддат ичида лицензияловчи орган ҳужжатларни қайта кўриб чиқади. Лицензия даъвогарларининг аризаларини қайта кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди. Лицензияловчи органга, агарда даъвогар илгари кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда аризани тақдим этган тақдирда янги асослар бўйича лицензия беришни рад этиши тақиқланади²⁹. Белгиланган муддатга қатъий риоя қилиш муҳимдир, чунки

²⁸ Фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш учун йиғимлар миқдорлари ҳақида янада батафсил ахборот “Норма” газетасининг 2012 йил 6 ноябрдаги 44-сонда чоп этилган.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармони 2-бандига мувофиқ.

лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат тугагандан кейин берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади. Бундай ҳолатда лицензияловчи орган лицензия даъвогарига лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этиши мумкин.

Фаолиятнинг айрим турини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган корхона қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган ери ўзгарганда, у (ёки унинг ҳуқуқий вориси) қайта рўйхатдан кейин бир ойлик муддатда лицензияловчи органга кўрсатилган маъдумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш ҳақида ариза бериши лозим. Бундай қоида шунингдек лицензия эгаси бўлган якка тартибдаги тадбиркор учун унинг фамилияси ёки яшаш жойи ўзгарганда ҳам татбиқ этилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани олган кундан эътиборан беш кун ичида амалга оширилади. Лицензия қайта расмийлаштирилганда лицензия даъвогарининг лицензия бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензияловчи органлар лицензиатлар томонидан лицензия талаблар ва шартларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадilar. Ушбу мақсад билан улар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигидан гувоҳлик берувчи фактлар мавжуд бўлган ҳолларда, лицензиат лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текширувларни ўтказишга ҳақлидир. Лицензияловчи органи лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан текширувлар ўтказилаётганда юзага келадиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур маълумотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эгадир. Амалга оширилган текширувлар натижаларига асосан лицензияловчи органлар лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш ҳуқуқига эга.

Агарда лицензияловчи органнинг текширувлар натижасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш ҳақидаги қарори белгиланган муддатда бажарилмаса, ёхуд лицензиат томонидан лицензия келишувида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартлари жиддий бузилганлиги аниқланган бўлса, лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини 10 иш кунига тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир. Лицензиянинг амал қилишини 10 иш кундан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш лицензияловчи органнинг аризасига кўра суд тартибда амалга оширилади.

Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган лицензияловчи орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида ўн кун муддат ичида қарор қабул қилиши шарт.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияловчи органнинг ёки суднинг қарорига кўра тугатилиши мумкин. Лицензияловчи органнинг қарорига кўра лицензиянинг амал қилиши куйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

- лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;
- юридик шахс тугатилганда - тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда - қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;
- якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

- якка тартибдаги тадбиркорнинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
- лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда.

Суд тартибда лицензиянинг амал қилишини тугатиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;
- лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда;
- лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда.

Лицензияловчи органнинг лицензия амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Лицензиялардан ташқари тадбиркорлардан рухсат бериш тусидаги бошқа ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин. *Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат* деганда ёзма равишда расмийлаштирилган ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган ва тадбиркорлик субъектига бериладиган, тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳамда рухсатнома, келишув, хулоса шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ифодаланадиган қарор тушунилади. Тадбиркорлик субъектларининг ваколатли давлат органлари билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг берилиши, амал қилиш муддатининг узайтирилиши, тўхтатиб турилиши, қайта тикланиши, тугатилиши, қайта расмийлаштирилиши ва бекор қилиниши жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи *тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомили* деб аталади³⁰.

Қонун билан ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда «бир дарча» орқали амалга оширилиши белгиланган, бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олади. Масалан, қурилиш, реконструкция қилиш ёки объектларнинг соҳасини ўзгартиришга рухсатномани туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) беради. БИРОҚ унинг берилиши учун бошқа ваколатли давлат органларидан бир қатор келишувлар ва хулосаларни олиш талаб этилади. Тадбиркорлик субъекти ушбу давлат органлари билан тўғридан-тўғри ишлаши шарт эмас. Унга қурилишга (реконструкция қилишга, соҳасини ўзгартиришга) рухсатномани барча зарурий хулосалар ва келишувлар, экспертизалар натижалари ва ҳоказолар билан бирга объект жойлашган ёки унинг қурилиши кутилаётган туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасида (бўлимида) берилиши лозим.

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби ва муддатлари асосан фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ва муддатларидан фарқ қилмайди. Лекин лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари орасида фарқлар ҳам мавжуддир.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонун (16-моддаси) рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат бериш тартиб-таомили доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг тугал рўйхати кўрсатилиши

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-341-сонли “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси.

кераклиги белгиланган, агар тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса. “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонунда бундай норма мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг содалаштирилган тартибини белгилаш ҳуқуқи берилган бўлсада, айти пайтда лицензиялаш тартиби фаолиятнинг муайян турини амалга оширишга барча лицензия даъвогарлари учун бир хилдир.

Қонун билан, агарда ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида тадбиркорлик субъектига сўралаётган ҳужжатни бермаса ёки уни беришни рад этса, у ҳолда ушбу муддат тугаши билан, тадбиркорлик субъекти бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олмакчи бўлган ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. У бу ҳақда ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Бундай ҳолатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олингунига қадар, тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилиб олинган сана ҳақида белги қўйилган рўйхати ва тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органга йўлланган хабарнома шундай ҳаракатни бажариш ва (ёки) шундай фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади. Бу ҳолатда ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш ҳуқуқига эга эмас, балки тадбиркорлик субъектининг амалга оширилиши (содир этилиши) учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат талаб қилинадиган фаолиятни (ҳаракатни) амалга оширишни бошлаганлиги ҳақидаги хабарномасини олгандан кейин беш иш куни ичида сўралаётган ҳужжатни беришга мажбурдир³¹.

Кичик оилавий корхона ишлаб чиқариши мумкин бўлган айрим турлардаги товарларга ёки улар кўрсатиши мумкин бўлган хизматларга нисбатан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг, ундан фойдаланишнинг, транспортировка қилиниши ёки сақланишининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида талабларни белгилайди, чунки у одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин. Бундай маҳсулотлар ва хизматлар мажбурий тарзда сертификатланиши лозим. Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотларнинг турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли “Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган. Рўйхат 76 та товар гуруҳларидан иборат бўлиб, қоидага кўра улар кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмайди ва импорт қилинмайди (масалан, кимёвий маҳсулотлар ёки тиббиёт ускуналари). Шунга қарамасдан, ушбу рўйхатдаги аксарият товарларнинг гуруҳлари кичик бизнес учун долзарбдир. Мазкур Рўйхатга кирадиган маҳсулотни Ўзбекистон ҳудудида мувофиқлик сертификатини олинмасдан реализация қилинишига йўл қўйилмайди.

Маҳсулотни сертификатлашда унинг сертификатланаётган маҳсулотга оид меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш амалга оширилади. Меъёрий ҳужжатларда (стандартлар, регламентлар, техник шартлар ва бошқ.) сертификатлашда текширилиши керак бўлган хусусиятлар (кўрсаткичлар) рўйхати, назорат ва синовдан ўтказиш усуллари келтирилади. Сертификатлашда сертификатлаш органлари муайян маҳсулотга оид меъёрий ҳужжатлардан ташқари маҳсулотга бўлган бажарилиши шарт бўлган

³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси

талабларни ўрнатувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва расмий нашр қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларга ҳам амал қиладилар.

Маҳсулотнинг айрим турлари учун унинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш *декларациялаш* йўли билан амалга оширилиши мумкин. Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини унинг ишлаб чиқарувчиси, дистрибьютери, импорт қилувчиси ёки воситачиси бўлиши мумкин бўлган етказиб берувчиси декларациялайди. Етказиб берувчи маҳсулотнинг норматив ҳужжатларда белгиланган маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларация қилишда уларнинг айримларига ҳавола қилиниши лозим бўлган тавсифлари учун жавоб беради. Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялашда кўрсатилган маълумотлар ишлаб чиқарувчи томонидан олинган синовлар ва баҳолашлар натижаларига асосланган бўлиши лозим. Агарда бундай синовлар ва баҳолаш натижалари мавжуд бўлмаса ёки тушунарсиз бўлса, маҳсулот мажбурий тартибда сертификатланиши лозим. Сертификатлаштириш органи томонидан рўйхатга олинган декларация маҳсулотнинг етказиб берувчисига мувофиқлик сертификатини бериш учун асос бўлади.

Ўзбекистон ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турлари бўйича хавфсизлик ва сифат талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш ишлаб чиқарувчи томонидан *хабарнома бериш* йўли билан амалга оширилиши мумкин, маҳсулот ишлаб чиқарувчиси белгиланган шаклдаги хабарномани тўлдиради ва уни “Ўзстандарт” агентлигида аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш бўйича органга тақдим этади. Сертификатлаштириш бўйича орган хабарномани рўйхатдан ўтказишни амалга оширади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг мувофиқлиги тўғрисидаги хабарномани рўйхатга олиш сертификатлаштириш бўйича орган томонидан бепул асосда бир иш куни ичида амалга оширилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг мувофиқлиги тўғрисидаги рўйхатга олинган хабарномалар ишлаб чиқарилган маҳсулотни Ўзбекистон ҳудудида реализация қилиниши учун ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг мувофиқлиги тўғрисидаги рўйхатга олинган хабарноманинг амал қилиш муддати у рўйхатга олинган санадан бошлаб 3 йил, ушбу муддат тугагач маҳсулот ишлаб чиқарувчиси сертификатлаштириш бўйича органга янги хабарномани тақдим этади.

Хавфсизлик ва сифат бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш жорий этилмайдиган маҳсулотлар ва хизматлар турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида Низом”га, ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинадиган мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг ҳар бир турини сертификатлаштириш қоидаларига асосан *мажбурий тартибда сертификатланиши* лозим³².

Мажбурий тартибда сертификатлаштириш маҳсулотни унинг норматив ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш учун синовдан ўтказишни, ишлаб чиқаришни кўздан кечирилишини, сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назорат ва назорат қилишни ўз ичига олади. Мажбурий тартибда сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотга нисбатан ваколатли давлат органлари томонидан мувофиқлик сертификатлари мавжудлигини текшириш амалга оширилиши мумкин.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш “Ўзстандарт” агентлиги аккредитация қилган сертификатлаштириш бўйича органлар томонидан амалга оширилади. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида корхоналар вакили ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ўзлари томонларидан ишлаб чиқарилаётган (импорт қилинаётган) маҳсулотларни сертификатлаштириш учун аккредитация

³² “Ўзстандарт” Агентлиги бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари” (ЎЗР АВ 2005 йил 18 мартда 1458-сон билан рўйхатга олинган) барча сертификатланадиган маҳсулотларнинг турларига таълуқли.

қилинган сертификатлаштириш бўйича органлар ҳақида ахборот олишлари мумкин. Мувофиқлик сертификати даъвогари (корхона ёки яқка тартибдаги тадбиркор) сертификатни расмийлаштириш юзасидан мурожаат қилиши учун сертификатлаштириш бўйича органини танлаш ҳуқуқига эга.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун ариза берувчи сертификатлаштириш бўйича органга ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга хавфсизлик бўйича талабларни белгилайдиган норматив ҳужжатнинг (давлатлараро ёки давлат стандарти, техник шартлар ва бошқ) “Ўзстандарт” агентлиги томонидан расмий равишда тасдиқланган нусхаси;
- маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот ҳақидаги ахборот);
- гигиена сертификатининг нусхаси, маҳсулотнинг давлат санитария назорати органлари лабораторияларида олиб борилган синовлари баённомалари нусхалари билан биргаликда (агарда бундай маҳсулот учун талаб қилинса).

Агар ариза берувчи томонидан бир вақтнинг ўзида гигиена сертификати ва мувофиқлик сертификати олишга ариза берилган тақдирда гигиеник сертификат нусхаси, у белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан кейин тақдим этилади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш учун қуйидагилар тақдим этилади:

- ушбу турдаги маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда);
- гигиена сертификатининг нусхаси (ушбу турдаги фаолият учун талаб қилинса);
- маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот ҳақидаги ахборот);
- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисида белги қўйилган товарнинг илова ҳужжати (товар-транспорт юк хати, инвойс, ҳисоб-фактура) нусхаси.

Ариза топширилгандан кейин, сертификатлаш бўйича орган уни кўриб чиқади, тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганади, ва аризани қабул қилинган кундан бошлаб икки кундан кечиктирмай ариза берувчига тегишли бир турдаги маҳсулотни белгиланган тартибда сертификатлаштиришга асосланган сертификатлаштиришнинг барча асосий шартларидан иборат бўлган қарорини хабар қилади. Жумладан, сертификатлаштириш схемаси (уни амалга оширишдаги ҳаракатларнинг кетма-кетлиги) ва сертификатлаштириш уларга мувофиқ ўтказиладиган зарур норматив ҳужжатлар кўрсатилади, шунингдек синов ўтказадиган аккредитацияланган синов лабораторияси кўрсатилади.

Сертификатлаштириш бўйича ишларни бошлаш ҳақида қарор қабул қилинган куни сертификатлаштириш бўйича органининг мансабдор шахслари маҳсулот ишлаб чиқариладиган (сақланадиган) жойга борган ҳолда сертификациялаштириш синовлари учун намуналарни танлаб оладилар ва уларни идентификация қиладилар.

Намуналар сони, уларни танлаб олиш, идентификация қилиш ва сақлаш қоидалари маҳсулотга норматив ҳужжатларда белгиланади.

Корхона вакили ёки яқка тартибдаги тадбиркор – ариза берувчи ўзининг маҳсулотини танлаб олинишида ва синовдан ўтказилиши чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга, у шунингдек сертификатлаштириш бўйича органга Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган ва эътироф этилган лабораторияларда маҳсулотни синовдан ўтказиш бўйича қўшимча ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Агарда қўшимча ҳужжатлар аниқ кўрсаткичлар бўйича натижалардан иборат бўлса, у ҳолда сертификатлаштириш бўйича орган бундай натижалардан қўшимча синовларсиз мувофиқликни баҳолаш учун фойдаланиши мумкин.

Агарда маҳсулотни синовдан ўтказиш алоҳида параметрлар бўйича турли синов лабораторияларида олиб борилган бўлса, у ҳолда ижобий натижали синовларнинг барча зарур баённомалари мавжудлиги маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигининг ижобий баҳоси ҳисобланади. Масалан, агарда ундан қайнатилган қолбаса ишлаб чиқарилган қийманинг физик-кимёвий хоссалари бир лабораторияда синалган, пўстлогининг кимёвий таркиби эса бошқасида таҳлил қилинган бўлса, у ҳолда тегишли норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги ҳақида кўрсатилган ҳолда синовларнинг баённомалари иккала лабораториядан ҳам тақдим этилиши лозим.

Агарда етказиб берувчи сертификатлаштириш бўйича органга четдан олиб кирилаётган маҳсулотга зарур норматив ҳужжатни ёки хавфсизлиги бўйича техник тавсифларини тақдим этмаса, у ҳолда мазкур маҳсулотни сертификатлаштириш маҳсулотнинг ўхшаш турлари бўйича ёки гигиена сертификатига асосан уни (озик-овқат маҳсулоти ва озиқ-овқатга алоқаси бўлган маҳсулотга қараб) идентификациядан ўтказиш билан амалга оширилади. Мажбурий тартибда сертификатлаштирилиши лозим бўлган четдан олиб кирилаётган маҳсулотга Ўзбекистонда норматив ҳужжат мавжуд бўлмаган ҳолларда хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича сертификатлаштириш синовлари маҳсулотнинг ўхшаш турлари учун талабларга мувофиқлиги бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон серияли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни мажбурий тартибда сертификатлаштиришда сертификатлаштириш бўйича орган ариза берувчида маҳсулотни серияли ишлаб чиқариш учун норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ шароитлари мавжудлигини аниқлаш мақсадида ариза берувчининг объектларини кўздан кечиришдан ўтказилади. Кўздан кечириш натижалари бўйича мувофиқлик сертификатини бериш ҳақидаги қарорни қабул қилишда фойдаланиладиган далолатнома расмийлаштирилади.

Кўздан кечиришни ўтказиш муддати синовлар учун намуналар танлаб олинган пайтдан бошлаб ишлаб чиқариш шакли ва тоифасига қараб ўн иш кунидан ошмаслиги лозим. Кўздан кечириш ўтказилганлиги учун амалда сарфланган вақт бўйича ва харажатлар калькуляциясига биноан тўлов ундирилади.

Ариза берувчи томонидан тўғри расмийлаштирилиб топширилган тўлиқ комплектдаги ҳужжатлар, маҳсулотнинг лаборатория синовлари ижобий натижалари ва ишлаб чиқариш жойини кўздан кечириш натижалари (агарда маҳсулот Ўзбекистонда серияли ишлаб чиқарилаётган бўлса) асосида сертификатлаштириш бўйича орган мувофиқлик сертификатини беради. Мувофиқлик сертификатини роасмийлаштириш ва бериш муддати сертификатлаштириш бўйича орган томонидан синовлар натижалари қабул қилинган пайтдан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Маҳсулотни сертификатлаштиришнинг умумий муддати мазкур маҳсулотга норматив ҳужжатларда белгиланган назорат ва синовлар муддатларига ва/ёки синовлар усулларига мувофиқ бўлиши, қўшимча ҳужжатларнинг олинishi учун (гигиена сертификати, ветеринария хулосаси ва бошқ) кетадиган вақтни ҳисобга олиши, бироқ ариза топширилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаслиги лозим.

Тез бузиладиган маҳсулотни (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва озиқ-овқат саноати товарлари) сертификатлаштириш муддати ароиза топширилган кунни қўшган ҳолда уч кундан ошмаслиги лозим.

Четдан олиб кирилаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификати маҳсулотнинг яроқлилик муддати (кафолат муддати) берилди, яроқлилик муддати (кафолат муддати) мавжуд бўлмаган маҳсулотга эса – амал қилиш муддати кўрсатилмасдан, серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотга – 3 йилга берилди. Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати амал қилиши даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот сертификатлаштирилган ҳисобланади.

Расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати ЎЗР сертификатлаштириш миллий тизимининг Давлат реестрида рўйхатга олинади. Сертификат фақат рўйхат рақами мавжуд бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Сертификатлаштириш бўйича орган маҳсулотнинг лаборатория синовлари салбий натижаларига асосан ёки тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаганлиги/ишончли эмаслиги сабабли мувофиқлик сертификатини беришни рад этиши мумкин. Мувофиқлик сертификатини бериш рад этилганлиги устидан “Ўзстандарт” агентлигининг Апелляция кенгашига ёхуд бевосита судга шикоят қилиши мумкин.

“Ўзстандарт” агентлигининг Апелляция кенгаши сертификатлаштириш бўйича органларнинг қарорлари ва синов лабораториялари (марказлари) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқади. Апелляциялар Ўзбекистон сертификатлаштириш Миллий тизими тартиб-таомиллари билан белгиланган тартибга мувофиқ икки ҳафта мобайнида кўриб чиқилади. “Ўзстандарт” агентлигининг, унинг Апелляция кенгашининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят киритилиши мумкин.

Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификатини берган орган, энг камида, бир йилда бир марта сертификатлаштирилган маҳсулотни унинг сертификатлаштириш чоғида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида инспекция назоратидан ўтказиши лозим. Инспекция назорати натижаларига кўра мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тасдиқланиши ёки тўхтатилиши мумкин ёхуд мувофиқлик сертификати бекор қилиниши мумкин. Сертификатлаштириш бўйича органларнинг инспекция текширувлари хўжалик субъектлари фаолияти текширувлари учун белгиланган талабларга риоя этган ҳолда ўтказилади.

Сертификатлаштириладиган маҳсулотга норматив ҳужжатларда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик нормалар ва талаблар мавжуд бўлганда мувофиқлик сертификатини олиш учун тегишли равишда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ва экологик сертификатлар (хулосалар) расмийлаштирилади.

Кўрсатилган сертификатлар ва хулосалар, яъни:

- гигиеник сертификат – давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари томонидан;
- ветеринария хулосаси – давлат ветеринария назоратининг туман (шаҳар) органлари томонидан;
- фитосанитария хулосаси – ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари томонидан;
- экологик сертификат – Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг экологик сертификатлаштириш бўйича органлари томонидан берилади.

Ушбу сертификатларни тадбиркорлик фаолияти иштирокчисининг ўзи, шунингдек унинг ёзма аризаси бўйича у мажбурий тартибда сертификатлаштиришдан ўтказиш ва мувофиқлик сертификати олиш учун мурожаат қилган сертификатлаштириш бўйича орган ҳам олиши мумкин. Сертификатлаштириш бўйича органлар сертификатлаштиришни ўтказиш бўйича агентлик хизматларини кўрсатишга ва барча ваколатли давлат органларида зарур хулосаларни олишга ҳақлидирлар. Агентлик хизматлари тўлов асосида кўрсатилади. Бунда тадбиркорлик субъектининг аризаси ичида бўлган сертификатлаштириш бўйича органнинг илтимосига бўйича барча зарур хулосаларни олингунга қадар сертификатлаштириш бўйича ишларни бошлаш мумкин, бироқ у фақат барча ҳужжатларнинг ва лаборатория синовларининг ижобий натижалари кўрсатилган баённомалар нусхалари тақдим этилгандан кейин мувофиқлик сертификатини беришга ҳақлидир.

Гигиеник сертификатни, ветеринария ва фитосанитария хулосаларини олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида Низом”нинг II-бўлимига биноан тартибга солинади. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган, унинг ҳудудида четдан олиб кириладиган ва унинг ҳудудидан олиб чиқариладиган маҳсулотга экологик сертификат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 апрелдаги 151-сонли “Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва уларни унинг ҳудудидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экологик сертификациядан ўтказиш ва экологик хавфли маҳсулотлар ҳамда чиқиндиларни унинг ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқишни бошқариш тартиби”га мувофиқ берилади.

Агарда стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатлар талаблари бўйича маҳсулотга гигиеник ёки экологик сертификат олинishi талаб этилса ва хўжалик фаолияти иштирокчиси мустақил равишда ҳаракат қилишга қарор қилган бўлса, у ҳолда қуйидаги чораларни кўради.

Давлат санитария назоратининг ҳудудий органларига гигиеник сертификатни олиш учун мурожаат қилади. Аризага ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси (Давлатлараро стандарт – ГОСТ, Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти - O’zDSt, Техник шартлар - TSh; ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулоти учун – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган технологик йўриқнома ва рецептура) илова қилинади.

Ўзбекистонга импорт қилинаётган маҳсулотга сертификат олиш учун ариза билан биргаликда қуйидагиларнинг нусхалари тақдим қилинади:

- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисида белги қўйилган товарнинг илова ҳужжати (товар-транспорт юк хати, инвойс, ҳисоб-фактура) нусхаси.
- ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг келиб чиқиш сертификати.

Тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан кейин давлат санитария назорати органининг мансабдор шахслари лаборатория синовларини ўтказиш ва ишлаб чиқариш объектларини, хомашё ва маҳсулотларни сақлаш шароитларини кўздан кечириш учун жойига чиқиб маҳсулотнинг намуналарини танлашни амалга оширадilar. Гигиеник кўрсаткичларни аниқлаш учун намуналар синовлари давлат санитария назорати ҳудудий органларнинг аккредитация қилинган лабораториялари томонидан ўтказилади.

Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари учун гигиеник сертификат олиш шarti ветеринария ёки фитосанитария хулосасининг мавжудлигидир. Бундан ҳолатда давлат санитария назоратининг ҳудудий органи ариза берувчидан ҳужжатларни олган кундан кейинги кундан кечиктирмай ветеринария ёки фитосанитария хулосасини бериш бўйича ваколатли органларга мурожаат қилади.

Корхона раҳбари ёки тадбиркор учун ветеринария ёки фитосанитария хулосасини тайёрлаш ва бериш муддати уч иш кунидан ошмаслигини эътиборга олиши муҳимдир, бироқ давлат ветеринария назорати органи белгиланган тартибда 20 кунгача бўлган муддатга изоляциялаш-чеклаш тадбирларини (карантинни) тайинлашга ҳақлидирлар. Бунда ветеринария хулосасини бериш тартиб-таомили карантин муддати якунлагунга қадар тўхтатилади. Шунинг учун ветеринария хулосасини олишнинг ҳақиқий вақти 23-24 кунни ташкил этиши мумкин.

Давлат санитария назорати ҳудудий органлари томонидан гигиена сертификатини бериш бўйича ишларни ўтказиш харажатларини қоплаш учун ариза берувчидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланадиган тарифлар бўйича, бироқ ўз фаолиятини шаҳарда олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари учун ЭКИХнинг уч баробаридан, қишлоқ жойида олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари учун ЭКИХнинг бир баробаридан олмаган миқдордаги тўлов ундирилади.

Гигиена сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати ветеринария ва фитосанитария хулосалари олинишини инобатга олган ҳолда синовларнинг тегишли усуллари учун норматив ҳужжатларда назарда тутилган муддатларга қараб белгиланади. У аризани давлат санитария назорати органига топшириш чоғида аниқланиши лозим.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга гигиена сертификатининг амал қилиш муддати – 3 йил. Четдан олиб кирилаётган маҳсулотга сертификат маҳсулотнинг ярқилик муддатига берилади, ярқилик муддати бўлмаган маҳсулотга эса сертификат – амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда берилади. Бироқ унинг амал қилиши фақат Ўзбекистон божхона чегарасини кесиб ўтган ўша товарлар партияси билан чекланади. Четдан янги партия олиб кирилганда яна сертификатни расмийлаштиришга тўғри келади.

Гигиена сертификатини беришни рад этиш учун иккита асос мавжуд: маҳсулотнинг лаборатория синовлари салбий натижалари ва ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган комплектда тақдим қилиш. Давлат санитария назоратининг ҳудудий органи сертификат беришни рад этиш ҳақидаги қарорни ёзма равишда бу қарорни қабул қилишга асос бўлган қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига хабар беради. Гигиена сертификатини ёхуд фитосанитария ва ветеринария хулосаларини беришни рад этиш устидан ариза берувчи томонидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Гигиена сертификатини расмийлаштириш етарлича узоқ вақт кетишини инобатга олиб, тадбиркорлик субъекти, агар зарурат бўлса, уни расмийлаштириш бўйича аризани топшириш билан бир вақтнинг ўзида экологик сертификатни (хулосани) расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг экологик сертификатлаштириш бўйича органларига ёки унинг ҳудудий бўлинмаларига ариза топшириши лозим.

Агарда импорт қилинаётган маҳсулотга товар илова ҳужжатлари қаторида Ўзбекистон экологик сертификатлаштириш органлари томонидан тан олинадиган экологик талабларга мувофиқлик юзасидан хориж сертификати мавжуд бўлса, у ҳолда унинг қўшимча равишда сертификатлаштирилиши ўтказилмайди. Экологик талабларга мувофиқлиги мажбурий тартибда назорат қилинадиган четдан олиб кирилаётган маҳсулотнинг сертификатлаштирилиши ҳақидаги ахборот мавжуд бўлмаганда, уни экологик сертификатлаштириш белгиланган тартибда ўтказилади.

Табиатни муҳофаза қилиш органлари Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг намуналарини танлашни амалга оширадилар, ва унинг норматив ҳужжатларда белгиланган экологик талабларга мувофиқлигини аккредитациядан ўтказилган лабораторияларда синовлардан ўтказадилар. Четдан олиб кирилаётган ёки олиб чиқарилаётган маҳсулотни синовлардан ўтказиш учун юборувчи ёки қабул қилувчи божхона омборхонасида сақлашда турган товарнинг намуналарини олиш ҳуқуқига эгалар. Намуналар норматив ҳужжатларга мувофиқ синовларни ўтказиш учун зарур бўлган миқдорда олинади. Намуналарни олиб қўйиш божхона органларининг назорат остида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган маҳсулотнинг синовлари натижалари ижобий бўлганда ариза берувчига экологик сертификат берилади. Бу ҳужжат мажбурий тартибда сертификатлаштириладиган маҳсулотни Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ичкарасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотга экологик сертификат берилмайди. Экологик хулосалар ва синовлар натижалари баённомалари ариза берувчи томонидан у мувофиқлик сертификатини олиш учун мурожаат қилган маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича органга топширилади. Экологик сертификатлаштириш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи мувофиқлик сертификати Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Экологик сертификатни (хулосани) бериш муддати 15 кундан ошмаслиги лозим. Уни берилганлиги учун ЭКИХнинг бир баробаридан ошмайдиган миқдорда тўлов ундирилади.

Лаборатория синовлари ўтказилганлиги учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгиланган ва Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича ундирилади.

Мажбурий тартибда сертификатлаштириладиган товарга нисбатан истеъмолчига унинг сертификатлаштирилганлиги ҳақидаги ахборот тақдим этилиши лозим. Бундай ахборотнинг бўлмаслиги бундай товарни (ишни, хизматни) реализация қилинишини Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига мувофиқ товарлар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаси бўйича уни тақдим қилингунга қадар тўхтатилишига сабаб бўлади.

“Ўзстандарт” агентлиги товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) мажбурий тартибда сертификатлаштирилиши қоидаларини бузганлик учун, монополияга қарши органлар эса истеъмолчиларга товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақида ахборотни тақдим қилинмаганлиги ёхуд олдиндан маълум бўлган ишониб бўлмайдиган маълумотлар тақдим этилганлиги учун жарима ундириш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

2.4. Имтиёзли кредитлаш ва кичик бизнес учун лизинг

Қўшимча пул маблағларига бўлган эҳтиёж кўпгина эндигина иш бошлаётган тадбиркорларда ўз фаолиятларини бошлашларидан олдиноқ вужудга келади. Хаттоки энг кичик бизнесни бошлаш учун ҳам пул керак бўлади. Агар тадбиркор майдо савдо билан шуғулланмоқчи бўлса, пуллар товарларни улгуржи сотувчилардан ва савдо ўрни жиҳозларини сотиб олиш учун керак бўлади. Назарда тутилаётган бизнес қанчалик мураккаб ва йирик бўлса, у очилишидан ва қандайдир даромадлар келтиришидан аввал шунчалик кўп харажатлар қилишга тўғри келади. Ушбу дастлабки зарур бўлган сумма *бошланғич капитал* деб аталади. У тармоқ, минтақа, бизнесни шаҳар ёки қишлоқ жойида ташкил этиш назарда тутилаётганлигига боғлиқ равишда турлича бўлади.

Тижорат банклари кичик тадбиркорлик субъектларига кенг кўламдаги кредит маҳсулотларини таклиф қиладилар. Кредитлар одатда 5 йилгача бўлган муддатга бериладиган *асосий капитални шакллантириш* учун (инвестицион) кредитлар ва 1 йилгача бўлган муддатга бериладиган *айланма капитални тўлдириш* учун бериладиган кредитларга бўлинади. Чакана савдони ташкиллаштириш учун бериладиган кредитлар муддати уч ойдан ошмаслиги керак. Кредитни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати кредит олиш мақсади ва банкка боғлиқ бўлади. Инвестицион мақсадларда (жиҳозлар сотиб олиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта таъмирлаш, қурилиш учун) кредит олиш учун ариза беришда талаб қилинадиган ҳужжатлар сони айланма капитални тўлдириш учун кредит олишда тақдим этиладиган ҳужжатлар сонига қараганда кўпроқдир. Банк қандай ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишини кредит аризасини тайёрлаш давомида банк муассасасида аниқлаштириш лозим.

Уни тақдим этишдан бошлаб кредит ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисида қарор чиқаришгача бўлган кредит аризасини кўриб чиқиш муддати 30 кундан ошмаслиги керак. Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмлардаги кредитлар олиш (аллақачон тузилган шартнома бўйича кредит қисмини бериш) учун берган аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк кунидан кўп бўлмаслиги керак³³.

Кредит олиш учун ариза корхона ёки яқка тартибдаги тадбиркор томонидан банкнинг (филиалнинг) хизмат кўрсатувчи бўлимига берилади ва филиал кредит қўмитаси ва кредит сиёсати ва ушбу кредит тури шартларида кўзда тутилган ҳолларда бош банк кредит қўмитаси

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 28 августдаги ПФ-4354-сонли фармони.

томонидан кўриб чиқилади. Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кредитлар ажратишда ариза яна тегишли бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ваколатли органлари томонидан ҳам кўриб чиқилади. Кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида кредит беришни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкдан эмас, балки бошқа банкдан кредит олишга ҳаракат қилиш ҳам мумкин. У ҳолда банкнинг ушбу муассасасига 2-сонли картотекадаги муддати ўтказиб юборилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва асосий депозит ҳисобварақ бўйича сўнгги вақтлардаги оборотлар тўғрисидаги маълумотлар хизмат кўрсатувчи банк муҳри ва ушбу банк раҳбариятининг имзолари қўйилган ҳолда тақдим этилиши керак. Бундан ташқари фирма ёки якка тартибдаги тадбиркор кредит оладиган банкда ссуда ҳисобварағи очилиши керак, шунинг учун банкка ҳисобварақ очиш учун керакли ҳужжатлар жилдини топшириш лозим.

Корхона ёки якка тартибдаги тадбиркор ривожланиши учун давлат махсус рағбатлантирувчи имкониятлар яратадиган, жумладан ривожлантириш дастурларини қабул қиладиган иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритадиган ҳолларда кредит олиш осонроқдир. Бундай тармоқлар ва соҳаларга қуйидагилар қиради:

- қишлоқ хўжалик хом-ашёларини (гўшт, сут, мева ва савбазот маҳсулотлари) қайта ишлаш ва озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва қўллаш;
- қурилиш ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш (тикувчилик, тери ва оёқ кийимларини ишлаб чиқариш, мебелчилик тармоқлари);
- маҳаллий хом-ашёлардан доривор препаратларни ишлаб чиқариш;
- хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса қишлоқ жойларида;
- туризм ва меҳмонхона хўжалиги;
- халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъати, хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- хорижда сотиш иштиқболларига эга бўлган ҳолларда исталган экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш қуйидаги учта асосий манбалар ҳисобидан амалга оширилади: халқаро молиявий ташкилотлар кредит линиялари, тижорат банклари томонидан яратилган имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари *хорижий ва халқаро молиявий ташкилотлардан* олинган маблағлар ҳисобидан кичик тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун кредитлар ажратадилар. Бундай кредит линияларини Халқаро молиявий корпорация (ХМК), Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Корея Республикасининг Эксимбанки, ОПЕК Жамғармаси, Япония-Европа ҳамдўстлиги жамғармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ажратганлар. Бундай дастурлар бўйича ажратиладиган кредитлар бир қанча афзалликларга эга: кредитни расмийлаштириш анчагина тез, қарздордан талаб қилинадиган ҳужжатлар сони анчагина оз ва энг муҳими кредитни чет эл валютасида олиш имконияти, бу хориждан жиҳозлар хариди учун тўловни амалга ошириш ва бошқа керакли товарларни етказиб беришга имкон беради. Банк пул маблағларини бевосита жиҳозлар ва бошқа товарлар етказиб берувчисининг (ишлаб чиқарувчининг) ҳисобварағига ўтказилади. Чет эл кредит линиялари бўйича 2-3 йил муддатга 10-20 минг доллар доирасидаги маблағларни олиш мумкин. Бироқ бу маблағлар анчагина қиммат, чунки кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган кредитлар микрокредитлар сифатида қаралади ва уларни ташкиллашишни амалга

оширувчилар ўз зиммаларига орттирилган таваккалчиликни оладилар, деб ҳисобланади. Хорижий (халқаро) молиявий ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаси чет эл валютасида йилига 18-21% гача, миллий валютада 34-36% гача етиши мумкин. Бундан ташқари ажратиладиган сумманинг 1.5-2% ни қарздорга хизмат кўрсатганлик учун банк воситачилик ҳақи ташкил қилади. Яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, халқаро молиявий ташкилотлар қарздорлардан лойиҳада унинг қийматининг 25% гача бўлган миқдорда ўз маблағлари билан иштирок этишлари мумкин, яъни кредит харид қилинадиган жиҳоз қийматининг, масалан, фақат 75% ни қоплайди, қолган 25% ни эса қарздор ўз маблағлари ҳисобидан тўлаши керак бўлади.

Кредит бўйича таъминот сифатида мулк – кўчмас мулк, автотранспорт, бошқа ликвидли моддий активлар гарови қабул қилинади.

Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар кичик тадбиркорлик субъектларига маҳсулотлар ишлаб чиқариш (тамакичилик ва спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан ташқари), ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш (савдо ва умумий овқатланиш соҳаларидан ташқари) билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятини ташкиллаштириш, ривожлантириш ва кенгайтириш учун берилади. Жамғарма ҳар бир банк томонидан ўз фойдасидан ўтказмалар ҳисобига мустақил тарзда ярилганлиги учун кредитларнинг тармоқлар бўйича йўналтирилганлиги банк ихтисослигига боғлиқ бўлади: айрим банклар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва жиҳозлар харид қилишга, бошқалари эса – кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ёки хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини кредитлашга асосий эътибор қаратадилар. Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар суммаси, муддати ва фоиз ставкаси қонунчилик билан тартибга солинади:

- суммаси – энг кам иш ҳақининг 2000 баробаридан ошмайди;
- фоиз ставкалари Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50% дан ошмаслиги керак. Бироқ банклар қарздорга хизмат кўрсатганлик учун воситачилик ҳақлари ва бошқа тўловларни ўрнатадилар, шунинг учун кредит бўйича ҳақиқий тўлов ҳажмини кредит шартномаси тузилгунича банкда аниқлаштириш керак;
- кредитни бериш муддатлари кредитлаштирилаётган тадбирнинг қопланишига боғлиқ бўлади, жумладан:

- кичик тадбиркорлик субъектлари айланма маблағларини тўлдириш, хом-ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқа ишлаб чиқариш заҳираларини харид қилиш учун – бир йилгача;

- кичик тадбиркорлик субъектлари инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга – 5 йилгача.

Кредитнинг ушбу тури бўйича таъминот сифатида мулк гарови (кўчмас мулк, автотранспорт, жиҳозлар) ёки қимматли қоғозлар, банклар ёки суғурта ташкилотларининг кафолати, учинчи шахсларнинг кафиллиги, қарздор томонидан олинган кредитни сўндирмаслик хавфини суғурталаш тўғрисидаги суғурта полиси қабул қилинади.

Бизнесни ташкиллаштириш (очиш) учун бериладиган кредитларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Қонунчилик кичик тадбиркорлик субъектларига дастлабки (бошланғич) капитални шакллантириш учун кредитларни жалб қилиш ҳуқуқини беради. Бизнесни ташқи молиялаштиришнинг энг кенг тарқалган усули бўлиб тижорат банкларининг кредитлари ҳисобланади. Уларнинг айримларида кичик бизнесни очиш учун махсус кредит линиялари кўзда тутилган. Масалан, “Микрокредитбанк” бошланғич капитални шакллантириш учун 18 ойгача бўлган муддатга юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача бўлган ҳажмда ва юридик шахсларга энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача бўлган ҳажмда кредит беради. Шунга ўхшаш дастур Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, “Orientfinans” ХЕАТБ ва бошқа айрим тижорат банкларида ҳам мавжуд. Суммаси, муддатлари ва фоиз ставкалари турличадир. Бундай кредитлар учун умумий

хусусият бўлиб уларнинг янги ташкил қилинган тадбиркорлик субъектларига (микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, айрим ҳолларда яқка тартибдаги тадбиркорларга ҳам) улар давлат рўйхатидан ўтганларидан бошлаб олти ойдан кўп бўлмаган муддатга берилиши ҳисобланади. Тадбиркор яна ҳар бир банкдаги бошланғич капитални шакллантириш учун кредит бериш шартлари ва тартиби: талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати, аризаларни кўриб чиқиш муддатлари, қабул қилинадиган таъминот туларини (гаров, кафолат, кафиллик, суғурта полиси) ҳам ўрганиб чиқиши керак.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, масалан, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва ижтимоий ҳимоя Вазирлиги қошидаги бандликка кўмаклашиш Жамғармаси кичик бизнес субъектларини мақсадли имтиёзли кредитлаш учун тижорат банкларига кредит линиялари ажратадилар. “Микрокредитбанк” ОАТБ нинг айрим микрокредитлари ҳам бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияларига ўхшашдир. Кичик тадбиркорлик субъектлари бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратилган маблағларни тижорат банкларининг кредитлари (микрокредитлари) кўринишида оладилар.

Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш Жамғармаси маблағлари ҳисобидан микрокредитлар тақдим этилади. Микрокредитларни ажратишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларига, жумладан қуйидаги оилаларга имтиёз берилади:

- кам таъминланган деб топилган;
- ўз таркибида ногиронлар ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хасталикларга чалинган шахслар бўлган;
- ишламайдиган икки ёки учта меҳнатга яроқли аъзоси бўлган;
- боқувчисини йўқотган;
- қонунчиликка мувофиқ ёш оилаларга тегишли бўлган³⁴.

Юқорида кўрсатилган оилалар юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига (маҳалла кўмитасига) мурожаат қиладилар. Маҳалла кўмитаси мурожаатни кўриб чиқиб, микрокредитни олиш учун тижорат банкка тақдим этиладиган маълумотнома беради.

Кейин оилавий тадбиркорлик субъекти (давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома номига расмийлаштирилган) раҳбари микрокредит олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка мурожаат қилиши керак. Банкка мурожаат қилишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- кредит олиш учун ариза;
- башорат қилинаётган пул оқимлари албатта кўрсатиладиган бизнес-режа;
- кредитни қайтаришни таъминлашга доир ҳужжатлар;
- микрокредитни олиш учун маҳалла кўмитасидан бериладиган маълумотнома.

Таъминот сифатида банк одатда автомобил ёки заргарлик буюмлари каби (тоз сотиш мумкин бўлган) ликвидли гаров мулкани талаб қилади. Бошқа шахсларнинг кафиллигидан фойдаланиш мумкин. Қонунчиликка кўра бундай микрокредитлар бўйича кафиллар сифатида маҳалла кўмиталари бўлишлари мумкин³⁵. Яна оила тўлов қобилиятига эга бўлган жисмоний шахслар (қариндошлар, танишлар) ёки бизнес тузилмалар – корхоналар орасидан ҳам кафиллар топиши мумкин.

³⁴ Ёш оила - ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар киради.

³⁵ ЎЗР 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ 328-сонли “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонунининг 16-моддаси.

Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик субъектлари учун кредит хажми энг кам иш ҳақининг 150 баробаридан кўп бўлмаган ҳажмда ўрнатилган. Кредит олти ойлик имтиёзли давр билан икки йил муддатга берилади. Бу дастлабки олти ой давомида қарздор банкка фақат фоизларни тўлашини, асосий қарзни тўлаш эса фақат еттинчи ойдан, яъни имтиёзли давр ниҳоясига етгандан сўнг бошланишини билдиради. Микрокредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси Марказий банк қайта молиятлаштириш ставкасининг ¼ қисмини ташкил қилади³⁶. Банкка тўланадиган қарздорга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларнинг ҳажмларини банк муассасасида оидинлаштириб олиш керак.

Ёш оилалар оилавий корхона (юридик шахс мақомига эга бўлган ҳолда) ёки юридик шахснинг тадбиркорлик субъекти бўлган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклида (микрофирма ёки кичик корхона) оилавий тадбиркорликни ташкиллаштириш учун *тижорат банкларининг хусусий маблағлари* ҳисобига имтиёзли микрокредит олишлари мумкин. Микрокредит оилавий тадбиркорликни ташкиллаштириш учун ҳам, уни кенгайтириш ва ривожлантириш учун берилиши мумкин. Ушбу микрокредит энг кам иш ҳақининг 1000 баробаридан кўп бўлмаган ҳажмда берилади. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси Марказий банк қайта молиятлаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаслиги керак³⁷. Микрокредит бир йилдан уч йилгача муддатга берилади. Оилавий фирма банкка тақдим этиши керак бўлган ҳужжатларнинг энг кам рўйхати куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Кредит олишдан мақсад ва кредит суммаси кўрсатиладиган кредит олиш учун ариза;
2. Башорат қилинаётган пул оқимлари албатта кўрсатиладиган бизнес-режа;
3. Ўрнатилган тартибда давлат солиқ органлари томонидан тасдиқланган сўнгги ҳисобот санасидаги молиявий ҳисобот;
4. Кредитни қайтаришни таъминлашга доир ҳужжатлар.

Кредитни олишда кўпинча қўлланиладиган мулккий гаров ва бошқа шахсларнинг кафиликларидан ташқари кредитни қайтариш таъминоти сифатида банк кафолатлари ёки суғурта компанияларининг кафолатлари ҳамда кредитнинг қайтарилмаслиги хавфини суғурталаш тўғрисидаги суғурта полислари бўлиши ҳам мумкин. Юридик шахслар учун кафолатларнинг ушбу турларини олиш юридик шахс ташкил этмасдан оилави тадбиркорлик субъектларига қараганда осонроқдир.

Микрокредитлардан фойдаланиш қарздорлар учун анъанавий банк кредитларини олишга нисбатан анчагина осонроқдир. Бу нафақат талаб қилинадиган ҳужжатлар сонининг озлигида, балки аризаларнинг кўриб чиқиш муддатларининг камлиги, кредитни тақдим этишнинг қулай шаклида ҳам ифодаланади. Микрокредитлар айрим ҳолларда қарздорлар гуруҳининг биргаликдаги жавобгарликлари асосида гаров таъминотисиз ҳам тақдим этилиши мумкин. Бироқ кредитлашнинг энг яхши шартлари учун оддий банк кредитларига нисбатан юқорироқ фоиз ставкасини тўлашга тўғри келади. Бунда микрокредитлар суммаси оддий кредитларга нисбатан озроқдир (200 минг сўмдан энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача). Бундай кредитлар берилладиган муддатлар ҳам одатда бир ҳафтадан уч ойгача бўлади.

Микрокредитлар банк муассасалари томонидан ҳам, микрокредит ташкилотлари (МТ) каби банкдан ташқари молиявий ташкилотлар томонидан ҳам тақдим этилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фойдаланишлари мумкин бўлган узоқ муддатли кредит олишнинг муқобили бўлиб лизинг ҳисобланади. *Лизинг* - бир тараф (лизинг берувчи – банк ёки лизинг компанияси) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг – мулкларни харид қилишга муҳтож бўлган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор) топшириғига биноан учинчи

³⁶ “Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом”нинг 32-34 бандлари (ЎзР АВ томонидан 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан рўйхатга олинган).

³⁷ Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомининг 3-банди (ЎзР АВ томонидан 2007 йил 18 июлда 1697-сон билан рўйхатга олинган).

тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олишни ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беришни назарда тутадиган ижара муносабатларининг алоҳида тури. Лизинг объектлари сифатида қуйидагилар бўлиши мумкин: кўчмас мулк, автотранспорт, иктисодиётнинг турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш жиҳозлари, савдо жиҳози, махсус техника (автоюклагичлар, экскаваторлар, кранлар ва бошқалар), офис жиҳозлари (компьютерлар, оргтехника), офис мебеллари ва хизмат қилиш муддати 12 ойдан ортиқ бўлган бошқа мулклар. Бироқ мулкларнинг барча турлари ичида лизингдан ишлаб чиқариш жиҳозлари харид қилиш учун энг кўп фойдаланилади. Жиҳозлар лизинг – ҳозирги вақтда тадбиркорлик субъектлари орасида корхона асосий воситалари фаол қисмини янгилаш ва кучайтиришнинг анчагина кенг тарқалган учули. У жиҳозлар харид қилишнинг бошқа усуллари (етказиб берилиши бўйича тўлаш, тўлов муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, банк кредитлари ва бошқалар) нисбатан маълум афзалликларга эга.

Жиҳозлар лизинги лизинг олувчи корхонага бир марталик йирик харажатларсиз ва қарз маблағларини жалб қилмасдан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва жиҳозларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш имкониятини беради.

Жиҳозларни лизингга харид қилиш лизинг олувчи учун молиявий маблағларни тақсимлашнинг фойдали шакли ҳисобланади, чунки у солиқ ўтказмаларини оптималлаштириш йўли билан солиқ солиш базасини анчагина камайтиришга имкон беради. Бутун лизинг муддати давомида корхона сотиб олинган жиҳоз бўйича мулк солиғидан озод қилинади. Юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича солиқ солиш базаси ҳажми лизинг бўйича тўланаётган фоизлар суммасига камаяди.

Лизингга харид қилинган жиҳоз уни хориждан харид қилишга қараганда арзонга тушади, чунки лизинг мақсадлари учун олиб кириладиган жиҳоз ҚҚС тўлашдан озод қилинади.

Лизингга олинган жиҳоз бошқа бир хил ҳолатларда барча лизинг тўловларини мустақил қоплаши ва фойдаланишнинг бошланғич даврларидаёқ корхонага фойда келтириши мумкин.

Янги лизинг жиҳозининг қоплаш муддати тезлаштирилган амортизация коэффицентини ҳисобга олган ҳолда унинг фойдали фойдаланиш муддатига нисбатан анчагина камдир.

Лизинг бозорида анчадан бери ишлайдиган компаниялар турли жиҳозлар ва техникаларнинг кўпгина етказиб берувчилари билан яхши танишдирлар ва шунинг учун ҳам улар миқдорларга уларга зарур бўлган лизинг объектини (оптимал нархлар, омборда мавжудлиги, келиб тушиш муддатлари, техник хусусиятлари ва бошқалар) танлашда маслаҳатлар беришлари мумкин.

Лизинг тўловларини тўлашни таъминлаш шартлари ва лизинг битимини расмийлаштириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар қарздор томонидан жиҳозлар сотиб олишга кредит олиш учун банкка тақдим этиладиганларидан фарқ қилмайди. Эҳтимолий лизинг олувчиларни таҳлил қилиш услуби ҳам қарздорларники билан ўхшашдир. Айрим лизинг компаниялари ариза берувчилардан аввалдан бизнес-режа тузишни талаб қилмайдилар, бироқ улар бизнес ва лойиҳани батафсил баён қилган ҳолда уларнинг хизматларидан фойдаланиш бўйича дастлабки сўровнома-аризани тўлдиришни сўрайдилар. Агар бундай сўровномада баён қилинган маълумотлар лизинг берувчини қаноатлантирмаса, у хизмат кўрсатишни рад қилади. Лизинг компанияларининг кўп учрайдиган талабларидан яна бири – лизингга мулк олинаётган соҳада бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси.

Асосий воситаларни харид қилишни молиялаштириш шакли сифатида лизингнинг ўз камчиликлари ҳам мавжуд. Лизинг олувчи ҳажми лизинг тўловлари суммасидан бошлаб жиҳоз қийматининг 30% гача бўлиши мумкин бўлган дастлабки бадални киритиши керак. Лизинг муддатлари одатда 5 йилгача, микролизинг хизматлари бўйича эса – 2 йилгача муддатга бериладиган банк инвестицион кредитлари муддатларидан кўп бўлмайди. Бундай кўп бўлмаган муддатларда қиммат жиҳозларни харид қилиш фойдали эмас, чунки лизинг тўловлари корхона харажатларини анчагина кўпайтиради, бу айниқса унча катта бўлмаган айланма маблағларга эга бўлган кичик корхоналарга тегишлидир. Лизинг тўловлари таркибига

нафақат жиҳоз қиймати ва лизинг олувчининг фоизи, балки банк ёки лизинг компанияси сарфлайдиган, кейин эса лизинг объекти қийматига киритадиган бошқа айрим харажатлар, масалан, харид қилинаётган жиҳозни суғурталаш ва божхонада расмийлаштириш бўйича харажатлар ҳам киради. Акс ҳолда ушбу жиҳозни харид қиладиган корхонанинг ўзи мустақил тарзда ушбу харажатларни тўлаши керак.

Кўпгина компаниялар ва банкларда хизматлар баҳоси АҚШ долларидан номиналлаштирилади, тўлов эса Марказий банк курси ёки биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича амалга оширилади.

Унчалик қиммат бўлмаган жиҳозни харид қилиш керак бўлган корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар микролизинг хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Бу янги эмас, балки фойдаланишда бўлган жиҳоз бўлиши мумкин. Бу ҳолда молиялаштиришнинг энг кўп ҳажми энг кам иш ҳақининг 2000 баробарини, лизинг шартномаси тузиладиган энг узоқ муддат эса – 2 йилни ташкил қиладди. Лизинг компанияларида ушбу хизматлар микролизинг хизматларини кўрсатувчи микромолиявий ташкилотлардаги сингари анчагина қиммат – йилига 20-24%. Кичик тадбиркорлик субъектлар учун имтиёзли дастур бўйича энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача ҳажмдаги микролизинг хизматлари уч йилгача бўлган муддатга йилига 5 фоизли фоиз ставкаси асосида кўрсатилади.

Лизинг олувчилар – микролизинг дастури иштирокчилари микролизинг объеклари қийматини (энг кам иш ҳақининг 2000 баробаридан ортиқ бўлмаган суммада) муддатидан аввал тўлаш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда лизинг берувчининг фоиз даромади унинг даромадларидан ҳақиқатда фойдаланилган вақт учун тўланади.

Банклар томонидан молиявий лизинг бўйича хизматлар имтиёзли асосда кичик тадбиркорлик субъектларига ЎЗР МБ қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган ставкада 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга кўрсатилади. Бу ҳолда лизинг объектининг қиймати банк билан лизинг олувчи – кичик бизнес субъекти ўртасида тузилган лизинг шартномаси билан белгиланади. Бунда дастлабки бадаллар ва йўлдош харажатлар ва тўловлар *лизинг олувчилар томонидан имтиёзли лизинг дастурлари бўйича тўланиши керак.*

2.5. Кичик бизнес субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятларини рағбатлантириш

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни эркин конвертациядаги валютага экспорт қилувчи тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун кенг кўламдаги имтиёзлар ва преференциялар кўзда тутилган. *Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот* деганда ишлаб чиқариш технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ёки жалб қилинган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб корхона томонидан ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган товарлар (жумладан ярим тайёр маҳсулотлар) тушинилади³⁸. Масалан, корхона томат пастасини бочкаларда сотиб олса, уни пластик сиғимларга қадоқласа ва унга ўз белгисини туширган ҳолда экспортга жўнатса, ушбу корхона учун томат пастаси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот сифатида қаралмайди. У амалга оширган операциялар “сотишга тайёрлаш” ва “қайта қадоқлаш” сифатида қаралади. Томат пастасидан кетчуп ишлаб чиқариш учун ҳам-ашё сифатида фойдаланиш эса бошқа масала. Агар корхона томат пастасидан ишлаб чиқарилган кетчупни экспорт қилса, у ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобланади.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга киритишни тасдиқлаш учун тайёрловчи корхона давлат солиқ органлари ва бошқа ваколатли органларга ўрнатилган шакл бўйича ариза-маълумотномани тақдим этади.

³⁸ Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш Қоидаларининг 5-банди (ЎЗР АВ томонидан 2011 йил 16 февралда 2195-сон билан рўйхатга олинган).

Ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибда эса – ягона солиқ тўлови ставкалари учун *солиқ ставкаларининг регрессив шкаласи* амал қилади. Тегишли солиқ ставкалари ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишлар, хизматларни) эркин конвертациядаги валютага экспорт қилишнинг умумий сотув ҳажмидаги улушига боғлиқ равишда пасайтирилади, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябридаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган хом-ашё товарлари бундан мустасно. Экспорт улуши:

- сотув умумий ҳажмининг 15 фоизидан 30 фоизигача бўлганда – ўрнатилган ставкалари 30 фоизгача пасайтирилади;
- сотув умумий ҳажмининг 30 ва ундан кўпроқ фоизини ташкил қилганда - ўрнатилган ставкалари 50 фоизгача пасайтирилади. Агар чет эллик мижоз уларни ЭКВ да тўласа, уларни қаерда бажарилганлиги/кўрсатилганлигидан қатъий назар ишлар/хизматлар экспорга сотилган деб тан олинади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт қилишдан олинадиган *валюта тушумларининг 50 фоизини мажбурий сотишдан* озод қилинадилар.

Тадбиркорлик субъектлари 2012 йилнинг 1 апрелидан бошлаб янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун валютада олинган кредитларни бўйича асосий қарзни сўндиришнинг жорий тўловларига йўналтириладиган валюта тушуми қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотишдан кредит тўла сўндирилгунича бўлган даврга озод қилинадилар.

Тадбиркорлик, жумладан кичик тадбиркорлик субъектлари мамлакат ичида *ўз маҳсулотларини (ишлар, хизматларини) чет валютасига* хорижий ҳамкорларга (Ўзбекистон Республикаси норезидентларига) *сотиш* имкониятига эга бўлдилар. Биринчидан, улар буни халқаро молиявий ташкилотлар, донор-мамлакатлар, хорижий мамлакатларнинг ҳукуматлари, бошқа норезидентлар томонидан Ўзбекистонда амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида ўтказиладиган тендерларда ғолиб чиққан ҳолларда қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиши кўзда тутилган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни (ишлар, хизматларни) етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар шартларида норезидентлар билан чет эл валютасидаги контрактларни тузишда. Ҳар иккала ҳолда ҳам тузилган шартномалар фақат хизмат кўрсатувчи ваколатли банкда ҳисобга кўйиш ва экспортёр-корхоналар учун солиқ имтиёзларини бериш билан экспорт контрактларига тенглаштирилади³⁹.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун технологик жиҳозларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари ҳам имтиёзлардан фойдаланадилар. Хўжалик юритувчи субъектлар ваколатли Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган давлат органлари томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича белгиланган технологик жиҳозларга эҳтиёт қисмлар ва бутловчилар учун 2016 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинадилар.⁴⁰

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабридаги ПҚ-1672-сонли “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сонли қарори.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (ЎзР Адлия вазирлигида 2008 йил 3 майда 1802-сон билан рўйхатга олинган).

афзалликлар бериш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) беш йил муддатга озод этилди.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган гўшт ва сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда фойдаланиладиган технологик жиҳозлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, инградиентлар, сарфланадиган материалларни импорт қилишда гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар 2014 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли Қарорига мувофиқ банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар 2014 йилнинг 1 январигача банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминаллари ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган хом ашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва лицензиялар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббий жиҳозлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва тиббиёт ускуналарининг сарфланадиган материаллари 2018 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади⁴¹.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширувчи корхоналар олиб кириладиган технологик жиҳозлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган материаллар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январидаги ПҚ-1050-сонли “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 2014 йил 1 январгача бўлган даврда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга қуйидаги кўринишдаги божхона преференцияларига эга бўладилар:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқланган рўйхатига киритилмаган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 60 кунгача бўлган муддатга узайтириш.

Материаллар ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган жиҳозлар, хом-ашё ва моддий ресурсларга божхона

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олиб келишда божхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган тиббиёт ускуналарининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2008 йил 8 майдаги 94-сонли қарори.

тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 90 кунгача бўлган муддатга узайтириш имтиёзи берилади.

Божхона тўловларини тўлашни муддатини *узайтириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш* имтиёзлари божхона органлари томонидан Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизига тенг бўлган ставкада фоизлар тўлаш кўзда тутилган кредитлар кўринишида тақдим этилиши мумкин. Барча соҳалардаги корхоналар учун узайтириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш 2 ойгача бўлган муддатга берилиши мумкин. Экспорт қилинувчи маҳсулотлани ишлаб чиқариш учун моддий-техник ресурсларни импорт қилувчи корхоналар-ишлаб чиқарувчилар *ҚҚС тўлаш муддатини узайтириш* ҳуқуқига эгадирлар. Узайтириш имтиёзини олиш учун улар божхона расмийлаштиришини амалга оширувчи божхона органларига экспорт қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва амалда экспорт қилишни амалга оширишни тугаллаш муддатларини кўрсатган ҳолда раҳбар ва бош ҳисобчи имзолаган (ташкilot муҳри билан тасдиқланган) маҳсулотни экспорт қилиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятни тақдим этишлари керак. Ушбу тоифадаги корхоналар учун ҚҚС тўлаш муддатини узайтириш имтиёзи 90 кунгача тақдим этилади⁴².

2013 йилнинг 1 апрелидан бошлаб импортёрлар-тадбиркорлик субъектлари томонидан божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун экспорт юк божхона декларациясини мажбурий равишда тақдим этишлари шарт. Қонунчиликда ўрнатилган имтиёзлар фақат қиймати тасдиқланган олиб кириладиган товарларга қўлланилади⁴³.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида тадбиркорлик субъектлари томонидан амал қилиниши ваколатли тижорат банк муассасалари томонидан ҳам, божхона органлари томонидан ҳам катъий назорат қилиб бориладиган бир қатор қоидалар мавжуд⁴⁴:

- Харидор томонидан аввалдан тўлов амалга оширилмасдан, аккредитив очмасдан, харидор банки кафолатини олмасдан ёки экспорт контрактларини сиёсий ва тижорий таваккалчиликлардан суғураталаш полисларини расмийлаштирмасдан туриб экспорт қилинадиган маҳсулотни жўнатиш мумкин эмас.
- Товарни олиб киришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатларда кўрсатилган божхона қиймати ушбу товарнинг экспорт қилувчи мамлакатдаги қийматидан анчагина баланд бўлиши мақбул ҳисобланади. Экспорт қилинаётган товар учун кўрсатилган божхона қиймати ташқи савдо операциялари Ягона электрон ахборот тизими маълумотларидаги қийматидан анчагина паст бўлиши мумкин эмас.
- Экспорт қилишдан олиннадиган валюта тушуми ваколатли банк муассасасига товар жўнатилган кундан бошлаб 180 кундан кўп бўлмаган муддатда тўла ҳажмда тушиши керак.
- Импорт қилинадиган товар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига аванс тўлови ўтказилган кундан бошлаб 180 кундан кўп бўлмаган муддатда кириши керак.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган “Божхона тўловларини тўлаш муддатини узайтириш ва кечиктириш бўйича Йўриқнома” (ЎзР АВ томонидан 1999 йил 8 апрелида 697-сон билан рўйхатга олинган).

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сонли қарорининг 6-банди.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг V-бўлими. “Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ҳамда улар ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-бўлими (ЎзР АВ томонидан 2000 йил 9 августдаги 954-сон билан рўйхатга олинган).

- Товар божхонада “эркин муомалага чиқариш” режимига расмийлаштирилгандан кейин импортер ваколатли банк муассасасига божхона хизматининг товарнинг кирганлиги тўғрисидаги тегишли қайдлари бўлган товарни олиб қарточкасининг асл нусхасини тақдим этади, у банк томонидан келиб тушган товар учун чет эл валютасидаги маблағларни ўтказиш учун асос бўлади. Олиб кириш қарточкасини тақдим этмаслик товарнинг келиб тушмаганлиги сифатида баҳоланади.
- Ишларни (хизматларни) импорт қилиш бўйича контрактларни бажаришда импортер ваколатли банк муассасасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловни амалга ошириш учун асос бўлувчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Ҳужжатлар банкка улар имзоланган санадан бошлаб бир ойдан кўп бўлмаган муддатда тақдим этилиши керак.

Ушбу қоидаларга амал қилмаслик ваколатли банклар ва божхона органлари томонидан тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жой бўйича давлат солиқ органларига тадбиркорлик субъекти томонидан валюта операциялари қоидаларининг бузилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг берилиши учун асос бўлади. Бунинг натижаси бўлиб солиқ ва божхона органлари томонидан қорхона молиявий-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшируви ҳисобланади. Бундан ташқари Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ўзлари ўз ваколатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига нисбатан санкциялар солиш ҳуқуқига эгадирлар.

2.6. Тадбиркорлик субъектлари шартномавий-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир шахс шартномаларни ишлаб чиқа олиш, уларнинг шартлари мазмунини билиши ва ифодалаб бера олиши керак. Биринчидан, тадбиркорнинг барча ишлари шартномавий муносабатлар асосида қурилади, иккинчидан шартномалар тузиш санъати бизнесга фойда келтириши ва уни хавфсизлантириши мумкин, учинчидан – бу қонун талаби – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тадбиркорлик фаолияти иштирокчилари ўртасидаги шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда вужудга келадиган муносабатларни етарли даражада батафсил тартибга солади.

Шартномавий муносабатлар ЎзР Фуқаролик кодекси қоидалари билан тартибга солинади.

Фуқаролик кодексига қўшимча равишда хўжалик фаолияти иштирокчиларининг шартномавий муносабатлари алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонуни⁴⁵ билан ҳам тартибга солинади. Ушбу қонун тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида соҳасига ажратади.

Юқорида кўрсатилган Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув *хўжалик шартномаси* дейилади. Хўжалик шартномасининг келтирилган таърифидаги ҳар бир сўз эътиборга моликдир, чунки етказиб бериш муддатларини бузганлик, товарни тўлиқ ҳажмда жўнатмаганлик учун ҳам, уни қабул қилмаганлик (тўлиқ танламаганлик) ва тўловни кечиктирганлик учун ҳам юридик жавобгарлик мавжуд.

Табиики, энди иш бошлаётган фирма раҳбарларига барча эҳтимолий ҳамкорлар ҳам яхши маълум бўлавермайди. Қонун маълумотномалар ва тузилаётган хўжалик шартномалари билан боғлиқ бўлган бошқа керакли ҳужжатларни сўраш ҳамда бошқа томоннинг иқтисодий ҳолати, нуфузи ва ишчи сифатларига тегишли бўлган маълумотларни йиғишга имкон беради. Тижорат банклари ушбу ҳуқуқлардан жуда фаол тарзда фойдаланадилар. Бироқ йирик буюртма

⁴⁵ 1998 йил 29 августдаги 670-сон.

беришни хохлашаётган кичик корхонага ҳам буюртмачининг сотиб олинаётган товарни тўлашда қанчалик даражада ишончли эканлиги билан қизиқиб кўриш ва хаттоки ундан тўлов кафолатларини талаб қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаси қуйидагиларни назарда тутиши керак:

- шартнома предметини;
- етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини;
- шартноманинг бажарилиш муддатларини;
- ҳисоб-китоб қилиш тартибини;
- тарафларнинг мажбуриятларини;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини;
- низоларни ҳал этиш тартибини;
- тарафларнинг реквизи́тларини;
- шартнома тузилган сана ва жойни.

Гарчи юқорида кўрсатиб ўтилган шартларнинг шартномада бўлмаслиги шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмасда, бироқ ҳуқуқий ҳимоя имкониятларини қисқартиради. Шунинг учун Олий хўжалик суд пленумининг Қарорига мувофиқ судлар ушбу шартларга мос бўлмаган шартномани тузган мансабдор шахсларнинг қонунчиликда кўзда тутилган тарзда жавобгарликка тортилиш масаласини кўриб чиқишлари лозим⁴⁶.

Шартнома мавзусининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ равишда унинг матнига ушбу турдаги шартномалар учун қонунчилик билан ўрнатилган бошқа жиддий шартлар ҳам киритилиши мумкин. Масалан, лизинг шартномасида лизинг объектини лизинг олувчига бериш тартиби ва муддатлари, лизинг тўловларини тўлаш ҳажми ва тартиби, қурилиш пудрати шартномасида эса қурилиш ишларининг баёни, сифатига бўлган талаблар ва қиймати ҳамда буюртмачи ушбу ишларни бажариш учун пудратчига таъминлаб бериши керак бўлган шартлар бўлиши керак. Шартномага тарафлардан бирининг талабига кўра келишиб олинishi зарур бўлган шартлар, яъни тарафлардан бири киритишни талаб қиладиган бандлар ҳам киритилиши керак. масалан, бу товарни етказиб бериш ёки, аксинча, уни тўлаш графиги бўлиши мумкин. Шартномада қонун ҳужжатларида кўрсатилган ёки тарафлардан бирининг талабига кўра келишиб олинishi зарур бўлган барча шартлар, яъни асосий шартлар кўрсатилмаган бўлса ва уларни белгилаш учун имконият бўлмаса, шартнома тузилган, деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолда келиб чиққан низолар бўйича судлар шартномадан ташқари мажбуриятларни тартибга солувчи қоидаларни қўллайдилар.

Хўжалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини олдиндан тўлаб қўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак. Барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқланган, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суд пленумининг 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарори.

мустанасно⁴⁷. Ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларни қуришда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларнинг талабларини ўзаро ҳисобга олишни назарда тутувчи кўп томонлама ҳисоб-китоблар схемалари каби товарлар алмашинуви (бартер) шартномаларини тузишнинг таъқиқланганлигини ҳисобга олиш ҳам жуда муҳимдир. Тижорат банклари етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) учун ҳақни бевосита маҳсулот етказиб берувчиларга тўлашлари мажбур. Харидор товар қийматини етказиб берувчи ҳисобварағига эмас, балки бошқа, етказиб берувчи томонидан кўрсатилган хўжалик юритувчи субъект ҳисобварағига ўтказиши шарт бўлган шартномаларни тузиш мумкин эмас, бундай ҳаракатларнинг ўзи эса қонуннинг жиддий равишда бузилиши - даромадларни солиқ солишдан яшириш ҳисобланади⁴⁸.

Хўжалик шартномалари албатта ёзма шаклда тузилади. Хўжалик шартномаси тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим. Шартнома шартларига мувофиқ дегани – бу тўлиқ ҳажмда, келишилган ва мақбул усулда, ваколатли шахсга, ўрнатилган муддатда ва тегишли жойда деганидир. Масалан, оилавий фирма юкларни ташиш билан шуғулланса, тузилган шартномага мувофиқ товар-транспорт ҳужжатларида кўрсатилган юк келишилган автомобил турида белгиланган жойга белгиланган муддатда етказиб берилиши ва бундай ваколатга эга бўлган шахс томонидан қабул қилиб олинishi керак.

Хўжалик шартномалари мавзуларининг деярли чексиз даражада хилма-хил бўлишига қарамадан уларда одатда уч турдаги мажбуриятлар мавжуд бўлади: мол-мулкларни узатиш, пулларни тўлаш, ишларни бажариш. Буни тушиниш ҳар бир хўжалик шартномаси учун умумий тамойиллар асосида шартнома шартларига мувофиқ бажариш мезонларини шакллантиришга имкон беради.

Шартнома мажбуриятларини бажарилмаслигини олдини олиш учун қонунчиликда хўжалик шартномаларида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули кўзда тутилади. Фуқаролик кодексида мажбуриятлар таъминотининг қуйидаги турлари кўзда тутилган:

- *Неустойка* - қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси. Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.
- *Жарима* - қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка.
- *Пеня* - қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка.
- *Гаров* - бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши. Гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки тегишли бўлмаган равишда бажарган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан қаноатлантирилишига ҳақли бўлади.
- *Ушлаб қолиш* – қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредиторнинг ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154 сонли “Ҳалқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504 сонли “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга бўлган ҳақи. Масалан, оргтехникани таъмирлаш бўйича фирма ўзининг хизматлари учун тўлов амалга оширилмагунча таъмирланган компьютерларни ўзида ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

- *Кафиллик* - кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олишини назарда тугувчи шартномадир. Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитори олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса. Оилавий фирманинг банк кредити бошқа шахснинг кафиллиги билан таъминланган ва у қайтарилмаган ҳолларда (тўловлар муддати ўтказиб юборилганда), агар кредит шартномасида банкнинг аввал кредит олган корхонага кредитни сўндириш тўғрисидаги талабни қўйиши, унда маблағлар етарли бўлмаганда эса қолган суммани кафилдан талаб қилиши кўзда тутилмаган бўлса, банк фақат оилавий фирма – қарздор томонидан тўланмайдиган қисминигина эмас, балки кафиллик суммаси доирасида ундирилиши керак бўлган бутун суммани олиш учун дарҳола кафилга мурожаат қилиши мумкин.
- *Кафолат* – юридик ёки жисмоний шахс илтимоси бўйича банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) томонидан ёзма равишда берилган ушбу шахснинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этган ҳолларда пулни унга тўлаш мажбурияти. Кафолат уни олган тадбиркорлик субъектининг бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) лозим даражада бажаришини таъминлайди. Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.
- *Закалат* - шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси. Мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида бекор қилинган тақдирда закат пули қайтариб берилиши керак. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закат пули берган тараф жавобгар бўлса, закат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закатни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Амалда кўринча бозорда вужудга келган ҳолат аллақачон тузилган шартнома шартларига ўзгартиришлар киритишни талаб қилади ёки умуман уни бекор қилиш фойдали бўлади. Ушбу ҳаракатлар фақат томонларнинг ўзаро келишувлари бўйичагина амалга оширилиши мумкин. Агар шартноманинг ўзида ёки қонунчилик ҳужжатларида уни бир томонлама тарзда ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар бўлмаса. Қонунчилик шартнома мажбуриятларини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ҳамда унинг шартларини бир томонлама тарзда ўзгартиришга йўл қўймайди. Хўжалик шартномаларини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишувлар тузиш қоидалари ҳам шартномани тузиш учун ўрнатилган қоидалар билан бир хилдир.

Ҳамкор томонидан шартнома шартларига бир томонлама тарзда ўзгартиришлар киритилган (шартнома бўйича мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган) ҳолларда юқорида баён қилинган мажбуриятларни бажаришни таъминлаш чора-тадбирларидан ташқари ўзига нисбатан шартнома шартлари бузилган, деб ҳисобловчи томон хўжалик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин.

Бироқ шартнома шартларининг бошқа томон томонидан ўзгартирилишидан зарар кўрган, деб ҳисобловчи ҳамкор дарҳол хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин эмас. Қонун шартнома тузган тадбиркорлик субъектларига низоларни ўзаро ҳал қилиб олиш имкониятини беради. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, хўжалик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин

Хаттоки шартнома шартларининг бузилиши уни ўзгартирилишига ёки бекор қилинишига олиб келадиган даражада жиддий бўлмаган ҳолларда ҳам ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган томон шартномани бузган ҳамкорга *даъво билдириш* ҳуқуқига эга бўлади. Даъво аризаси бериш – бу баҳсли масалаларни судгача хўжалик шартномаси иштирокчилари томонидан ҳал қилиш усулидир. Агар даъво нотўғри тузилган бўлса, иш судгача етиб бормаслиги ҳам мумкин. Агар етиб борса, даъвони ҳал қилиш босқичида тўғри ўтказилган ишлар ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган томонга қушимча устунликлар беради.

Даъво билдирган томон ўз талабларини (тўлиқ ёки қисман) қондириш бўйича рад жавоби олган ёки ўз даъвосига ўрнатилган муддат ичида жавоб олмаган ҳолларда у хўжалик судига даъво аризаси бериши мумкин. Бу тарзда баҳсни ҳал қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблаш учун асос мавжуд бўлган ёки ушбу тоифадаги шартномалар учун даъволарни судгача ҳал қилиш кўзда тутилмаган ҳолларда аввал даъво билдирмасдан туриб ҳам хўжалик судига мурожаат қилиш мумкин.

Қонунчилик билан хўжалик тадбиркорлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни мажбурий юридик таъминлаш ўрнатилган. Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади

Кичик корхонага, айниқса унинг обороти кичик ва хўжалик шартномалари тез-тез тузилмайдиган ҳолларда штатда юристини ушлаб туриш қийин. Шунинг учун кичик тадбиркорлик субъектлари адвокатлар ва адвокатлик фирмаларини вақтинчалик асосда жалб қилиш ёки юристини нотўлиқ иш қунига ўриндошлик асосида ёллаш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин.

Хўжалик шартномалар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни прокуратура ва адлия органлари амалга оширадilar. Прокуратура органлар айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадilar. Прокуратура органлари тадбиркорлик субъектлари томонидан хўжалик шартномаларининг бажарилишини текширувини ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Адлия органлари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар, шунингдек ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қиладилар.

Мажбуриятларнинг бажарилмаслиги учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар ЎЗР ФКнинг 24-бобида ўрнатилган. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан хўжалик шартномаларининг энг кенг тарқалган бузилишлари учун жавобгарлик чоралари “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунда ўрнатилган.

Ушбу Қонун билан ўрнатилган жавобгарлик чоралари шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган ҳолларда қўлланилади. Агар шартнома мажбуриятларини бузганлик учун

жавобгарлик хўжалик шартномасида кўзда тутилган бўлса, у ҳолда шартномавий жавобгарлик қўлланилади.

Бир қатор ҳолларда қонун томонидан ўрнатилган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар томонидан шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик уларнинг мансабдор шахслари зиммаларига юклатилади. Масалан, корхонада муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўпланиб қолган ҳолларда шундай бўлади.

Дебиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш бўлиб ички бозордаги ҳисоб-китобларда товарлар амалда жўнатиб юборилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ва экспортга етказиб берилган ҳолларда 180 кун ўтгунича бўлган муддатда сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун маблағлар сотувчи ҳисобварағига тушмаслик ҳисобланади.

Бундай маълумотлар аниқланган ҳолларда давлат солиқ органлари дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юборишга йўл қўйган барча турдаги корхоналарнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига маъмурий жарималар солиш ҳуқуқига эгадирлар. ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 175-моддасига кўра корхоналарнинг мансабдор шахсларига солинадиган жарима энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 15 баробаригачани ташкил қилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги учун жавобгарлик уларнинг мансабдор шахсларига юклатиладиган бошқа асослар ҳам мавжуд. Жавобгарлик хусусиятлари турлича бўлиши мумкин:

- *Фуқаровий-ҳуқуқий*: агар қонунда ёки шартномада бошқача кўзда тутилмаган бўлса, юридик шахс таъсисчилари (иштирокчилар, аъзолар) талаби бўйича мансабдор шахси томонидан юридик шахсга етказилган зарарларни қоплаш мажбурияти; юридик шахс-тўлов қобилиятига эга бўлмаган (банкрот) қарздор мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик, агар банкротлик ушбу юридик шахс учун бажариш шарт бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган, ушбу юридик шахс таъсисчиси (иштирокчиси) ёки ушбу юридик шахс мол-мулкининг эгаси сифатида қатнашувчи шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли содир бўлган бўлса.
- *Маъмурий*: шартнома интизомини бузганлик; сертификатлаш стандартлари ва қоидаларини бузганлик учун.
- *Жиноий*: банкротликни яширганлик; хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни сотиш мақсадида ишлаб чиқарганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки сотганлик; мансаб ваколатларини суистеъмол қилганлик; лавозимий масъулиятсизлик; сохта мансабдорлик учун.

Хўжалик шартномаси – бу кўп ҳолларда икки томонларда (кам ҳолларда – кўп томонлама) битим. Уни тузган барча томонлар учун битимнинг муваффақияти шартнома тузиш учун тайёргарлик ишлари қай даражада олиб борилаётганлиги, унинг шартлари қай даражада аниқ шакллантирилганлиги, шартнома тузиш ва бажариш босқичларида ҳамкорлар манфаатларини ўзаро тушиниш ва ўзаро ҳисобга олишнинг қай даражадалигига боғлиқ бўлади.

3-боб. Мулкчилик ҳуқуқлари ва оилавий бизнес иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар

Оилавий ва ишчи муносабатларнинг тўғри нисбати бизнес муваффақияти ва оила фаровонлиги учун асос бўлиши мумкин. Бироқ оилавий бизнесни ташкиллаштириш яна ҳар қандай оила учун синов бўлиб ҳам ҳисобланади, чунки у оила ичидаги муносабатларни бузиши мумкин. Бундай бўлмаслиги учун барчасини аввалдан атрофлича ўйлаб чиқиш керак.

Уларнинг бизнесдаги иштирокларига оид қариндошлар ўртасидаги барча асосий муносабатлар оилавий фирма ўз фаолиятини бошламасдан туриб шартномалар кўринишида ёзма равишда расмийлаштирилиши керак. Бизнес – бу пул, пул эса одамларни бир-бирларидан айириш хусусиятига эга. Муносабатларни юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштириш оила аъзоларидан кимгадир ишонмаслик белгиси ҳисобланмайди. Бу қариндош-уруғлар ўртасидаги ишчи муносабатларга тартиб ва барқарорлик бағишлаш ҳамда ҳолатлар ёки иштирокчилардан бирортасининг бизнесга бўлган муносабати ўзгарган ҳоллар учун корхонага яшовчанлик хусусияти билан таъминлаш усулидир.

3.1. Оилавий бизнес (тадбиркорлик) воқеа сифатида. Унинг кучли ва заиф томонлари

Халқаро амалиётда оилавий фирма деганда капитали ва асосий бошқариш қарорлари қариндошлик ёки қонунга мувофиқ тузилган никоҳдан келиб чиқадиган муносабатлар билан бир-бирига боғлиқ бўлган шахслар гуруҳи – бир оиланинг назоратида бўлган фирма тушунилади. Оилавий бизнеснинг яна ўзига хослиги шундан иборатки, фирманинг мулкдорлари уни мерос бўйича авлодларига қолдиришга интиладилар. “Оилавий тадбиркорлик”, “оилавий корхона”, “оилавий фирма”, “оилавий компания”, “оила мулкчилигида бўлган бизнес” ва “оила томонидан назорат қилинадиган компания” атамалари мазмун нуқтаи назаридан бир маънодадир. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ “оилавий корхона” атамаси мазкур ишда айнан “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунда белгиланганидек янада тор маънода қўлланади⁴⁹.

Оилавий фирмалар айрим соҳаларда сотувлар ҳажми, даромадлари ва бошқа кўрсаткичлари бир хил, мулкдорлари таркиби бошқача бўлган компаниялардан илгарилаб кетиш имконини берувчи кўпгина кучли томонларга эгадир. Уларнинг асосий кучли томонлари қуйидагилардир:

Манфаатдорлик. Оила, бизнеснинг мулкдори сифатида, бизнеснинг ўсиши ва ривожланишини таъминлаш ҳамда уни кейинги авлодларга топширишга қодир бўлиш тарафдоридир. Бунинг натижаси ўлароқ – оиланинг кўпгина аъзолари ўзларини фикран фирма билан боғлаган ҳолда бизнеснинг узоқ муддатли истиқболдаги ўсишини кафолатлаш учун одатда ўзларининг бор кучларини аямай ишлашга ҳамда даромаднинг ўзларига тегишли қисмини бизнесга қайта сармоя тариқасида киритишга тайёрдир. Оилавий корхоналарнинг шериклари одатда бизнесни ривожлантиришда манфаатдор бўлган мулкдорлар гуруҳлари борлигини юксак даражада қадрлайди ва ундай корхоналарга нисбатан катта ишонч билан муносабатда бўладилар.

Билимларнинг услужсизлиги. Оилалар ўзлари тўплаган билимлар, тажрибалар ва кўникмаларини кейинги авлодга беришни бизнесдаги устуворликлардан бири сифатида белгилайдилар. Оиланинг кўпгина аъзолари оилавий бизнесга ёшлик чоғларидан жалб қилинади. Бу эса уларнинг манфаатдорлик даражасини оширади ва бир вақтнинг ўзида уларга оилавий бизнесни бошқаришда иштирок этиш учун инструментлар беради.

Обрўнинг муҳимлиги. Оилавий корхоналар ўз обрўларини қайдлайдилар, чунки оила аъзоларининг исмлари фирма томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ёки кўрсатилаётган хизматлар билан боғлангандир. Шунинг учун оилавий корхоналар маҳсулот ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга ва ўзларининг шериклари (мижозлари, етказиб берувчилари, ходимлари, маҳаллий жамоат ва ҳ.к.) билан яхши муносабатни сақлаб туришга ҳаракат қиладилар.

Бутун даромаднинг оилага тушиши. Мулкида бизнеси бўлган оила қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар тўлиқ тўлангандан кейин қоладиган барча даромадни ташқи

⁴⁹ 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сон

сармоядорлар билан бўлишмаган тарзда олади. Бу бизнеснинг ўсиши ва ривожланиши учун кўпроқ ресурсларни сарфлаш учун шароит яратади.

Аллақачон умумий қадриятлари ва манфаатларига эга жамоа. Агар бу манфаатлар ягоналиги оиланинг барча аъзолари томонидан англаб етилса, умумий бизнес ушбу жамоанинг ягоналигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Оила аъзоларининг бизнесни ривожлантиришда иштирок этишлари мобайнида уларнинг янада яқинлашишлари содир бўлади. Оилавий иш – бу нафақат даромад, балки бу қатор дуч келинадиган муаммолардир – бу қийинчиликлар қариндошларни янада кўпроқ жипслаштиради. Қариндошларга “жипслашиш” ва “хамжихатликда ишлаш”га ҳожат йўқ, улар бир-бирларини яхши биладилар.

Ишонч ва самимийликнинг улкан даражаси. Оилавий бизнес иштирокчилари ва бир вақтнинг ўзида оилавий фирманинг менеджерлари ва ходимлари бир бирларига нисбатан оилавий бизнесдан ташқарида ишлаганларидан кўра кўпроқ самимийдир. Оилавий бизнес натижаси молиявий йўқотишлар ва бирталай бошқа кўнгилсизликларга айланиши мумкин бўлган чала қолган гапларнинг йўқлиги билан фарқ қилади. Бундан ташқари, таъкидлаш жоизки, оилавий бизнесда иштирокчилар оилада бўлаётган воқеалардан хабардорлар, мисол учун, фарзандлар туғилиши ёки тўйлар. Кишилар ёлланма бўйича ишлайдиган компанияларда бундай воқеалар ҳақида энг сўнгги лаҳзада айтишни афзал биладилар. Оилавий бизнесда таътилар ва бетоблиги сабаб ишчининг ҳозир бўлмаслиги масаласи анча енгил ҳал қилинади.

Ёш авлодни тарбия қилиш ва касбий йўналтириш. Унга ўз фарзандларини мактаб курсисиданоқ жалб қилиш имконияти. Натижада бола ишни юритиш кўникмаларига амалий йўл билан эга бўлади, бу эса вақти келганда кадрли тажрибага ва бизнесни ўсиб келаётган ворисларга топшириш имкониятига айланади⁵⁰.

Шундай кучли томонларига қарамасдан, оилавий фирмалар учун сақланиб қолишнинг етарлича пастлиги хосдир. Оилавий мулкчиликда бўлган 2/3 дан 3/4 корхоналарнинг ўз фаолиятини тугатиб юборади ёки бошқа мулкдорларга ўзларининг асосчилари тириклигидаёқ сотилиб кетади, ва оилавий фирмаларнинг фақат 5 дан 15 фоизгачаси уларга асос солганларнинг учинчи авлодига (набираларига) ўтади⁵¹.

Оилавий корхоналар омадсизлигининг бундай юқори фоизини тадқиқотчилар кўплаб турли сабаблар билан кўшишга мойилдир. Ушбу сабабларнинг баъзилари ҳар қандай бошқа мулкчилик тузилмасидаги компанияни ҳам омадсизликка олиб келишга қодир. Ёмон бошқарув, ўсишни молиялаштириш учун бўш маблағларнинг етишмаслиги, чиқимлар устидан ёмон назорат, тармоқ ва бошқа ташқи факторлар. Бироқ оилавий корхоналарнинг баъзи заифликлари бизнесни ташкил қилишнинг айнан шу шакли билан боғлиқдир. Уларнинг энг муҳимлари куйидагилардир:

Бошқаришдаги мураккаблик. Бизнеснинг бу шакли оддийлигига ўхшашига қарамасдан оилавий корхоналар бошқарувда етарлича мураккабдир. Бу мураккаблик бошқа мулкчилик тузилмасидаги ўхшаш корхоналарда мавжуд бўлмаган ҳали ҳам бир - оиланинг корхонасини бошқаришда эътиборга олиннадиган омиллар сонига кўшиш билан боғлиқдир. Оилавий хиссиётларни ва муаммоларни бизнес билан “аралаштириб юбориш” ушбу фирмаларни иши тушадиган масалаларнинг мураккаблигини оширади. Компанияларнинг бошқа турларида бир оиланинг аъзолари шунингдек бирга ишлашлари мумкин, лекин одатда турли ролларни бажарадилар ва бир иккинчисининг бўйсинувида бўлмайди.

Қатъий расмий талабларнинг йўқлиги. Аксарият оилалар ўз бизнесини бевосита (ҳеч бўлмаганда, биринчи ва иккинчи авлодда) бошқариши боис, одатда аниқ шакллантирилган иш муносабатлари қоидаларини ва ички тартибни белгилашга қизиқиш йўқдир. Оила ҳамда

⁵⁰ Бунда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишда ЎзР Меҳнат кодексининг 77 ва 241-моддалари талабларини инобатга олиш зарур.

⁵¹ Lipman Fr. The family business guide, NY Palgrave macmillan, p.7, 2010.

бизнеснинг ортиб боргани сари бундай ҳолат бизнесни давом эттириш учун таҳдид солишга кодир бўлган самарасизликнинг ўсиши ва ички можароларга олиб келади.

Интизомнинг этишмаслиги. Кўпгина оилавий фирмалар бошқарувнинг режалаштириш, ишни тақсимлашни ва фирмада оила аъзолари бандлигининг самарадорлини назорат қилиш, малакали ташқи мутахассисларни жалб қилиш ва сақлаб қолиш сингари стратегик жиҳатдан муҳим соҳаларига етарли даражада эътибор бермайдилар. Бундай муҳим стратегик қарорларга писанд қилмаслик ҳар қандай оилавий бизнеснинг банкротлиги сабабига айланиши мумкин.

Кучли ва заиф томонларнинг қайси бири тарозида оғир келиши оиланинг ўз бизнесини қанчалик олиб бориши ва у билан боғлиқ қийинчиликларни енга олишига боғлиқдир. Оилавий бизнесда, қоидага кўра, доим бир етакчи бўлиб, унга ғоялар тегишлидир ва у оилавий ишнинг раҳбари ҳисобланади. Бундай оилада салоҳиятли раҳбар борлиги ва у қай даражада янги бизнесни ривожлантириш учун масъулиятни ўзига олишга қодирлиги ва тайёрлигига қараб бундай ташаббуснинг истиқболларига боғлиқдир.

3.2. Оила аъзолари –бизнес қатнашчиларнинг бандлиги ва иш ҳақи

Қоидалар шакллантирилган бўлиши керак бўлган энг муҳим соҳалардан бири – бу оилавий бизнесдаги оила аъзоларининг бандлиги. Ўз оила аъзолари учун бандликнинг аниқ қоидаларини ўрнатмаган кўпгина оилавий бизнеслар шу билан якун топадики, фирмада банд бўлганлар сони фирма эгаларининг қариндошлари ҳисобига керак бўладиганига қараганда кўпроқ бўлади. Ушбу ходимлардан айримлари ўзларига фирма ичида топшириладиган ишларни бажаришга қодир бўлмасликлари ва меҳнат бозорида ўз зиммаларига бундай ишларни ҳеч қачон олмаган бўлишлари мумкин.

Оилавий бизнес раҳбарларининг вазифаси бизнесдаги ишлар учун яроқли бўлган оила аъзоларини топиш ва уларни иложи борида эртароқ ёшларида бизнесга жалб қилишдан иборатдир. Фақат жалб қилиш муваффақиятли бўлиши учун ёшларнинг туғма қобилиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олиш лозим. Чунки оила аъзоларидан ҳар бирининг қобилиятларини ҳисобга олмасдан туриб фақат қариндошчилик тамойили бўйича ходимларни ишга ёллаш ишчилар ўртасидаги ихтилофларнинг сўзсиз вужудга келишига олиб келади.

Қариндош-уруғни, айниқса оилавий бизнес раҳбари ва унинг бошқа менежерлари узоқ вақтдан бери мулоқот қилиб келаётган қариндош-уруғни ишга ёлланганда номзоднинг ижтимоий, ақлий ва руҳий сифатлари ҳамда унинг ишлаган жойлари рўйхати яхши маълум бўлади. Шунинг учун ундан резюмесини тақдим этишни талаб қилиш ёки унга руҳий (психологик) тестдан ўтишни таклиф этиш шарт эмас. Қариндош-уруғни ишга ёллашда асосий эътиборни унинг касбий хусусиятларига, менежер лавозимига қабул қилишда эса – бошқалар ишини ташкил қила олиш маҳорати ва ўзининг бошқарув даражасидаги турли масалаларни ҳал қила олиш қобилиятига қаратиш лозим.

Хаттоки фирма оила аъзолари томонидан бошқариладиган ҳолларда ҳам улар томонидан эгалланадиган лавозимлар уларнинг ёшлари, киритган сармоялари ёки бизнесда ишлаган йилларига боғлиқ бўлмаслиги керак. Ҳал қилувчи омил сифатида бошқарув фаолиятига оид қобилиятлари ва бизнесни юритиш малакалари бўлиши керак. Ушбу қобилиятлар ва малакалар фақат оилавий бизнес ичидаги ёки ундан ташқаридаги иш натижалари билангина ўлчанади.

Қариндош-уруғни ишга қабул қилар экан, оилавий бизнес раҳбари ўзи учун куйидаги саволларга жавоб бериши керак:

1. У ушбу иш учун мос номзодми?
2. Қариндош-уруғчилик муносабатлари бизнес билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериши мумкинми?
3. Бизнес раҳбари унга тўлиқ ишонадими?

4. У ўз ишини эпллмаган, оила аъоси ишончни оқлай олмаган холларда раҳбар нима қилади?
5. Ушбу одам билан мулоқотни узоқ вақт давом эттириш мумкинми (офисда ёки ундан ташқарида)?
6. Бизнесга жалб қилинган оиланинг бошқа аъзолари ишга ёллаш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватлайдиларми?

Бўлажак ходимни текшириб кўриш учун унга корхонада ҳақиқатда мавжуд бўлган муаммолардан бирини “кейс” сифатида ечиб кўриш таклиф қилиниши мумкин. Агар таклиф қилинган ечим номзодни оилавий бизнес муаммоларини чуқур тушиниб етиш қобилиятига эга бўлган ўқимишли мутахассис сифатида тавсифласа, уни ўзи даъвогарлик қилаётган лавозимга ишга қабул қилиш мумкин.

Оиланинг бизнесга жалб қилинган ҳар бир аъзосига мажбуриятлар доираси ва лавозимга мос бўлган жавобгарликлар кўрсатиб қўйиладиган лавозимий йўриқномалар билан айтиб ўтилган лавозим бириктириб қўйилиши керак. Одамни ишга қабул қилишда у билан меҳнат шартномаси тузилгунича у имзолаш остида ўз мажбуриятлари, санаб ўтилган лавозимий йўриқномалари ва ўз иш режими билан танишиб чиқиши керак.

Оилавий бизнеснинг ўзига хос кучли томонларидан бири шундаки, ҳар бир ходим турли вазибаларни бажариши ва бир вақтнинг ўзиде турли, жумладан анъанавий бўлмаган ролларни ҳам ўйнаши мумкин. Масалан, бир киши бухгалтерия ҳисоби, ишлаб чиқариш ва кадрларни бошқариш учун масъул бўлиши мумкин. Шу билан бир вақтда бошқа кимдир фақат мижозларнинг маълум гуруҳига сотишга ихтисослашган бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ходимнинг ўзига хос мажбуриятлари тизимининг бузилиши тўғрисидаги фикрга келиш мумкин. Ходимлар томонидан бажариладиган мажбуриятларни мавжуд лавозимий йўриқномалар доирасига “ҳайдаш” мумкин эмас. Бу ҳолда бизнесда банд бўлган ҳар бир ходим томонидан амалда бажариладиган ишни иложи борица аниқ баён қилишга интилиш керак. Ҳар бир ходим томонидан бажариладиган ишнинг тўлиқ баёни корхона раҳбариятига уларнинг ҳар бирининг бизнес учун муҳимлигини яхшироқ баҳолашга имкон беради.

Кўпгина оилавий корхоналар расмий ташкилий тузилмасиз фаолият кўрсатадилар. Бундай компанияларда ваколатларнинг аниқ лавозимий тақсимланиши, ёзилган лавозимий йўриқномалар мавжуд бўлмади, функционал жиҳатдан бир-бирларини ўринларини тўлдириш мавжуд бўлади, оиланинг барча аъзолари ўзларининг кичкина оилавий ишларининг ривожланишидан бир хилда манфаатдордирлар.

Бироқ бизнесда кимнинг қандай ишни қилмаганлиги тўғрисида тушунмовчиликлар ва жанжалларнинг вужудга келмаслиги жуда муҳимдир. Аввалдан бунинг кимнинг иши эканлигини белгилаб қўйиш лозим. Ҳар қандай иш фақат унинг ижросиси ишнинг сифати учун шахсан жавобгар бўлган холлардагина яхши бажарилишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун ҳамма нарса аввалданок аниқ белгилаб қўйилмоғи керак. Меҳнат шартномаси фақат “қонун шуни талаб қилганлиги сабабли” расмийчилик учунгина тузилиши керак эмас, у хаттоки ушбу ходим корхона раҳбарининг энг яқин қариндоши бўлса ҳам ходимнинг ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини аниқ белгилаб бериши лозим. Агар нимадир кўзланган тарзда бормаса, муносабатларни ҳиссий тарзда ойдинлаштириш орқали бизнес ва қариндош-уруғчилик муносабатларини бузгандан кўра муаммоларни аввалдан расмийлаштирилган юридик ҳужжат асосида ҳал қилган яхшироқдир.

Бундан ташқари қариндош-уруғлардан ҳеч кимда ўз зиммасига ортиқча ваколатларни олиш ва вақти-вақти билан ўзини фирма раҳбари сифатида кўрсатиш васвасаси вужудга келмаслиги учун бошқарув вертикалини (бошқарув-бўйсунуш) аниқ белгилаб қўйиш лозим. Ушбу нарса меҳнат интизомига салбий таъсир кўрсатувчи кўпгина жанжалларга сабаб бўлади.

Иш графиги ички низомда аниқ ёзиб қўйилган бўлиши керак. Унга ҳар бир ходим, жумладан оила аъзолари ҳам сўзсиз амал қилишлари шарт. Бу, масалан, ишга кеч келишлар, ишга

келмасликлар ёки, аксинча, ишда доимо “йўқолиб қолишлар” сабаби бўйича вужудга келувчи жанжалли вазиятларни олдини олишга имкон беради.

Қариндош-уруғчилик алоқаларидан қатъий назар барча ходимларга бўлган муносабатлар истисносиз адолатли бўлмоғи керак. Нотенгликни ҳис қилиш оила аъзолари бўлмаган ходимларни фирмани тарк этишга ундайди, бу эса кадрларнинг юқори даражадаги қўнимсизлигига сабаб бўлади ҳамда иш сифати ва бизнес истикболларига салбий таъсир кўрсатади.

Оилавий корхоналарда жуда кўп учрайдиган муаммо – уни бажариш учун зарур бўлган билимлар ва сифат хусусиятларига эга бўлмаган қариндош-уруғларни ишга олиш. Шунга қарамасдан улар оилавий бизнесга ишга олинишлари керак, чунки бу тўғрисида бошқа қариндош-уруғлар илтимос қиляптилар. Бундай ҳолатларда корхоналарнинг раҳбарларига қариндош-уруғлар томонидан кўрсатилаётган босимга дош бериш қийин бўлади, бироқ масалага очик кўз ва умумий оилавий иш манфаатлари нуқтаи назари билан қарамоқ лозим. Биринчидан, хаттоки шундай йўл билан ишга қабул қилинган қариндош-уруғнинг бандлиги у келтирадиган даромаддан кўра ҳам кўпроқ харажат талаб қилса ҳам уни ишдан бўшатиш қийин бўлади. Бундан ташқари у ишда бекор юрган, ўзига ёқмаган топшириқларни бажаришни рад қилган, қандайдир имтиёزلардан фойдаланган ёки бошқа тарзда ишга ва атрофдагиларга ёмон муносабатни намойиш қилган ҳолларда бошқа ходимларнинг меҳнат интизомини бузади. Агар оила аъзолари учун ўрнатилган қоидаларга амал қилиш истисно қилинса, корхонадаги маъмурий назорат сусаяди.

Ўзбекистонда оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатиш анъанаси ривожланган. Шунинг учун кўп ҳоллада ишга жойлаш тўғрисида оиланинг бошқа аъзолари томонидан илтимос қилинаётган қариндош-уруғни ишга олишга барибир тўғри келади. Буни бизнес учун энг кўп даражада фойдали бўладиган тарзда амалга ошириш керак. Бунинг учун қуйидагилар зарур:

- ундаги унга бизнесга ўз хиссасига қўшишга имкон берувчи хаттоки арзимас бўлиб кўринган қобилиятларни ривожлантириш учун ҳаракат қилиш;
- касбий ўқитишни таъминлаш;
- унга унинг бошқа ходимлар билан салбий (жанжал хавфини туғдирувчи) алоқаларини қисқартирувчи ва кўникмаларни ривожлантириш учун имкониятларни яратувчи ишни топшириш;
- иложи борича ушбу қариндош-уруғнинг оила аъзоси бўлмаган, бироқ ажойиб иш малакаларига эга бўлган менежер раҳбарлигида ишлаши учун керакли чора-тадбирларни кўриш.

Асосий вазифа унча қобилиятга эга бўлмаган ва энг кам даражадаги малакаларга эга бўлган қариндош-уруғни иложи борича тез ва иложи борича кўпроқ даражада сермахсул ходимга айлантиришдан иборат.

Оила аъзоларини ишга ёллаган ҳолда оилавий бизнес раҳбарлари одатда улардан уларнинг сир тутилиши керак бўлган маълумотлардан (масалан, харидорлар базаси, таъминотчилар, тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар ва хок.) фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаши мумкин бўлган юридик келишувларни имзолани талаб қилмайдилар. Шу билан бир вақтда шу раҳбарлар оила аъзолари бўлмаган ходимлардан шундай келишувларни (ёки тижорий сирларни ошкор қилмаслик тўғрисидаги келишувлар) имзолани талаб қиладилар. Бу оилавий бизнесга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёмон амалиёт. Биринчидан, оилада келишмовчиликлар содир бўлган ҳолларда оилавий бизнесни тарк этишга мажбур бўлган қариндош-уруғда ушбу хатти-ҳаракатлар учун жазоланишдан хавотир олмаган ҳолда маълумотлардан ўз мақсадларида, жумладан оиланинг бошқа аъзоларига душманлик мақсадларида фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади. Иккинчидан, оила таркибига кирмайдиган ходимлардан маълумотларнинг сир тутилишини сақлаш тўғрисидаги келишувни

имзолашни талаб қилиш фирмада ишловчи оила аъзолари бундан келишувни имзоламаган ҳолларда улар томонидан камситиш ва ишончсизликнинг бир кўриниши сифатида талқин қилиниши мумкин. Оилавий бизнесни ҳимоя қилиш учун унда банд бўлган барча ходимларнинг фирма ходимлари сифатида бир хил мажбуриятларни, жумладан маълумотларни сир тутилиши бўйича мажбуриятларни ҳам ўз зиммаларига олишлари жуда муҳимдир.

Маълумотларнинг сир тутилиши тўғрисидаги келишувни имзолайдиган ҳар бир ходимга тижорий сир тарифи остига тушувчи маълумотлар рўйхати такдим этилиши керак. У улар билан имзолаш остида танишиб чиқиши керак. Бу жуда муҳимдир, чунки фақат шу ҳолдагина у маълумотларни ошкор қилганлик учун қонунчиликда белгиланган жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Шунга қарамадан махфийлик тўғрисидаги масалага қараганда ходимларнинг моддий жавобгарликлари тўғрисидаги масала муҳимроқ ҳисобланади. Ходимларнинг маълум тоифалари, яъни бевосита товар ва пуллик қимматликлар билан ишловчи ходимлар – омборхона ходимлари, сотувчилар, кассирлар билан меҳнат шартномасидан ташқари тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома ҳам тузилади⁵². Яқка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома бўйича уларнинг сақланишини таъминлаш учун шахсий жавобгарликни ўз зиммасига оладиган аниқ бир ходимга қимматликлар топширилади. Йўқотишлар (ўғирликлар) содир бўлган ҳолларда жавобгарликдан озод қилиш учун кўрсатилган шартнома тузилган ходим ўз айбини йўқлигини исботлаши шарт. Ишлар бевосита пул ёки товар қимматликларга хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан биргаликда бажарилган ҳолларда (уларнинг сони бир нечта бўлганда дўкондаги сотувчилар сменаси, омбордаги барча ходимлар ва хок.) жамоавий (бригадали) моддий жавобгарлик киритилиши мумкин.

Бевосита пул ёки товар қимматликларга хизмат кўрсатмайдиган ходимлар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилмайди, агар шундай шартнома тузилган бўлса, у ҳақиқий ҳисобланмайди. Корхонага зарар келтирган ҳар қандай ходим шу ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилган ёки тузилмаганлигидан қатъий назар ушбу зарарни Меҳнат кодексига кўзда тутилган доираларда қоплаб бериши шарт.

Ходимлар билан, жумладан оилавий бизнесда банд бўлган оила аъзолари билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш – бу нафақат меҳнат қонунчилигининг талаби, балки фирма моддий бойликларини сақлаш бўйича оқилона чора-табир ҳамдир.

Аллақачон шаклланган жамоа билан ишлаганда ролларни қайтадан тақсимлаш орқали иш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Бунинг учун оилавий фирма менежерлари ходимлардан даврий равишда улар учун қандай ишни бажариш қизиқарли эканлигини сўраб туришлари ва бунинг натижасида уларнинг фаолиятлари самараси ортадиган ҳолларда уларнинг лавозимларини ўзгартиришлари керак. Номларни ўзгартирмаган ҳолда лавозимларнинг функционал тўлиқлигини ўзгартириш мумкин, бунинг учун лавозимий йўриқномаларга тегишли ўзгартиришлар киритилади ёки бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда барча ходимлар ишларнинг қайта тақсимланиши тўғрисида хабардор қилинади.

Оилавий фирмалардаги жуда “нозик”, айрим ҳолларда эса “ўткир” бўлган масала – иш ҳақининг ҳажми. Бу муносабатлар юзасида ҳеч ҳам ўзини кўрсатмаслиги ҳам мумкин. Оилавий корхоналарнинг раҳбарлари оилавий аъзолари ва бизнесда банд бўлган бошқа ходимлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини мустақил ўрнатишга мойилдирлар. Дастлабки вақтларда қариндош-уруғлар ҳақ олмасдан ёки арзимас ҳақ олган ҳолда ишлашлари мумкин, бу кичик бизнес учун жуда муҳим. Шу билан бирга барчалари киритилган маблағлар, сарфланган ҳаракатлар ва фойда оиланинг умумий бюджетига йўналтирилишини ва уларнинг умумий меросхўрларига ўтувчи оилавий капитални ташкил қилишини биладилар. Бироқ фирма ўсиб бориши билан унинг молиявий ҳолати мустаҳкамланади, оила аъзоларининг

⁵² Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 203-моддаси.

айримларида ўз меҳнатларига тўланадиган маош даражаси норозилик туғдира бошлайди. Ўзларига етарли ҳақ тўланмаяпти, деб ҳисоблайдиган оила аъзолари буни оила ичида ўзларига билдирилаётган ҳурматнинг етарли эмаслиги сифатида қабул қилишлари мумкин. Корхона раҳбарининг меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмлари бўйича қарорлари натижаси сифатида ўзлари “ортиқча тўланаяпти” деб ҳисоблайдиган оила аъзоларига нисбатан бошқа қариндош-уруғларнинг ҳасади ва рашки бўлиши мумкин. Бу қарорлар оила ҳамжихатлигига учун ҳам, бизнес учун ҳам муаммолар яратиши мумкин. Оилавий фирма раҳбарининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарорлари – бу нафақат ишга оид қарорлар. Бу оила аъзоларида ҳиссий таъсирларни вужудга келтириши мумкин бўлган шахсий қарорлардир (“отам мени акамга қараганда камроқ яхши кўрса керак ва шунинг учун акамга кўпроқ пул беради”).

Бизнесда банд бўлган оила аъзоларига иш ҳақини ўрнатишнинг бир хил амалиёти мавжуд эмас. Оилавий фирмаларнинг айрим раҳбарлари фирмада банд бўлган оила аъзоларига бошқа ходимларга ва шундай иш учун тўловнинг бозор даражаларига нисбатан кўпроқ тўлайдилар.

Бундай амалиётнинг камчилиги шундан иборатки, қариндош-уруғлар меҳнатига тўловнинг юқори даражаси мулк эгалари оиласига алоқаси бўлмаган, бироқ худди шундай ишни бажарувчи ходимларнинг ҳасади ва нафратини кўзғатиши ҳамда оила аъзоларида ўзлари бажараётган ишларнинг хусусиятлари тўғрисидаги ҳаёлий тасаввурларни вужудга келтириши мумкин. Кўпгина оилавий фирмалар асосий лавозимларда оила аъзоларига эга бўлмасликлари мумкин. Бундай ҳолларда бир хил иш учун қариндош-уруғларга бошқа ходимларга нисбатан юқорироқ ҳақ тўлашга нисбатан жамоатчилик руҳини бузувчи бошқа ёмонроқ нарса бўлмайди. Гарчи оилавий корхоналарнинг айрим раҳбарлари оиланинг корхонада банд бўлган аъзоларига тўланадиган ҳақ даражасини сир сақлаш мумкин, деб ҳисобласалар ҳам бундай маълумотлар кенг тарқалишга мойилдир.

Бошқа раҳбарлар қарама-қарши йўлдан борадилар ва уларни кўпроқ ишлашга рағбатлантириш учун қариндош-уруғ бўлган ходимларга, айниқса ишга янги қабул қилинганларига камроқ ҳақ тўлайдилар. Айрим бошқарувчилар қариндош-уруғ бўлган ходимларга камроқ иш ҳақи тўлашни оқибатда уларни бизнесни мерос қилиб олишлари ва ундан ҳосиллар олишда сабрли бўлишлари кераклигига асосланган ҳолда ёқлаб чиқадилар. Бундай амалиёт хафагарчиликлар ва жанжалларга олиб келади ҳамда ижобий ва оилавий бизнеснинг ўсишини қўллаб-қувватловчи ташкилий маданиятнинг шаклланишига кўмаклашмайди. Шунинг учун оилавий бизнесни юритишнинг энг яхши намуналари “Оила аъзоларига кам ҳам, кўп ҳам тўлаб бўлмаслиги, аксинча, уларга холисона ва оилавий алоқаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда”⁵³ ҳар бир иш тури учун иш ҳақининг бозор баҳоси асосида тўлаш кераклигига гувоҳлик беради.

Айрим фирмалар оиланинг бизнесда тахминан бир хил даражадаги лавозимларни эгаллаб турувчи барча аъзоларига бир хил ҳақ тўлайдилар. Бир хил иш ҳақи тўлашдан иборат ушбу қонданинг мақсади ходим сифатида ким кадрлироқ эканлиги тўғрисида оила аъзолари ўртасида баҳслар вужудга келишини олдини олишдир. Бундай амалиёт энг яхши амалиёт ҳисобланмайди. Фақат улар ўз зиммаларига бизнес учун бир даражада муҳим бўлган мажбуриятлар ва жавобгарликларни олган ҳоллардагина икки ходим меҳнатига бир хил тўловни ўрнатиш мумкин ва бундай тўлов меҳнат бозорида вужудга келган шартлар бўйича адолатли ва рақобатбардош даражада бўлади.

Тенгликка бўлган интилиш шу даражада кучли бўлиши мумкинки, уларнинг бажарадиган мажбуриятларидан қатъий назар оилавий бизнесда банд бўлган барча оила аъзоларига бир хил сумма тўлайдилар. Ушбу фирмаларнинг раҳбарлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг бу усулини мураккаб ҳисоб-китоблардан қочиш ва корхона учун ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда кадрлилиги тўғрисидаги фикрлар билан изоҳлайдилар. Улар барча учун тенг ҳақ тўлашни яна қариндош-уруғларга дифференциаллашган иш ҳақларини ўрнатиш оила ўртасида ҳасад ва нафратланишнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкинлиги, шунинг учун ҳар бир ходимга бир ёндашувни қўллаш яхшилиги билан ҳам асослайдилар. Бундан ташқари улар

⁵³Frederick D. Lipman The Family Business Guide, 2010, p. 78.

оиланинг барча аъзоларига бир хил ҳақ тўлаш оила ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлайди, деб ҳисоблайдилар.

Бироқ сўнги фикрга қўшилиш қийин. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг бундай усули мураккаб ва оддий ишларни бажарувчи, жиддий ва арзимас жавобгарликка эга бўлган, ишчан ва унчалик даражада ишчан бўлмаган ходимларни тенглаштиради. Уларга мутлақо бир хил ҳақ тўлаш – ишчанроқ ва кўпроқ даражада масъулиятли бўлган қариндош-уруғларнинг ғазабини кўзғатишдир. Улар ўз ишлари учун адолатсиз, барча учун бир хил ҳақ олишдан кўра оилавий бизнесдан кетиш яхшироқ, деган қарорга келишлари мумкин.

Ушбу масалани ҳал қилиш усулларида бири – меҳнатга ҳақ тўлашнинг бир хилдаги бошланғич даражасини қабул қилиш, бироқ чорак ёки йил якуналари бўйича бизнесда банд бўлган оила аъзоларининг иш натижаларига боғлиқ бўлган дифференциаллашган мукофотларни тўлаш ҳисобланади.

Бизнесни ривожлантириш учун ҳам, оилавий уйғунликни сақлаб қолиш учун ҳам бир хил даражада яхши бўлган қандайдир ягона намунавий ҳаракат мавжуд эмас. Ҳар бир оила ўз бизнеси учун оила аъзоларининг шахсий маданиятига ҳамда бизнеснинг ўзининг алоҳида хусусиятларига энг яхши даражада мос бўлган қариндош-уруғлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини танлаб олиши керак.

Нафақат бир вақтнинг ўзида корхона капитали бир қисмининг эгаси бўлган оила аъзосини ишга қабул қилиш, балки уни ишдан бўшатиш ҳам ўзининг ўзига хос хусусиятларига эга бўлади. Чунки бу ҳолда корхонадан нафақат ходим, балки унинг капиталининг эгаси ҳам бўшатилади.

Бу жанжал натижасида рўй берган ҳолларда оилавий фирмадан қариндош-уруғни бўшатиш кўпинча унинг оилавий бизнесдан чиқарилишини билдиради. Оила аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси муносабатлар батамом бекор қилинган ҳолларда товон тўлаш, жумладан ишдан бўшатилаётган қариндош-уруғ омонатини (низом жамғармасидаги улушини) натурал ёки пул шаклида қайтариш шартларини ўз ичига олиши керак. Агар собиқ ходим ишдан бўшатиладиган кейин ўзининг бўшатиладиганлиги бўйича судга мурожаат қилган ҳолларда товон тўлаш тўғрисидаги ушбу шартлар ўз кучини йўқотиши керак. Бундай ҳолларда товон ҳажми ёки ушбу шахснинг ишга қайта тикланиш ҳуқуқи суд томонидан аниқланади.

Қариндош-уруғни ишдан бўшатиш жанжалнинг натижаси бўлмаслиги, балки у ва корхона раҳбарининг ўзаро розиликлари бўйича юз бериши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар учун меҳнат шартномасида ишдан бўшаётган қариндош-уруғни ҳаракат эркинлиги билан таъминловчи банд бўлиши керак. У бизнес иштирокчиси бўлиб қолиш ва капиталдаги ўз улушига мос тарзда фойда олишни ёки ўз улушини олиш ва бизнесдан кетишдан бирини танлаши мумкин. Бундай танлов фақат бизнес Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича оилавий корхона шаклида ташкил қилинган ҳоллар билангина чекланади, чунки Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ оилавий корхона эгалари унинг фаолиятида ўз меҳнатлари билан шахсан иштирок этишлари шарт.

3.3. Оилавий бизнес иштирокчиларининг мулкӣ муносабатлари ва уларни тартибга солувчи келишувлар.

Бизнес иштирокчиларининг (ҳаммулкдорлари) орасидаги келишувлар нафақат оилавий бизнесни, балки унинг ҳар бир иштирокчисини қуйидаги таҳдид ва хавф-хатарлардан (рўйхат тўла-тўқис эмас албатта) ҳимоя қилиши лозим:

- корхона ёки унинг капиталининг катта қисмини оила аъзолари бўлмаганларга сотиш, ҳада қилиш ёки бошқача усулларда топшириш (қарор шундан иборатки, иштирокчилар

томонидан улушларни учинчи шахслар фойдасига бошқа мулкдорларнинг розилигисиз беришни таъқиқлаш ёки чеклашдадир);

- қарздор томонидан олинган сумма тўланмаган тақдирда кредитор томонидан бундай мол-мулкни келгусида оила аъзолари бўлмаганларга сотиш билан қарзни қайтарилиши учун тўла ёки қисман ушлаб қолинишига олиб келиши мумкин бўлган ўз ичига банк ва бошқа молиявий муассасаларга қўйиладиган гаров билан чекланмайдиган мол-мулк гарови ёки ушбу мол-мулк билан таъминланган қарз/кредит бўйича қафолат (яхшироқ қарор шундайки, бизнесга қўшилган оила аъзоларига оилавий фирма томонидан фойдаланилаётган фирма устав капиталидаги улушлари ва шахсий мол-мулкларини гаровга қўйилишини таъқиқлаш);
- фирма капиталида унчалик катта бўлмаган улушга эга бўлган алоҳида иштирокчининг қолган барча иштирокчилар томонидан қабул қилинган муҳим қарорга (масалан, корхона устав капиталини ошириш ёки камайтириш, бизнесга янги иштирокчини қабул қилиш ёки бизнесни сотиш) қўшилишни рад этиши, ёки бундай қарорга қўшилиш учун алоҳида шартларнинг қўйилиши (яхшироқ қарор – бу таъсис ҳужжатларига оилавий фирма капиталида унчалик катта бўлмаган (масалан 10 фоиздан кам) улушга эга бўлган мулкдор, агарда у бошқа барча шерик мулкдорлар томонидан қабул қилинган қарорга бир ўзи қарши бўлганда, унга қўшилиши мажбурлиги тўғрисида қўшимча шарт киритилиши). Оилавий фирма капиталида унчалик катта бўлмаган улуш мулкдори кўпчиликка қўшилишни рад этганда, фирма, бундай қўшимча шартга мувофиқ, унинг улушини сотиб олиш ҳуқуқини олади;
- алоҳида иштирокчи томонидан, ахборотни ошкор этилишига олиб келиши мумкин бўлган, қонун билан белгиланган корхона молия-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқидан фойдаланилиши (яхшироқ қарор шундан иборатки, бундай ҳуқуқдан фойдаланилишини даврий ҳисоботларни тақдим этиш билан чеклаб қўйилишидир). Иштирокчининг корхона фаолияти устидан бошқача усулда назорат қилишнинг ҳар қандай уриниши бундай иштирокчининг корхонадаги улушини сотиб олинишига сабаб бўлади;
- рақобат қилувчи бизнесни яратиш, ходимларни оилавий бизнесни ташлаб кетишга ёки мижозларни унинг товарлари (хизматларидан) воз кечишга ундаш, оила бизнесига қарши талабнома ва суд даъволари қўйиш ва ҳоказолар каби оила бизнесига адоватли хатти-ҳаракатлар (яхшироқ қарор – бундай турдаги ҳар қандай хатти-ҳаракатларни таъқиқлаш ва таъсис ҳужжатларида иштирокчининг ҳаракатлари уни иштирокчилар қаторидан чиқарилиши ва оилавий корхонадаги улушини сотиб олинишига олиб келишини шартлашиб қўйилиши);
- оилавий муносабатларда ҳар доим бор бўлган ва оилавий бизнеснинг ҳолатига таъсир қилиши мумкин бўлган ажрашиш таҳдиди, агарда унга эр-хотиннинг иккиси ҳам жалб қилинган бўлса. Мулк, шу жумладан оилавий бизнесга жалб қилинган мол-мулк тартибини тўғри белгилаш, корхонанинг бўлиниши ва тугатилишидан сақлаб қолинишига имкон беради.

Оилавий бизнес учун юқорида санаб ўтилган ва бошқа жиддий таҳдидлар ва хавф-хатарлар таъсис ҳужжатларини тўғри тузиш ёки оилавий бизнесга қўшилиш ҳақидаги келишувни имзолаш талаби билан енгиллаштирилиши мумкин. Масалан, бизнесга қўшилиш ҳақидаги келишув рақобат қилмаслик ва бундай шартни бузишни олдини олиш учун маблағлар тақдим қилиш тўғрисидаги шартларни ўз ичига олиши мумкин. Агарда оилавий бизнес иштирокчиларининг бирортаси бошқа иштирокчиларнинг мижозларини йўлдан уриб ўзига оғдириб оладиган, унинг белгиланган муайян ҳудудидан ташқарида ишлайдиган ёки бошқача усулда оилавий бизнеснинг бошқа шерик мулкдорларига рақобат қиладиган бўлса, компания бундай оила аъзосининг ёхуд бизнесдаги улушидан махрум қилиш, ёхуд бу улушини сотиб олиши ва бузғунчини умумий ишдан чиқариб юбориш ҳуқуқини ўзида қолдириши мумкин.

Оилавий бизнес иштирокчилари ўртасида юридик жиҳатдан мажбурлайдиган келишувни тузиш зарурати, шу жумладан бизнес учун ҳал қилувчи қарорларни қабул қилишда алоҳида мулкдорнинг ёки уларнинг кўпчиликка нисбатан биров камчилик эканлиги оилалар яхлит бўлмаганлиги билан боғлиқдир. Қариндошлар манфаатларининг шунчалик ҳам турлича бўлиши мумкинлиги туфайли яқдиллик билан қарор қабул қилиш амри маҳолдир. Боз устига у ёки бу қарорга рози бўлишга тайёрликка оилавий муносабатлардаги ихтилофлар билан боғлиқ ҳис-туйғули қаршиликлар таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада корхона фаолияти ёпилиб қолган бўлиб чиқиши мумкин. Шунинг учун қарорларни самарали қабул қилиш қобилияти белгиланган овоз бериш қондасига боғлиқдир: қарорлар “бир киши – бир овоз” тамойида қилинган ёки иштирокчиларнинг корхона устав капиталидаги улушлари миқдоридан келиб чиқиб қабул қилинган ёки, шунингдек қандай қарорлар бир овоздан, қарорларнинг қайсилари мутлақ кўпчилик овоз билан, қандай қарорлар иштирокчиларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилиниши керак.

Ҳатто қарор қабул қилинганда ҳам, оилавий бизнес иштирокчиларнинг уларни қониқтирмаган ўша қарорлар устидан даъво қилишларидан суғурталанмаган. Қонун ҳужжатлари унга ҳар қандай ҳолатда ҳам судга мурожаат қилиш имконияти беради ва суд, ишнинг ҳолатларини кўриб чиқиб, қабул қилинган қарорни ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Шу боис оилавий фирма капиталининг катта қисми мулкдорлари учун озгина улушга эга бўлган иштирокчини кўшимча шартга қўшилиши ёки чиқариб ташланишини талаб қилиб туриб олишлари бугунлай табиий ҳолдир. Акс ҳолда, 1000 сўмлик улушга эга бўла туриб устав фонди кўп миллионли бўлган фирма фаолиятини тўсиб қўйиш мумкин.

Оилавий корхонанинг таъсис шартномаси бизнесни ажрашиш хавф-хатаридан ҳимоя қилиши керак. Ажрашиш – оилавий бизнес учун катта хавфдир ва никоҳ муносабатларининг жуда ҳам эҳтимолий оқибатидир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 22-моддасига биноан никоҳ давом ёки никоҳ тузилган пайтга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағларига олинган мол-мулклари, агарда қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мол-мулки ҳисобланади. Бу норма никоҳ даврида олинган тижорат ташкилотларининг капиталидаги пайлар, хиссалар ва улушларига ҳам татбиқ этилади. Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни тақсимлаш қоидалари ЎЗР ФКнинг 226-моддаси билан белгиланган бўлиб, унда умумий мулк тақсимланганида ва ундан улуш ажратилганида, агар қонунда ёки иштирокчиларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг улушлари тенг ҳисобланиши айтиб ўтилган. Бу ҳақда шунингдек Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 28-моддасида ҳам айтиб ўтилган. Гарчанд ушбу модданинг иккинчи қисми эр-хотиннинг умумий молмулкни тақсимлаш ҳақидаги низони суд тартибида ҳал қилиш чоғида, суд эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиши, хусусан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақли эканлигини назарда тутди. Бироқ бундай ҳолатларни одатда исбатлаш мушкул, шунинг учун, айниқса оилавий бизнесга тааллуқли бўлган мол-мулкни тақсимлашни олдини олиш маъқулроқдир.

Никоҳни бекор қилиш ва оилавий бизнес учун мол-мулкни тақсимлашнинг салбий оқибатларини олдини олиш имконини берувчи асосий механизм – бу никоҳ шартномасини тузишдир. Оила кодексининг 29-моддасида келтирилган таърифга кўра *никоҳ шартномаси* - никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувидир. Никоҳ шартномасида эр ва хотинлар биргаликда, умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим

турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин. Бу оилавий бизнес нуқтаи назаридан муҳимдир, чунки бизнес – мол-мулкни кўпайтиришга қаратилган фаолиятдир. Фақат эндигина ишлаб топилиши, барқарорликка, шунингдек ҳам оилавий, ҳам ишбилармонлик муносабатларига кўшилиши кутилаётган мол-мулкнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш муҳимдир.

Никоҳ шартномасини предмети бўлиб шунингдек оилавий даромадларни ва харажатларни тақсимлаш, бошқа шахслар билан мулкий шартномаларни тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ҳисобланади. Никоҳ шартномасининг энг муҳим вазифаларидан бири – никоҳ бекор қилинган тақдирда эр ва хотинларнинг ҳар бирига топшириладиган мол-мулкни белгилашдир.

Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига, масалан ажралишга, боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин. Бу маънода никоҳ шартномасини, таъсис ҳужжатлари ҳамда иштирокчилар ўртасидаги келишувлар билан бир қаторда, оилавий бизнесдаги муносабатларни тартибга солувчи яна бир восита сифатида кўриш мумкин.

Оилавий фирманинг мулки кўп йиллар мобайнида кўпайиши мумкин. Агарда у, қарзларига қараганда, тез ортса, у ҳолда ҳар бир мулкдорнинг капиталдаги улушининг ҳақиқий қиймати ошади. Бироқ улар биргаликдаги умумий мулкдан ташкил топган акциядорлик жамиятларининг акцияларидан, бошқа шакллардаги корхоналардаги улушлар (хиссалар)дан фарқли равишда унчалик ҳам ликвидли эмаслар. Қонунчилик иштирокчилар томонидан улушларни учинчи шахсларга сотилишини чеклаш ёки таъқиқлаш, ёки улушни ёки унинг бир қисмини қолган иштирокчиларнинг розилиги билан сотиш шартини қўйиш, жумладан уставда ёки таъсис шартномасида тегишли қоидаларни белгилаш, ёки бундай сотишни тўғридан-тўғри чеклаш ёки таъқиқлаш, (оилавий корхона устав капиталидаги хиссани (ЎЗР қонунчилиги бўйича) оила аъзоси бўлмаганга сотиш мумкин эмас, чунки сотиб олувчи оилавий корхонанинг иштирокчиси бўлиши мумкин эмас). Натижада иштирокчининг улушини энг эҳтимолий сотиб олувчилари фирманинг ўзи ёки унинг бошқа иштирокчилари бўлади. Бу айниқса бир оила назорати остида бўлган компаниялар учун тўғриси бўлиб, бизнеснинг асосчилари фирманинг капитали оила аъзолари мулкида қолиши ҳақида жон куйдиришади.

Шу боис оилавий компаниялар бизнес иштирокчиларидан улушларни (улушларини бир қисмини) сотиб олиш имкони берадиган ликвид маблағлар жамғармасини ташкил қилишлари ва сақлаб туришлари зарур. Улушлар ва улушларнинг бир қисмини компания томонидан сотиб олиш тартиби эса бизнес иштирокчилари ўртасидаги махсус келишувнинг предметиға айланиши керак. Фирма томонидан ташкил қилинаётган ликвидлик захираси унинг мулкдорларига компания активлари қийматининг ортишидан қандайдир пул маблағларини олиш имконини беради ва ҳар бир мулкдор учун фирманинг капиталини кўпайтиришдаги шахсий стимулни оширади.

Ўзбекистонда компаниялар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно қилган ҳолда, бошқа иштирокчилар ёки учинчи шахсларга сотиш имконсиз бўлганда устав фондидаги улушларни сотиб олишга ҳақли эмаслар. Бундай ҳолатларда корхона қонун бўйича иштирокчилардан улушни ёки улушнинг бир қисмини сотиб олишга мажбурдир. Мажбурий сотиб олишдан ташқари, фирма томонидан ташкил қилинаётган ликвид маблағлар жамғармаси бизнеснинг бошқа иштирокчиларига ёки оила аъзоларига бизнесдаги улушларини (улушларининг бир қисмини) сотишни хоҳлаган шерик мулкдорлардан уларни сотиб олиш мақсадлари учун қарзга беришда фойдаланилиши мумкин. Корхона устав капиталидаги улушларнинг олди-сотдиси асосида иштирокчилар ўртасида улушларни қайта тақсимлаш учун оилавий бизнеснинг иштирокчиларига ликвид маблағларни тақдим қилиш бундай имкониятлар мавжуд бўлганда мутлақо жоиздир. Бу бизнесда иштирок этаётган оила аъзоларига уй-жой сотиб олишлари, болаларини ўқитишлари ёки бошқа зарурий

харажатларини қоплашлари учун ёрдам бериши мумкин. Бу оилавий фирма ичида можароларни олдини олишнинг ва бизнесни ташлашга қарор қилиши мумкин бўлган алоҳида қариндошларнинг бизнес иштирокчилари қаторидан чиқиб кетишининг яхши воситасидир, чунки корхонадан чиқиб кетишда собиқ иштирокчи унга ўз улушини компенсация қилиниши ёки агарда корхона биргаликдаги умумий мулк негизида ташкил қилинган бўлса, улушдаги мулкни ажратиб берилиши ҳуқуқига эгадир.

Бизнес мулкдорлари ўртасидаги келишув бандларидан бири оилавий бизнес иштирокчилари қаторидан ихтиёрий равишда чиқиш ва ундаги улушни сотиш шартлари бўлиши лозим. Бизнес иштирокчиларининг келишмовчиликлари улар ўртасидаги можароларнинг асосий сабабидир. Ва агарда барча учун мақбул қарорни топишнинг иложи бўлмаганда, у ҳолда норози иштирокчилар фуқаролик қонун ҳужжатлари талаб қилганидек бизнесдаги ҳиссалари эвазига пуллик ёки мулк шаклидаги компенсацияни олган тарзда кетиш имконига эга бўлишлари лозим.

Корхона томонидан улушни иштирокчининг шерик мулкдорлар қаторидан чиқиб кетишида сотиб олиниши, унинг мулкдорининг сотиб олиш ҳақидаги мурожаатидан олдинги ушбу улушнинг (улушнинг бир қисмининг) охириги ҳисобот давридаги бухгалтерия ҳисоботлари асосида унинг ҳақиқий қийматига тенг баҳода амалга оширилиши лозим. Иштирокчининг розилиги билан унинг улушининг (улушининг бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлаш ўрнига шундай қийматдаги мол-мулк берилиши мумкин. Бу қоидалар биргаликдаги умумий мулкка асосланган барча шаклдаги корхоналар (тўлиқ ва коммандит ширкатлар, оилавий корхона, масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар) учун ҳақиқийдир.

Масаланинг ҳал қилинишини соддалаштириш ва узоқ муддатли ва қимматга тушадиган суд муҳокамасига етиб бормаслик учун мулкдорлар ўртасидаги келишувда иштирокчи фирма капиталидаги ўз улушини оиланинг бошқа аъзоларига - мулкдорларига сотган ҳолда ёки ушбу улушни оиланинг бошқа аъзолари фойдасига олиб қўйилган тарзда оилавий бизнесдан чиқишга мажбур бўлиши ҳолатлари назарда тутилган бўлиши лозим. Оилада бундай қарор қабул қилиш, яъни умумий бизнесдан “қувғин қилиш” қарорини бериш оғир кечади. Шунга қарамадан, бундай қарор иложсиз чора сифатида сақлаб қўйилиши керак. Бу оилавий бизнесни фирма фаолиятини келажакда тўсиб қўйишга, уни суд муҳокамаларига тақаб қўядиган, ёхуд қандайдир бошқача усулда зиён етказишга уриниб кўрадиган иштирокчилардан химоя қилиш мақсади учун фойдали бўлиши мумкин.

Баъзи иштирокчилар ўз улушларини корхонага ёки унинг бошқа иштирокчиларига ихтиёрий сотиш йўли билан пул олишни хоҳлаши мумкин. Бунда ўз улушларини сотаётган оила аъзолари ўз келажакларини оилавий бизнес билан боғламайдилар. Улар, ўз шахсий бизнесларини бошлаш ёки ўзларига бошқача усулда мустақил келажакни қуриш учун ўз ҳиссаларини сотадилар.

Ўзининг бизнесдаги улушини унинг бошқа иштирокчиларига ёки компанияга сотаётган шахс, сотиш шартлари учун муҳим саналган барча фактларнинг (шу жумладан, улушнинг жорий қийматини белгиловчи) баён қилиниши ва тушунтирилишини ёзма шаклда олиши лозим. Бу сотувчи юридик жиҳатдан битим тузишга мажбур бўлгунга қадар содир бўлиши лозим. Бу нафақат “энг яхши амалиёт”, балки фуқаролик қонунчилигининг талабидир. Тарафлар бир-бирларига битим тузилгунга қадар барча муҳим ахборотларни хабар қилишга мажбур.

Агарда бизнеснинг иштирокчининг улушини сотиб олаётган раҳбарлари сотишнинг шартларига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муҳим фактлар ва ҳолатларни, жумладан баҳони ошқор қилмасалар, у ҳолда бунинг амалдаги оқибати сотувчининг битимни ҳақиқий эмас деб топиш ёки етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳақида судга даъво ариза киритиш ҳуқуқига айланиши мумкин. Зарарлар, оилавий фирма томонидан сотувчига амалда тўланган баҳо юзасидан барча муҳим фактларни инobatга олиш шarti билан улуш қийматининг оширилиши сифатида баҳоланиши мумкин.

Иштирокчилар ўртасидаги келишув билан корхона устав фондига (устав капиталига)хисса сифатида берилган мол-мулк, ёхуд фойдаланиш ҳуқуқи хисса сифатида берилган мол-мулк корхонада оилавий бизнесдан чиқиб кетган (чиқариб юборилган) иштирокчига пуллик компенсация ўрнига қолади.

Бошқа томондан, биргаликдаги умумий мулк негизида ташкил қилинган оилавий фирмаларнинг иштирокчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ корхонанинг фойдаланишига берилган мол-мулкни муддатидан аввал қайтарилиши талаби ўз ўрнида корхонага унинг талабига кўра бундай мол-мулкдан қолган муддат ичида шундай шартларда фойдаланганлик учун тўловга тенг бўлган пуллик компенсацияни тўлаш мажбуриятини юзага келтиришини эътиборга олишлари лозим⁵⁴.

Агарда қолган иштирокчиларнинг қарорини бажаришга устав капиталда унчалик катта бўлмаган улушга эга бўлган бир иштирокчи тўсқинлик қилса, у ҳолда уни бизнес иштирокчилари таркибидан чиқариб юборилиши (улушини сотиб олиниши) муаммонинг ечимига айланиши мумкин. Бироқ норози бўлган камчиликнинг улуши оилавий бизнесидаги иштирокчилар сонининг ва фирма устав капиталида етарли даражада катта бўлганда, уни “элиминация қилиш” (чиқариб ташлаш) иложсиз бўлиши мумкин. Шу боис иштирокчилар ўртасидаги келишувда бизнеснинг тақсимланиши ҳам назарда тутилган бўлиши лозим. Агарда оила аъзолари томонидан назорат қилинадиган бир фирма ўрнида иккитаси кўпроғи пайдо бўлса ва айниқса, улар ўзлари ўрталаридаги рақобатни олдини олишни уддалай олсалар, бу оилавий ишни қариндошларнинг орасидаги ички келишмовчиликлар туфайли тугатилишига қараганда яхшироқдир.

3.4. Оилавий бизнесдаги можароларни тартибга солиш

Оилавий корхоналар, бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар билан қиёслаганда, айниқса низолар ва можароларга нисбатан таъсирчанлар, чунки уларда ҳам оилавий ҳам ишбилармонлик муаммолари кўшилиб кетади. Қариндошлар орасидаги рақиблик ва шахсий нафсониятлар уларнинг бизнесни юритишдаги келишмовчиликлари билан аралашиб кетганда бу ҳолат ачинарли оқибатларга олиб келади.

Оила аъзолари турли даражада бизнесга жалб қилинган. Корхонанинг фаол бўлмаган шерик мулкдорлари, кўпроқ эҳтимол билан, оилавий бизнесдаги ишлар ҳақида унинг даромадни тақсимлаш кўришидаги ва оила бюджетидagi уларнинг шахсий фойдаларига ўзларининг таъсири бўйича фикр юритадилар, ва капитални хосил қилишга сарфланган маблағлар ҳажми, янги асбоб-ускунани сотиб олиш, ходимларни ёллаш ва бўшатиш ва ҳоказолар каби бундай мавзуларга шу нуқтаи назардан қарайдилар. Кундалик фаолиятга жалб қилинганларни, кўпроқ ишлаб чиқариш ва сотувларнинг ҳажмлари, бизнесни ўсиши суръатлари ва ходимларни бошқариш кўрсаткичлари хавотирга солади. Шубҳасиз, бу ерда можаро учун имкон бор. Оилавий бизнесдаги можаролар учун асосий сабаблар куйидагилардир:

- Ишларни юритишнинг тўғрилигига нисбатан ҳамфикрликнинг мавжуд эмаслиги (қарашлардаги тафовутлар);
- Бир бирига нисбатан ишбилармонлик нуфузининг мавжуд эмаслиги (ҳар бир шерик ўз шеригини – қариндошини ўзига қараганда янада обрўли мутахассис деб ҳисобламайди);
- Бизнесга жалб қилишда қариндошлик ва ишбилармонлик муносабатлари орасидаги хусусиятларни белгилашни билмаслик. Кўпинча оилавий бизнесга тегишли тажрибаси, зарур билимлари ва ишбилармонлик кўникмалари бўлмаган кишилар таклиф қилинади. Айнан шу пайтдан бошлаб натижаларда акс этадиган ишдаги барча жиддий муаммолар

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ни Қонунининг 10-моддаси.

бошланади. Раҳбариятнинг адолатсизлиги, фирма раҳбарининг айрим оила аъзоларига нисбатан яққол тарафдорлиги;

- Оила аъзоларининг барқарорликка интилиши, хавф-хатарга нисбатан салбий муносабати, демакки бизнесдаги экспериментлар ва инновацияларга қаршилик қилишидир;

Раҳбарнинг фирманинг шерик мулкдорлари ва ходимларидан ортиқча ёпиқ бўлиши, улар томонидан ишончсизлик деб баҳоланади;

- Ортиқча жиззакилик, такаббурлик, хасадгўйлик. Кўпинча бўлганидек, бизнесга таклиф қилинган қариндошлардан биттаси бошқа қариндошларга қараганда кўпроқ муваффақиятли ва омадлироқ чиқиб қолади. Натижада можаролар бошланиб, шериклар орасида ажралишга ва ҳамкорликдаги бизнесдан кетишга олиб келади. Жуда ҳам кўпинча собиқ шериклар рақобатчига айланганларидан кейин қариндошлик муносабатлари тугайди;
- Даромадни тақсимлаш. Айрим қариндошлар ўзларининг фойдалари оилавий бизнесдаги иштирокларини тўлиқ қопламайди деб, ёки бойроқ ва омадлироқ қариндошлар камбағалроқларига бизнесдан тушган фойдаларининг бир қисмини бунга ажратган ҳолда ёрдам беришларини шарт деб ҳисоблашлари мумкин. Оилавий бизнеснинг бошқа иштирокчилари бу масалалар бўйича мутлақо қарама-қарши фикрда турадилар;
- Бизнесга алоқадор бўлмаган оилавий можаролар. Оиладаги тартибсизлик ҳам бизнесдаги можароларга олиб келиши ва ҳатто яқунда уни тугатилишининг сабабига айланиши мумкин.

Иш муносабатларини ва можароларини уй шароитига кўчирмаслик керак. Кўпинча шундай бўладики, оилавий корхонанинг раҳбари ўзининг бизнесдаги кишиларга баҳо бериш омилини ишдан кейинги ҳаётига ҳам тақайди. У энди ўзининг қариндошларини шунчаки севиши ёки сева олмаслиги мумкин, уларни раҳбарчасига баҳолайди, уларни бизнес учун фойдали ва керакли бўлган нимани қилганликларини баҳолайди, ва айнан шунга қараб уларга нисбатан унинг уйдаги феъл-атвори кўпинча боғлиқдир. Агарда раҳбарнинг ўғли йирик битимни содир қилган бўлса – уйда раҳбар-отанинг кайфияти ижобий туюлади, яъни омадли ўғлидан ғурурланиш ҳисси пайдо бўлади, мабодо ўғил ишни барбод қилиб қўйган бўлса, у ҳолда муносабатларда ҳафалик ва омадсизга нисбатан кўполлик бўлиши муқаррардир. Лекин бундай ҳиссиётли кайфият ва ҳатти-харакатлар кўриниши – нафақат офисдаги, балки уйдаги можаролар тўғри йўл бўлади. Фирма бошлиғи – бу можароларни ҳал қилишга мажбур, ва ўз ҳиссиётларига эрк бермайдиган кишидир.

Бироқ амалиётда кичик оилавий бизнесда учрайдиган аксарият можаролар – бу бошлиқ ва қўл остидагилар ўртасида ишнинг қанчалик сифатли бажарилганлиги юзасидан келиб чиқадиган зиддиятларининг натижасидир. Бу нафақат етарлича кенг тарқалган, балки фирмадаги ҳар қандай даражадаги раҳбар учун энг хавфли можаро туридир, чунки атрофдагилар вазиятнинг ривожланишини кузатадилар ва ўз бошлиғининг таъсири, обрўси, ҳаракатларини текширадилар. Унинг барча ҳаракатлари ва сўзларини авж олиб бораётган кескин вазият орқали ғалвирдан ўтказадилар. Боз устига оилавий фирмада ходимлар бир пайтнинг ўзида иштирокчиларнинг энг яқин умумий йиғилишида ушбу менеджернинг омилкорлиги масаласини кўтаришлари мумкин, бу вақтга келиб у фирмада ишда қолганлиги ёки қолмаганлигидан қатъий назар.

Шунинг учун можаролар ҳал қилиниши лозим, йўқса улар оилавий бизнес учун бузғунчи тусга киради. Можарони ҳал этиш учун биринчи навбатда унинг пайдо бўлиши сабабини аниқлаш зарур. Юзаки тарафдан вазият можарони келтириб чиқарган чуқур сабаблар билан солиштирганда мутлақо бошқача кўриниши мумкин. Бунинг учун раҳбарга, агарда низо қўл остидагилар ўртасида келиб чиққан бўлса, иккала тарафни тинглаши ва келишмовчиликларнинг манбасини тушуниб етишга уриниши маъқулроқдир. Баъзан можаронинг ташқи объектив (ишлаб чиқариш) кўринадиган томони бўлиб фақат субъектив сабаблар яширинган бўлиши мумкин: масалан, фирмада алоҳида йўналишларга ишлаб

чиқариш ва сотувга раҳбарлик қилган икки ака-ука ҳар доим тортишса, бир бирини танқид қилса, бири ака-укасидан кўра бу йўналишга жавоб берадиган яхшироқ ечимни таклиф қилганини исботлашга уринса. “Сурункали” можаронинг ҳақиқий сабаби сийқаси чиққан кимўзарлик ва отасига – оилавий бизнес бошлиғига кўпроқ таъсир ўтказишга интилишдан иборатдир. Бундай ҳолатда фирма бошлиғининг вазифаси иккала ўгли билан ҳам улардан бирор-бирини афзал кўришини кўрсатмаган ҳолда баравар муносабатда бўлишни сақлашдан иборатдир. Йўналишлар раҳбарларининг муваффақиятлари ва омадсизликлари улардан ҳар бирининг эришган кўрсаткичларига боғлиқ бўлиши керак, ва фирма раҳбарига таъсир кўрсата олиш даражасида эмас. Бу кўрсаткичлар аввалдан ишлаб чиқилган ва ходимларга етказилган бўлиши лозим. Шунда даҳанаки рақиблик камроқ аҳамиятга эга бўлади ва унинг чўғи, энг муҳими пасаяди, ва фақат бизнесга фойда келтиради.

Оилавий фирма ичидаги тарангликни пасайтириш учун унинг бошлиғи бир нечта бошқарув тамойилларига риоя қилиши лозим:

- Ходимларнинг кучли томонларидан тўғри фойдаланиш, шу жумладан янги лавозимларга тайинлашда ҳам. Яхши муҳандис ишлаб чиқаришнинг шундай яхши ташкилотчисига айлана олиши, аъло даражаги дизайнер реклама агентлигининг мижозлари билан муваффақиятли ишлай олиши шарт эмас. Паст даражадаги ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлган заиф менеджер – можаролар сари тўғри йўлдир;
- Ходимлар устидан майда-чуйдаларни назорат қилмаслик ва уларнинг ишига аралашмаслик. Инсонларга ишоник ва уларга функционал мажбуриятдари доирасида мустақил ҳаракат қилишларига имкон бериш. Бусиз бизнесни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш иложсиздир, чунки ҳер бир одам ҳамма нарсани бирдек яхши қилолмайди, шунчаки бир ўзи ҳамма нарса билан шуғулланишдан чарчайди. Яхшиси ходимларга уларнинг ўрнига ишни қайтадан қилишнинг ўрнига ўзларининг хатоларини тузатиш имконини бериш керак.
- Ҳар доим ходимларга рост гапириш, муҳим қарорлар ва фармойишларни асослаб ва шарҳлаб бериш керак, “орқадан туриб айтиладиган” чала гаплар ва қайта муҳокамаларга йўл қўймаслик, чунки улар бизнес етакчисининг нуфузига ва унга бўлган ишончга путур етказилади.

Оливи корхоналарнинг айрим раҳбарлари фирманинг шерик мулкдорларига ва ходимларига бизнеснинг аҳволи ҳақида мунтазам равишда хабар беришни, уларнинг фикрлари ва таклифларини тинглашни муҳим деб ҳисобламайдилар. Бу раҳбарлар, айниқса бизнес асосчилари, бизнесда, унинг деталларига боғлиқ бўлган нарсалар билан бутунлай машғул бўлган оила аъзолари муносабатда жуда ҳам ёпиқ бўлишга мойилдир. Янги ғоялар фирма бошлиғининг режаларини бузилиши сифатида қабул қилиниши мумкин ва қўллаб қувватланмайди, ва амалда уларни рўёбга чиқаришда раҳбарнинг ҳаракатлари билан ҳатто тўсиқлар яратилади. Оқибатда раҳбарнинг қотиб қолган бошқарув усулларига содиқлиги ва ортиқча сирлилиги туфайли бизнес азият чиқиши мумкин. Устига устак бундай раҳбарлик амалиётдан корхона шерик мулкдорлари ва ишчиларининг норозилиги ортишини кутиш мумкин.

Оилавий бизнеснинг раҳбари янги ғояларга берилувчан ва ишбилармонлик муҳитидаги ўзгаришларга мослашишга қодир бўлган очик-ойдинлик маданиятини яратиши лозим. Оилавий бизнес ўзгаришлар ва инновацияларни жадаллаштирадиган тадбиркорлик маданиятини ривожлантириши ва рўёбга чиқариши лозим. Бу турли фикрларнинг, ахборотни тез айирбошлашни, янги ғоялар ва ўзгаришларга очик муносабатни, керак бўлган ҳолларда бизнесни юритишнинг эски усулларини инобатга олинишини тақозо этади. Қачонки катта авлод ёш авлодга янги ғояларни тақдим этишга имкон бермаса, ўзгаришлар эса тўсиб қўйилса, оилавий бизнеснинг яшовчанлиги савол остида қолади.

Можаро келиб чиққанда асосийси – ҳовлиқиб хулосалар қилмаслик ва шошилиш чоралар кўрмаслик, ва аксинча тўхташ ва ҳар хил тарафдан вазиятга қараб уни тушунишга ҳаракат

қилиш керакдир. Чунки можарони конструктив ҳал қилиш оиланинг ва корхонанинг барча ишчиларининг жисплашувига, ишончнинг ошишига, ҳамкасблар орасидаги ўзаро ҳаракатлар жараёнини яхшилашга, корхонани бошқариш маданиятининг ошишига олиб келади.

Бошқа тарафдан, агарда оилавий корхона жамоасида кескинлик мавжуд бўлса, ҳеч нарса бўлмаётгандек кўриниш, можарони сўндириш, “уни ичкарига ҳайдаш” керак эмас. Бу ҳолатда можаро йиллаб давом этиши мумкинки, ходимларнинг ишчанлик қобиляти пасайишига ва уларнинг руҳий аҳволининг ёмонлашишига, мулоқот (коммуникацион) алоқалар бузилиши (ходимнинг ўзи бошқаларга мурожаат қилишни “хоҳламаслиги” ва гарчи бир неча дақиқада ҳал бўладиган масаланинг ҳафталаб ечилмаслиги) туфайли ишнинг самарадорлиги пасайишига олиб келади, ва якуний ҳисобда уни тўлик ҳолда музокаралар столида ҳал қилишгача етиб боради. Музокара жараёнининг муваффақияти ва можарони ҳал қилиш учун фирма раҳбарияти куйидаги ҳаракатларни амалга ошириши лозим:

- можаро иштирокчиларига ҳодисаларнинг ўз нақлини баён этиш ёки бир бирига нисбатан муаммони ҳис этишига имкон бериш. Кўпинча, бу қадам бошқа тараф фахмлай олмаган муаммо ёки ҳолатни аниқлаб беради;
- можаро иштирокчиларига туташиш нуқтасини топишга ёрдам бериш. Бу жуда ҳам муҳимдир, чунки ҳар бир тараф баъзи умумий қарашларга эгадирлар ва бошқа тараф уларга рози бўлиши мумкиндир. Бу раҳбарга можарога аралашиб қолган тарафлар ўртасидаги масофани қисқартириш имконини бериш учун асос бўлади;
- муроасага эришишни раҳбатлантириш. Ҳамкорликдаги иш ҳаққи ҳурмати ҳар бир киши бир оз ён беришга тайёр бўлиши лозим. Бу қадам вақт талаб қилиши мумкин, чунки тарафлар ўзларининг қарашларида ёки муаммони қандай ҳал қилиш нақлларида аллақачон қатъий туриб олганлар. Қачонки муроасага эришилганда, ҳар бири ўзини бироз яхшироқ ҳис этади;
- можарога аралашиб қолган тарафларга уларда салбий ҳиссиётларга берилмасликларини уйғотиш учун таъсир кўрсатишга интилиш. Кўпинча можаро нафақат салбий ҳиссиётларни ифодалаш (жанжаллар) билан кузатилади, бироқ улар муҳолифни салбий қабул қилишни шакллантирган ҳолда тўпланади. Можаронинг кучайиши мобайнида пайдо бўлган ҳис ва фикрлар йўқолиши керак. Агарда умумий қониқиш учун бундай бўлмай қолса, муаммо бироз вақтга кетиши мумкин, аммо оғир ахлоқий-руҳий муҳит сақланиб қолади, ва можаро яна тақрорланиши мумкин;
- раҳбар можаронинг ижобий ҳал этилишида ўз ишончини кўрсатиши лозим. Заифлик ва ишончсизликни кўрсатиш миссиянинг омадсизлига ва раҳбарнинг обрўсига путур етишига олиб келади;
- можароларни ижобий ҳал қилиш усулини шакллантириш. Ҳар қандай баҳсли вазият тўсиқ ёки “кичик кулфат” деб эмас, балки бизнесни ривожлантириш учун асос сифатида кўриб чиқилиши лозим. Идеал ҳолатда можароларнинг ижобий идрок этилиши муаммога турли тарафлардан қарашларга олиб келади, ёқимли ҳал қилишга олиб келади⁵⁵.

Агарда оилавий фирмада низоларни адолатли ҳал этиш механизми яратилса, унда кўпгина можароларни бошиданок сўндиришнинг уддасидан чиқилади. Агарда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилаётган қариндошлар муаммони мустақил ва холислик билан ҳал қилинишига ишонсалар, улар кўпроқ эҳтимол даражада ҳакамнинг қарорига рози бўладилар, ҳатто агар бу қарордан кўнгиллари тўлмаса ҳам. Умумий ишончдаги оила аъзоси, ва оиланинг дўстларидан ёки бизнес шерикларидан бири (ташқаридан кўпроқ кўринади) ёки ҳатто жамоавий институт, норасмий бўлса ҳам, масалан оилавий кенгаш ҳам ҳакам бўлиши мумкин. Оилавий фирмада барча томонидан эътироф этилган можароларни ҳал қилиш механизмини

⁵⁵Манба: - <http://www.startsbusiness.ru> “Янги бизнес” сайти

яратиш жуда муҳимдир, чунки ички можаролар – оилавий бизнес омадсизликларининг ва унинг паст даражадаги яшовчанлигини асосий сабабларидан биридир.

Тавсия қилинган адабиётлар.

Ўзбекистон Республикасининг кодекс ва қонунлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августдаги 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
2. 25.05.2000 й. 71-II-сонли “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”.
3. 11.12.2003 й. 558-II-сонли “Хусусий корхона тўғрисида”.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.
5. 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сонли “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”.
6. 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сонли “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” (Янги таҳрири).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари:

1. 2010 йил 16 июлдаги ПФ-4232-сонли “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”.
2. 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”.
3. 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”.
4. 2004 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”.
5. 2009 йил 15 майдаги ПҚ-1112-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”.
6. 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сонли “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”.
7. 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

1. 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”.
2. 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”.
3. 2009 йил 20 июлдаги 216-сонли “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”.
4. 2011 йил 7 январдаги 6-сонли “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” (ўзгартиришлар билан).
5. 2012 йил 13 сентябрдаги 269-сонли “Оилавий корхона томонидан фойдаланишга йўл қўйилмайдиган модалар, материаллар ва асбоб-ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”.

Маҳсул адабиётлар ва тадқиқотлар:

1. Brännback M. Carsrud A. (2011) Understanding Family Firms. Case Studies on the Management of Crises, Uncertainty and Change, Springer, Heidelberg.
2. Fishman. Allen E (2009) 9 Elements of Family Business success, McGraw-Hill. NY.
3. International Financial Corporation (2011) IFC Family Business governance Handbook, Third edition. Washington DC.
4. Lipman Fr. D. (2010) The Family Business Guide, PALGRAVE MACMILLAN. NY.
5. Колин Ларри, Колин Лора (2010) Оилавий бизнес: Ихтилофдан муваффақиятгача. “Добрая Книга” Нашриёти.